

83.5 (59)

8 14

**Қадимги  
давлатчилик ва  
урбанизация  
(тарихий лавҳалар)**

63.5(5Ў)

Қ14

Қадимги давлатчилик ва урбанизация. Тарихий лавҳалар: мақолалар тўплами / масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. - MUMTOZ SO'Z, 2010. - 228 б.

ББК 63.5(5Ў)

УДК: 94(575)

*Ушбу тарихий лавҳаларда қадимги ва ўрта асрлар давридаги давлатчилик, урбанизация ва маданий жараёнлар билан боғлиқ масалалар ёритилган. Муаллифлар археологик ва ёзма манбалар маълумотларидан фойдаланиб қадимги Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий тузуми, давлатчилик ва қадимги шаҳарлар, этномаданий жараёнлар, халқаро маданий ва иқтисодий алоқалар масалаларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Мазкур китоб мутахассислар, ўқитувчилар, талабалар ва тарих билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:** т.ф.д., проф. Р.Х.Сулаймонов

**Тақризчилар:** т.ф.д. Ў.М.Мавлонов  
т.ф.н., доц. Н.Т.Полвонов

ISBN 978-9943-398-08-5

© "MUMTOZ SO'Z", 2010

Мустақиллик йилларида давлатчилик, урбанизация ва маданият тарихини ўрганиш муҳим масалага айланди. Ўрта Осиёнинг турли тарихий – маданий вилоятлари – Марғиёна, Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Тошкент воҳаси, Фарғона водийсида кўпгина археологик тадқиқотлар олиб борилди ва муҳим аҳамиятга эга бўлган янги маълумотлар тўпланди. Улар давлатчилик ва урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларнинг кенгайишига имкон яратди. Мавжуд ёзма манбалар ва археологик маълумотлардан давлатчилик тарихи муаммоларига оид монографиялар, илмий тўплам ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилди<sup>1</sup>. Шунингдек, Ўрта Осиёда илк давлатчилик ва бошқарув тизими тарихшунослиги мавзусига оид монография чоп этилди<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё халқлари тарихига тегишли умумий мавзулар ва илмий муаммоларнинг мавжудлиги маълум. Қадимги даврлардан бошлаб бир умумий минтақада қўшни қабилалар ва элатлар турли кўринишдаги ўзаро алоқалар, бир-бирига яқин бўлган маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар асосида ривожланган. Ушбу мавзунинг мукамал ўрганиш вазифасини ҳисобга олган ҳолда давлатчилик, урбанизация ва маданият тарихи муаммолари билан боғлиқ қўлланма тайёрлаш лозим топилди.

Мазкур китобда ўқувчилар диққатига Ўрта Осиёда бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, давлатчилик тушунчаси ва Қадимги Шарқдаги илк давлатлар, давлатчилик ривожланишининг хусусиятлари, маданий алоқалар, халқаро муносабатлар мисолида маданий юксалиш ва бошқа мавзулар ҳавола қилинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2001; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005; История государственности Узбекистана. Отв.ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент, 2009. Т.1.; Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент, 2004; Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2009. Т.1.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент, 2009.

Қадимги давлатлар ва шаҳарлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга, муайян марказий ва маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи, махсус бошқарув аппаратига эга бўлган. Бу борада ибтидоий даврда вужудга келган ижтимоий бошқарувнинг касбий (профессионал) бошқарувчиликка айланиши сабабларини очиб бериш катта аҳамиятга эга. Сиёсий ташкилот мақоми даражасига етмаган жамиятларда ижтимоий бошқарув аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга ошириш заруриятидан келиб чиққан. Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва мол айирбошлаш ривожланиши натижасида кўп функцияли — ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маъмурий-ҳудудий бошқарув пайдо бўлади. Ушбу мавзуга оид янги маълумотлар билимларимизни анча кенгайтишига имкон яратади.

Ўрта Осиё жанубида (Парфия, Марғиёна, Бақтрия) мил. авв. II минг йилликда қадимги деҳқончилик маданияти ва ихтисослашган ҳунармандчилик ривожланиши асосида илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланади. Бу жараён босқичма-босқич ривожланишнинг ўзига хос хусусият ва қонунларига эга эди. Дастлабки давлатлар алоҳида аҳоли пунктлари ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудлардан, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик туман-воҳаларида пайдо бўлган. Илк давлатларнинг вужудга келишига ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омиллар сабаб бўлган. Бу борада мавжуд илмий маълумотлар минтақа тарихининг илк босқичидаги турли жараёнлар ҳақида тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради.

Мазкур китобда Ўрта Осиёда XIX асрнинг ўрталарига қадар давлатчилик ривожланишининг асосий хусусиятлари умумий (давлатчиликнинг тарихий босқичлари, бошқарув шакллари, юксалиш ва инқироз сабаблари, давлатчилик тараққиётига таҳдидлар ва бошқа масалалар) таҳлил қилинган.

Ўрта Осиё тарихининг хусусияти шундан иборатки, ҳали олис ўтмишлардаёқ маҳаллий аҳоли таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш ҳисобига, балки ташқи миграциялар эвазига ҳам кенгая борган. Археологик маълумотларнинг

гувоҳлигига қараганда, миграция жараёнлари энеолит ва бронза даврига келиб (6-4 минг йил аввал) айниқса кучаяди. Бу даврда қадимги зироатчиларнинг Копетдоғолди ҳудудлари, Мурғоб дарёси этаклари, Шимолий Афғонистон ҳамда Сурхон ва Зарафшон водийларига кенг жойлашуви қайд қилинади. Шунингдек, Белужистон ва Хараппа аҳолисининг Ҳинд дарёси водийси ва Афғонистоннинг жанубидан Панж дарёси ҳавзасига, Олд Осиё аҳолисининг Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларига босқичма-босқич сингиб кетишини ҳам таъкидлаш жоиз. Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвадор аҳолининг Евроосиё даштларидан Ўрта Осиёга жадал силжиши бошланади. Мазкур жараён то мил. авв. IX-VIII асрларга қадар давом этган.

Милодий IV-V асрлар мобайнида ва айниқса, VI-VII асрларда Жанубий Сибир ва Олтойдан келиб чиққан кўчманчи қабилалар минтақанинг маҳаллий ўтроқ аҳоли орасига сингиб, аралашиб кетдилар. Миграция жараёнлари ўрта асрларнинг турли босқичларида давом этди. Уларнинг асосий сабаблари экологик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар таъсирида рўй берган. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи миграциялар, турли қабилалар ва элатлар ўртасидаги ассимиляция жараёнлари ва ўзаро маданий алоқалар билан тавсифланади.

Ўрта Осиё тарихининг яна бир хусусияти шундан иборатки, кўпинча, истилолар оқибатида маҳаллий давлатчиликнинг мустақил ривожланиш чизиги узилиб турган. Узоқ вақт мобайнида минтақанинг турли вилоятлари истилолар оқибатида ташкил топган давлатлар таркибига кирган ҳамда этник силжишлар таъсирига учраган. Ўрта Осиё форсларнинг Аҳамонийлар подшолиги, Александр Македонский ва Салавкийлар, Кидарийлар ва Эфталийлар давлатлари, Турк хоқонлиги ва Араб халифалиги таркибига кирган. Мазкур давлатлар ҳудудида кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда минтақа халқлари муҳим рол ўйнаган. Оқибатда эса бу маҳаллий давлатчилик анъаналарининг тикланишига ёрдам берган. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқлари давлатчилигининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини тан олган ҳолда, мазкур жараён ривожининг ўзига хос

хусусиятларига, ташқи омиллар мавжудлигига ҳамда сиёсий ва этномаданий жараёнларнинг хилма-хиллигига ҳам эътибор қарагиш лозим.

Сўнги йилларда турли тадқиқотлар Ўрта Осиёнинг қадимги даври ва ўрта асрлар халқаро иқтисодий-маданий алоқалари муаммоси билан узвий боғланди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида ва янги илмий маълумотларни жалб қилган ҳолда ушбу китобда иқтисодий-маданий алоқалар мавзусини янгича ёритиш мақсади қўйилди. Бу алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги босқичларга ажратилиб ўрганилди:

1. Ташқи алоқаларнинг илдизлари ва илк иқтисодий-маданий ўзаро муносабатларнинг ривожланиши (энг қадимги даврлардан мил. авв. I минг йилликнинг бошларига қадар).

2. Қадимги давлатлар даврида ташқи маданий алоқалар (мил. авв. VII—милодий IV асрлар).

3. Илк ўрта асрлардаги халқаро маданий алоқалар (V—VIII асрлар).

4. Ривожланган ўрта асрларда иқтисодий-маданий алоқалар (IX—XIII асрнинг бошлари).

5. XIV аср охири — XV асрда халқаро маданий алоқалар.

6. XVI—XVIII асрларда маданий алоқалар.

Қадимий ва ўрта асрлар ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари турли омилларга асосланиб ривожланди. Инсоният тарихида тараққиётнинг асосий омили билимларнинг кенгайиб бориши, моддий ва маънавий қадриятларнинг ривожланиши технологик янгиликларни иқтисодиёт соҳаларига татбиқ қилиниши билан узвий боғланган. Маданий алоқалар ва ўзаро иқтисодий муносабатлар жаҳондаги турли халқларнинг тараққиётига хизмат қилган. Мазкур жараёнларда Ўрта Осиё цивилизациялари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган.

Қадимги ва ўрта асрлар алоқа йўлларининг давлатчилик ва шаҳарлар ривожига аҳамияти масаласининг таҳлили маданий мулоқот жараёнлари ҳақида тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради.

“Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар)” китоби муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган бўлиб, Кириш, 1-, 4-, 5-лавҳалар А.С.Сагдуллаев, 6-лавҳа А.С.Сагдуллаев ва И.Йўлдошев, 2-, 3-, 7-, 10-, 11-, 13-лавҳалар Б.Ж.Эшов, 8,9-лавҳалар Д.Маҳкамова, 12-лавҳа А.Р.Абдуқаюмовлар томонидан ёзилди.

Китоб юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни муаллифлар жамоаси миннатдорчилик билан қабул қилади.

## **БОШҚАРУВ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Инсоният тарихида бошқарувнинг илк шакли — ижтимоий бошқарув, ибтидоий жамиятда вужудга келган. Уруғ ва қабила аъзолари ҳаётида ахлоқий меъёрлар, одамларнинг хулқ-атвори қоидалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамият бошқаруви ижтимоий ҳокимиятга асосланган (оқсоқоллар кенгаши, жамоа йиғилиши). Уруғ аъзоларини умумий манфаатлар, умумий меҳнат ва ўзаро ёрдам бирлаштирган. Турли характердаги муҳим масалалар (ижтимоий, хўжалик, урф-одат, эътиқод) уруғ кенгашида ҳал қилинган. Жамоа аъзолари йиғилишида уруғ бошлиғи сайланган. Ижтимоий ҳокимият мерос сифатида отадан ўғилга ўтмаган ва жамиятда ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган.

Сиёсий ташкилот мақоми даражасига етмаган жамиятда раҳбар — йўлбошчининг амалий билимлари ва нуфузи бошқаларга нисбатан юқори бўлса-да, у жамоа аъзолари билан хўжалик ишларида, овчилик, балиқчилик, термачилик жараёнларида баравар иштирок этиб, ташкилий-бошқарув фаолияти билан ажралиб турган. Йўлбошчи ахлоқий меъёрлар, жамоанинг турмуш тарзи қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз мансаби ва нуфузини сақлаб турган. Аксинча, ҳаракатлар, яъни ахлоқий қоидаларни бузиш катта гуноҳ ҳисобланиб, уруғ ва қабила бошлиқларини ижтимоий бошқарув фаолиятидан четлаштиришга сабаб бўлган. Бундай қарор жамоа вакилларининг йиғилишида қабул қилинган.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар — деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгариб, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий ривожини тезлаштиришга имкон берган. Мис ва бронза металлургиясининг кашф этилиши (6-4,5 минг йил аввал), махсус ҳунармандчилик ва бинокорликнинг ривожланиши туфайли ижтимоий бошқарув янги асосда тараққий этган.

Ибтидоий тарихда аҳолининг жойлашуви қариндош-қондошлик алоқалари билан белгиланган. У ёки бу ҳудудда фақат битта уруғ аъзоларигина яшаган. Хўжалик ишлаб чиқарувчи шакллارининг тараққиёти аҳоли жойлашуви ҳудудларнинг кенгайишига, ташқи алоқаларнинг узлуксиз ривожланишига олиб келган. Ишлаб чиқариш зарурати ва бошқа иқтисодий омиллар шуни тақозо этган. Шу тариқа аҳолининг аралаш жойлашуви жараёни бошланган. Бунда бир ҳудудда турли уруғ намояндalари яшайдиган бўлган. Ана шундай қилиб, жамиятнинг янги ҳудудий ташкилоти вужудга келган. Қариндош-уруғчилик жамоаси ўрнига ҳудудий кўшничилик жамоаси пайдо бўлган.

Ўрта Осиёда бу жамоалар вакиллари алоҳида аҳоли пунктлар, экинзорлар ва суғориш тармоқлари билан чегараланган, яъни тўла ўзлаштирилган ва мутгасил хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиб келинган воҳа-туманларда ҳаёт кечириб, ўз ички ва ташқи муносабатларидан келиб чиқадиган муаммоларини ҳал қилишда бирлашишга ҳаракат қилганлар. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, жамоадаги диний урф-одатларни бажариш каби масалалар бошқарувнинг янги шакли — касбий (профессионал) бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солди.

Ижтимоий мансабларни эгаллаш, жамоа ишлаб чиқариш ишлари ва ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлиқ бўлган. Бошқарув фаолияти зарурати ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотини тақсимлаш каби ишлар билан махсус шуғулланувчи айрим шахсларни юзага чиқарган.

Шу тарзда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда ўз обрў-эътиборига эга бўлган, фақат ишлаб чиқариш



билан шуғулланмасдан, ижтимоий муносабатларни ва хўжалик ҳаётини назорат қиладиган ҳамда бошқарадиган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Бундай одамлар ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, амалий билимлари ва нуфузлари билан бошқалардан ажралиб турган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан ташкилий-бошқарув фаолияти ажралиб чиққан.

Раҳбар-йўлбошчининг нуфузи юқори бўлса-да, жамиятдаги ишлаб чиқариш жараёни бошқарув ютуқларига асосланган ижтимоий ҳокимият дастлаб сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот турини ўзида ифода этган. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви, бошқарув функцияларининг кенгайиб бориши натижасида бундай ташкилот бошқарувчиси лавозимини бажарувчи шахслар ўз меҳнати эвазига моддий жиҳатдан рағбатлантирилган. Моддий бойликларни тақсимлаш ва жамоа маҳсулотидан олинадиган улуш бундай кишиларнинг жамиятдаги ўрни ва амалига боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, йўлбошчи раҳбарнинг дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти касбий (профессионал) бошқарувчиликка айланиб, ижтимоий мансаблар ва ҳокимият ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган.

Бошқарувнинг асослари аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга ошириш заруриятидан келиб чиққан.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, ихтисослашган ҳунармандчилик, мол айирбошлаш, савдо-сотик алоқаларининг ривожланиши натижасида жамият ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлинади, кўп функцияли – ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий, маъмурий-худудий бошқарув пайдо бўлади, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар шаклланади.

Касбий бошқарувнинг тамойиллари ва вазифалари турли кўринишларда бўлиб, уларнинг илдизлари энг қадимги давлатларнинг вужудга келиш даврлари билан боғланган. Илк давлатларнинг ташкил бўлишига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, ҳунармандчилик, товар айирбошлаш ва савдонинг тез ривожланиши, суғорма деҳқончилик ва бошқалар) билан бирга, ташқи омиллар – кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам таъсир қилган. Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда

ишлов бериладиган ерлар суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланадиган қадимги суғорма деҳқончилик воқаларида пайдо бўлган. Бундай воқалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил қилиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ҳал этиш муҳим ва ҳаётий зарурият ҳисобланган. Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, у ёки бу кўринишдаги ишларни (кенг кўламдаги қурилиш ва суғориш, ерни ва суғориш учун сувни тақсимлаш устидан назорат қилиш, жамоадаги диний урф-одатларни бажариш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш ва бошқалар) ташкил этиш учун жамият жамоадаги ҳурматга эга бўлган кишиларни - йўлбошчиларни майдонга чиқарди. Шу тариқа ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда алоҳида ҳурмат-этиборга лойиқ бўлган кишиларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда доимий банд бўлмасдан, фақатгина ижтимоий ва хўжалик ҳаёти устидан назорат ва раҳбарликни амалга оширадилар.

Энг қадимги давлатлар бундан 5 минг йил аввал қадимги Миср ва Икки дарё оралиғида (Дажла ва Фрот) пайдо бўлган. Давлатчилик тизими бундан 4-3,5 минг йил аввал Юнонистон, Кичик Осиё, Эрон, Кавказорги, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Жаҳон тарихидаги илк давлатлар деҳқончилик ва чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар пайдо бўлган жойларда шаклланди. Касбий бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти;
- жамоадаги урф-одатларни бажариш;
- жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши.

Энг қадимги даврлардан бошлаб, қуйидаги бошқариш вазифалари устувор бўлиб келмоқда:

- режалаштириш;
- ташкил қилиш;
- тартибга солиш;

- назорат;
- жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш.

Қадимги бошқарув тизими тубандаги функциялар билан боғланган ҳолда амалга оширилган:

- иқтисодий;
- ижтимоий;
- ҳарбий-сиёсий;
- ҳудудий.

**Иқтисодий вазифалар** тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти муҳим ўрин тугган. Жумладан, деҳқончилик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш ва суғориш-ирригация ишларини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва хунарлаш, савдо-сотиқ алоқалари. Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби ишларни бажариш вазифалари ҳам пайдо бўлган.

**Ижтимоий вазифалар** жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш заруриятига асосланган.

**Ҳарбий-сиёсий вазифалар** ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий қўшинларни ташкил этиш, маконлардан ва туманлар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатш ва баҳсли масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида ривож топган.

Илк давлатларнинг ҳудудий асосини уларга алоқадор бўлган қўшни деҳқончилик туманлари ташкил этган. Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, улар қадимги «деҳқончилик туман-воҳалар» деб аталган. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор ерлар ва суғориш тизимидан ташқари уй-қўрғонлар ва қишлоқлар, экин экилмаган ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги деҳқончилик туманларининг тузилиши табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит билан боғлиқ эди. Бир неча туманлар вилоятини ташкил этган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқ ҳолда бошқарувнинг **худудий вазифалари** ҳам вужудга келган. Ушбу функциялар туман, вилоят худудларида жойлашган қишлоқ жамоалари, туман аҳолиси (бир неча қишлоқ жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ва бошқариб туриш заруриятидан келиб чиққан.

Ижтимоий мансаблар ва бошқарув тартиби ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиё тарихига тегишли энг қадимги ёзма манба «Авесто»да (милоддан аввалги IX-VIII ва милоддан аввалги VII-VI асрлар) ўз аксини топган. «Авесто» жамияти тўрт асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси - «нмана», уруғ жамоаси - «вис», қабила - «занту», қабилалар иттифоқи «дахью» деб аталган. Шунингдек, «дахью» вилоят маъноси ҳам англатган.

Оила, уруғ ва қабила бошлиғи маъноларини ифодалаш учун «пати» сўзи ишлатилган: «нманопати» (уй эгаси), «виспати» (қишлоқ оқсоқоли), «дахьюпати» (вилоят ҳокими). Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. «Састар» сўзи қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчисини ҳам билдирган. Оқсоқоллар кенгаши - «ханжамана», халқ йиғилиши (мажлиси) - «въяха» деб юритилган.

Энг қадимги даврларда бошқарувчи лавозимини бажарувчи шахсларнинг (оқсоқоллар, ҳарбий йўлбошчилар, коҳинлар) фаолияти асосан ижтимоий фойдали фаолият бўлган, чунки жамиятда бундай кишиларнинг чиқишига уларнинг ахлоқий хислатлари ва обрў-эътибори сабаб бўлган, холос. Бажарувчи шахслар рағбатлантирилиб турилган ва бу, ўз навбатида, ўзига тўқ оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келган ва аста-секинлик билан жамоадаги юксак ҳурматга асосланган ҳокимият мерос тарихида отадан ўғилга ўта бошлаган.

## **ДАВЛАТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ҚАДИМГИ ШАРҚДАГИ ИЛК ДАВЛАТЛАР**

Қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга эга бўлган. Дастлабки давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари-деҳқончилик ва чорвачилик қаерда олдинроқ ривожланган бўлса, ўша худуд-

ларда пайдо бўлган. Давлатчилик жаҳон тарихида милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирида вужудга келган бўлиб, инсоният цивилизациясининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади.

Давлат тушунчасига таъриф беришда қуйидаги умумлашган ёндашув айна ҳақиқатдир: **давлат муайян марказий ва маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи, махсус бошқарув аппаратига эга бўлган, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфаатини ифода этувчи, уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий ташкилотдир.** Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг ҳудудий асосга кўра бирлашганлиги.
2. Ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда мустақилликка эгаллиги.
3. Махсус бошқарув аппаратининг мавжудлиги.
4. Ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги.
5. Солиқ тизимига эгаллиги.

#### Давлатчилик пайдо бўлишидаги айрим назариялар ва уларга қисқача таъриф<sup>1</sup>

Теология назарияси. Тарафдорлари: XIII аср, Фома Аквинский, XIX аср Жозеф Местр, ислом мафкуриси ва католик черкови. Бу назария давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди. Қадимги даврдаёқ пайдо бўлган бу назария илк давлатларнинг диний бошқарув шакллари (теократик) қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Патриархал назария. Бу назария дастлаб Аристотель асарларида асосланиб, XIII асрда Р.Фильмер томонидан ривожлантирилди. Бу назария тарафдорлари дастлабки давлат бевосита оиладан ўсиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Унга кўра давлат ҳокимияти отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлигини белгилаб беради.

Патрёмониал назария. XIX асрда яшаган француз олими А.Галлер томонидан ишлаб чиқилган. Бу назария тарафдорлари давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан (патримонимум) деб ҳисоблашади. Яъни ҳокимият, ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., 2001. – Б. 31-43; Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2005. – Б. 10.

Давлатчилик пайдо бўлишидаги айрим назариялар ва уларга қисқача таъриф

Шартномавий назария. XVII-XVIII асрларда кенг ёйилган бу назария тарафдорлари А.Гораций, Ж.Локк, Т.Гобс, Ж.Руссо, Д.Дидро, Ш.Монтескье кабилар эди.

Бу назарияга кўра давлат - одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишидир. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Зўравонлик назарияси. Тарафдорлари: Е.Дюринг, Л.Гумилович, К.Каутский.

Бу назария тарафдорлари давлат кучсиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва уюшган қабилалар томонидан босиб олинishi йўли билан зўравонлик ёки куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Ирригация назарияси. Немис олими К.Виттфогель томонидан ишлаб чиқилган.

Бу назарияга кўра давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан ирригация иншоотлари қурилиши билан боғланади.

Психология назарияси. Тарафдорлари: Л.Петражитский, З.Фрейд, Г.Тард.

Бу назария тарафдорлари давлатнинг пайдо бўлишини инсон психологияси, шахснинг жамоада яшашга эҳтиёжи, обрўли кишиларни излаши, буйруқ бериш ва итоат этиш истаги билан изоҳлайдилар.

Синфий назария. Тарафдорлари: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов.

Бу назарияга кўра давлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгариши натижаси, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий кураш кескинлашувининг якунидир. Давлат бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қуролидир.

Давлатларни типларга ажратишда формацион ва цивилизацион ёндашувлар мавжуд. **Формацион ёндашув** - давлатларни ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасини, базис ва устқурмаси, синфий моҳияти, мақсади, вазифалари ҳамда функциялари мезонига кўра типларга ажратишдир.

**Цивилизацион ёндашув** - давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми ва функциялари билан бир қаторда кўпроқ уларнинг тарихий-маданий тараққиёти, маънавий, ахлоқий ва маданий ривожланиш даражасига қараб типларга ажратишдир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда давлатчилик масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг аксарияти цивилизацион ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар. А.С.Сағдуллаев қадимги бошқарув тизими қуйидаги функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширганлигини таъкидлайди: иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий.

Давлатнинг жамият тараққиёти ва унинг сиёсий тизимида тугган ўрни қуйидагича изоҳланади.

1. Маълум ҳудудлардаги давлат ўз ҳудуди доирасида яшовчи тилидан, динидан, миллатидан қатъий назар, барча аҳолига ҳокимият таъсири ўтказадиган ягона сиёсий ташкилотдир.

2. Давлат ўз ичидан ва ташқи алоқаларда йўлга қўйиладиган муносабатларда бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан фарқ қилган ҳолда, олий ҳокимиятга, тўла суверенитетга эгадир.

3. Давлат жамият ҳаёти тараққиётининг турли соҳалари ва йўналишларини мувофиқлаштириб туради.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ўз хусусиятлари ва қонуниятлари билан Қадимги Шарқ давлатчилиги билан бевосита боғлиқлигини ҳисобга олиб, Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Демак, милoddан аввалги IV минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб қадимги **Миср жамиятида** ижтимоий табақалашув жараёнлари кучайиши натижасида давлатчиликнинг дастлабки шакллари пайдо бўлади.

Бу ҳудудлардаги давлатчилик ирригация тармоқларини ташкил этиш ва сақлаб туриш мақсадида шаклланган эди. Чунки суғорма дехқончилик қадимги Миср хўжалигининг асосини ташкил этарди. Мисрдаги дастлабки давлатлар шаҳар марказлари атрофларида бирлашган номлар - вилоятлар ҳудудларида шаклланади. Милoddан аввалги IV минг йилликнинг охирларига келиб Юқори ва Қуйи Мисрда 40 дан зиёд ном - давлатлар мавжуд эди. Юқори Мисрнинг пойтахти Энхаб (Нехен) шаҳри, Қуйи Мисрнинг пойтахти эса Бутто шаҳри эди. Милoddан аввалги III минг йилликка келиб ҳар

иккала подшолик бирлашади ва ягона Миср подшолиги ташкил топади.

Таъкидлаш жоизки, мисрликлар Қадимги Шарқ тарихий тараққиётида муҳим аҳамиятта эга бўлган, юқори даражада ривожланган цивилизация яратганлар. Миср деҳқончилиги ва ҳунармандчилиги-тўқимачилик, кemasозлик, кулолчилик, металлни қайта ишлаш, шишасозлик, маҳобатли қурилиш ва тошга ишлов бериш кабилар Қадим Шарқдаги ишлаб чиқариш кучларининг кейинги тараққиётига муҳим замин тайёрлаган эди.

### Жамият тараққиётининг цивилизацион кўриниши





Шимолдан Арман тоғларидан жанубда Форс қўлтиғигача, шарқда Эроннинг тоғли вилоятларидан, ғарбда Сурия - Месопотамия даштларигача чўзилган ҳудудларни қадимги юнон тарихчилари “Месопотамия” деб атаган бўлиб, таржимаси “Икки дарё оралиғи” (Дажла ва Фрот дарёлари) деган маънони беради. Бу ҳудудлар ҳозир асосан Ироқ ерларига тўғри келади.

Месопотамияда жамият табақаланишининг кучайиши ва илк давлатчиликка ўтиш милоддан аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошланиб, бу жараёнлар Шумер цивилизациясининг асосини ташкил этган Урук маданияти билан боғлиқ эди. Месопотамиянинг турли ҳудудларида Ашшур, Мари, Ниневия каби йирик шаҳар марказлари шакллана бошлайди. Аммо айнан Месопотамиянинг жанубидаги Шумер ҳудудларида милоддан аввалги III минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб Эруду, Ур, Ларса, Урук, Лагаш, Умма, Шуруппак, Иссин, Никпур, Киш каби шаҳар - давлатлар мавжуд эди. Мил. авв. III минг йилликнинг бошлари ва ўрталари Шумер давлатининг гуллаб-яшнаган даври бўлди. III минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб шимолдаги Аккад кучаяди. Мил.авв. III минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб бутун Месопотамия подшо Саргон бошчилигида ягона давлатга бирлаштирилади. Ўша давр Олд Осиёдаги йирик салтанат бўлган бу давлатнинг маркази Аккад эди.

Ягона марказлашган давлатнинг пайдо бўлиши мамлакатнинг иқтисодиёти учун, аввало, хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган суғорма деҳқончилик учун жиддий натижалар берди. Бутун Жанубий ва Шимолий Месопотамия миқёсида йирик ирригация тизимининг ташкил топиши, йўллар ва бандаргоҳлар қурилиши, давлат миқёсида оғирлик ва ўлчов мезонларининг жорий этилиши Месопотамияда товар-пул муносабатлари ҳамда қуруқлик ва денгиз савдоси ривожланишини таъминлаган эди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг бошларига келиб Кичик Осиё ҳудудларида қабила иттифоқлари асосида унчалик катта бўлмаган давлат уюшмалари шакллана бошлайди. Бу ҳудудлардаги Бурусҳанда шаҳар-давлатининг ҳукмдори Анитта тадқиқотчилар Қадимги Хетт подшолиги

деб номлаган давлатга (милоддан аввалги XVIII-XVI асрлар) асос солди. Аммо бу давлатга ҳали уруғ-қабил муносабатлари кучлилиқ қилар эди. Милоддан аввалги XIV асрдан бошлаб Хетт подшолиги кучайиб, янги давр бошланади. Хетт давлати асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этган бўлиб, чорвачилиқ ва айниқса, кўйчилик кенг ёйилган эди. Хўжаликда суғорма деҳқончиликдан чегараланган миқёсда фойдаланилган. Чунки Хетт давлатида ирригацион иншоотлар йирик эмас эди.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, Шарқий Ўрта Ер денгизи бўйларида милоддан аввалги III-II минг йилликнинг бошларига келиб унча катта бўлмаган шаҳар-давлатлар пайдо бўлади. Улар деҳқончилик воҳаларида ва денгиз соҳилларидаги қизгин савдо пунктларида (Эбла, Библ, Угарит, Олалах) шаклланади. Бу жараёнида Шимолий вилоятларда Кичик Осиё ва Месопотамия билан, жанубда эса Миср билан савдо ва иқтисодий алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Бу ҳудудларда беқарор уюшмалар ҳам мавжуд бўлса-да, асосий ривожланиш Угарит сингари унча катта бўлмаган давлатлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунга ўхшаш унчалиқ катта бўлмаган мулклар учун Миср ва Хетт давлати ўртасида шафқатсиз урушлар бўлиб ўтади. Бу урушларга кейинчалиқ Оссурия ҳам қўшилади.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири - I минг йиллик бошларига келиб Олд Осиёдаги асосий давлатлар ички ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва халқаро вазият Бобил подшолиги, Хетт салтанати, Оссурия давлати каби йирик давлат уюшмаларининг заифлашуви ва қулашига олиб келади. Аммо милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва айниқса, I минг йилликнинг биринчи чораги бутун Олд Осиё учун шаҳарлар юксалиши, халқаро савдо ривожини, савдогарлар мавқеининг кучайиши билан изоҳланади.

Мисол учун, Финикиянинг савдо шаҳарлари ўзларининг савдо жараёнлари билан бутун Ўрта Ер денгизи ҳавзасини эгаллаб оладилар. Йирик савдогарлар ва қулдорлар Финикиядаги подшо ҳокимиятини чеклаб қўядилар. Шимолий Африкадаги Финикия колонияларидан Карфаген ажралиб чиқади ва милоддан аввалги VIII-V асрларда мустақил қулдорлик давлатига айланади.

**Эрон ҳудудларида** деҳқончилик ҳўжалигига ўтиш мил.авв. V-IV минг йилликларда бошланади. Милоддан аввалги IV минг йилликка келиб Эроннинг жануби-ғарбидаги қабилалар ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритадилар. Бу ҳудудларда суғорма деҳқончилик жадал ривожланади, ҳўнармандчилик тараққий этади. Натижада маҳобатли меъморчилиги бўлган шаҳар қўринишидаги марказлар шаклланади. Милоддан аввалги III минг йиллик бошларига келиб мулкый тенгсизлик янада чуқурлашуви натижасида қадимги Эрон ҳудудларида давлатчилик шаклланади. Бу минг йиллик давомида Элам ҳудудларида бир нечта унча катта бўлмаган давлатлар (Суза, Аншан ва бошқалар) шаклланиб, кейинги даврларда ягона давлатга бирлашади.

Жанубий Осиёдаги энг қадимги цивилизация шимоли-ғарбий Ҳиндистонда, Ҳинд дарёси ҳавзасида жойлашган **Ҳинд цивилизацияси** ҳисобланади. Бу ҳудудлардаги аҳоли неолит давридаёқ деҳқончилик ҳўжалигига ўта бошлаган эдилар. Милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларига келиб бу ерда бир нечта энеолит деҳқончилик маданиятлари пайдо бўлади. Хом ғиштдан қад кўтарган унчалик катта бўлмаган қишлоқлар кичик дарёлар сувлари билан суғорилувчи воҳаларда жойлашган.

Шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг илк деҳқончилик маданияти фақат ички вилоятлар ривожини билан чегараланиб қолмаган эди. Тарихий адабиётларда бу ҳудудларнинг Миср, Месопотамия ва ҳатто Элам билан, Ўрта Осиё билан маданий алоқалари ҳақида маълумотлар бор. Шунга қарамасдан, Ҳинд воҳасида шаҳарсозлик цивилизациясининг маҳалий хусусиятлари нисбатан кучлилик қилади. Бу ҳудудларда даставвал иккита нисбатан йирик шаҳар марказлари - Мохенжо Даро ва Хараппа очилган бўлса, кейинроқ Чанху Даро ва Калибанган шаҳар марказлари тадқиқ этилган.

Мохенжо Даро, Хараппа ва Калибанган каби кўҳна шаҳарлар ўзига хос икки қисмли режавий тузилишдан иборат. Кўҳна шаҳарлар қазимчалари натижасида шаҳар ҳўнармандчилиги (айниқса, кулолчилик ва тўқимачилик) қисман деҳқончилик ҳақида маълумотлар берувчи ашёлар топиб ўрганилган. Миср ва Месопотамияда бўлгани каби Ҳинд

водийсида ҳам ижтимоий тенгсизликнинг пайдо бўлиши ва маданий тараққиёт серҳосил суғорма деҳқончилик билан боғлиқ эди. Аммо милоддан аввалги II минг йилликка келиб Хараппа ва Мохенжо Даро цивилизациялари инқирозга учрайди. Шу даврдан бошлаб Ҳинд воҳаси кучли миграциялар ва этник кўчишларнинг марказига айланади.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига келиб Шимолий Ҳиндистонда орийлар ва маҳаллий анъаналарнинг қўшилиши натижасида Қадимги Ҳинд маданияти шаклланади. Ҳинд - Ганга текисликларида яшовчи ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан табақаланиши натижасида ўзига хос уруғчиликка асосланган илк давлатчиликнинг шакллари пайдо бўлади.

Темир қуруллардан фойдаланишга ўтилиши бутун Ганга воҳасининг Бенгал қўлтиғигача бўлган ҳудудларни ўзлаштирилишига олиб келади. Шарқий ҳудудларда қадимги Ҳиндистоннинг асосий иқтисодий, сиёсий ва маданий марказлари жойлашади. Қадимги дунёнинг бошқа давлатларида бўлгани каби, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб Ҳиндистонда хусусий мулк ва кулчиликнинг жадал ривожланиши, ихтисослашган ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг марказлари сифатида шаҳарларнинг тараққий этиши кузатилади. Яқин ва Ўрта Шарқдаги Аҳамонийлар давлатининг пайдо бўлиши билан Ҳиндистондаги йирик давлатлар ўртасида сиёсий ҳукмронлик учун кураш бошланади. Ҳиндистоннинг ягона давлатга бирлашуви Александр Македонский юришларидан сўнг Мауря сулоласи томонидан амалга оширилади.

Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихида **Қадимги Хитойда** бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Қадимги Хитойдаги ижтимоий табақаланиш, шаҳарларнинг тараққиёти ва давлатчиликнинг шаклланиши Қадимги Олд Осиё цивилизацияларига нисбатан кечроқ бўлиб ўтган бўлишига қарамай, бу жараёнлар Қадимги Хитойда жадаллик билан боради. Милоддан аввалги III минг йилликнинг охириларида бошлаб Қадимги Хитойда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг юқори кўринишлари мажвуд бўлиб, бу ҳолат ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва маданий тузилмаларнинг шаклланишига олиб келади.

Шарқий Осиё ҳудудларида милоддан аввалги II-I минг йилликларда пайдо бўлган қадимги давлатчилик тарихи - бу ҳудудларда бирлашувчилик қонуниятлари, ижтимоий муносабатлар шаклланиши ва ривожининг ўзига хос йўллари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, Хуанхе дарёси ҳавзасида пайдо бўлган Қадимги Хитой уруғчилик муносабатлари, ижтимоий тенгсизлик, илк шаҳарлар ва давлатлар юзлаб йиллар давомида Қадимги Шарқнинг бошқа цивилизацияларидан нисбатан узилган ҳолда ривожланади. Бу ҳолат Қадимги Хитой жамияти ва маданиятидаги кўпгина ўзига хос хусусиятларда намоён бўлади.

Қадимги Хитой ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим хусусиятларидан бири Хуанхе дарёси ирмоқларини назорат қилиш эди. Чунки Хитой деҳқончилик воҳалари чегараларининг очиқлиги туфайли кўп сонли кўчманчи қабилаларнинг кириб келишлари Хитойдаги турли воҳаларнинг этник маданияти ва сиёсий жиҳатдан турлича бўлишига сабаб бўлган эди.

Милоддан аввалги сўнгги асрлардан бошлаб Буюк ипак йўлининг кашф этилиши натижасида Хитой давлати ўзининг юқори чўққисига кўтарилиб, Шарқдаги кўпгина давлатлар билан маданий ва иқтисодий алоқалар тараққий этади.

Хуллас, Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихида кўпгина умумийлик кузатилсада, ўзига хос томонлари ҳам сезилиб туради. Таъкидлаш лозимки, бу ҳудудларда мулкий табақаланиш ва мулкий тенгсизликнинг пайдо бўлиши-қадимги даврдаги тарихий-маданий жараёнларни бутунлай ўзгартириб юборади. Қадимги Шарқдаги асосий цивилизациялар йирик дарёлар-Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганга, Хуанхе ва Янцзи воҳаларида шаклланади. Қадимги Шарқ цивилизацияси, тарихий-маданий жараёнлари, шаҳарлар ва давлатчилик тарихини қуйидаги учта даврга бўлиш мумкин:

**Биринчи давр** — милоддан аввалги IV минг йилликнинг охири - III минг йиллик. Бу даврда қадимги Шарқда қулдорчилик жамиятининг учта асосий марказлари-Миср, Шумер, Ҳиндистон мавжуд эди. Жаҳон тарихидаги ушбу дастлабки цивилизациялар ютуқлари минтақанинг кейинги тараққиёти учун асосий замин таёрлаган эди. Шумерда, Мисрда, Ҳинд

воҳасида ёзувнинг энг қадимги тартиби шаклланди, маҳобатли меъморчилик ва санъат тараққий топди. Миср эҳромлари, қадимги Шувернинг маҳобатли ибодатхоналари, Хараппанинг шаҳар маданияти инсониятнинг маданият соҳасида қўлга киритган муҳим ютуқлари эди. Бир вақтнинг ўзида, яъни, бутун III минг йиллик давомида буюк цивилизацияларга қўшни бўлган ҳудудларда Шимолий Месопотамияда, Эронда, Ўрта Осиёнинг жанубида, Кичик Осиёда, Шарқий Ўрта Ер денгизида ижтимоий мулкчилик кучайиб, шаҳар маданияти тараққий эта бошлайди. Илк цивилизациялар учоқлари ўз шаҳарлари, маҳобатли меъморчилик ва ёзуви билан жамият жадал тараққиётининг марказларини ташкил этган эдилар.

**Иккинчи давр** — милоддан аввалги II-I минг йилликнинг биринчи ярми. Бу давга келиб тарихий тараққиёт манзараси анчагина мураккаблашиб турли давлатлар гуруҳлари Қадимги Шарқ сиёсий харитасини ташкил этади. Милоддан аввалги II-минг йилликда Хуанхе воҳасида мустақил янги цивилизация-Хитой цивилизацияси шаклланади. Шарқий Ўрта Ер денгизи, Кичик Осиё ва Шимолий Месопотамияда шаҳар-давлатлар ривожланиб, бу ҳудудларда Хетт ва Оссурия давлатлари шаклланади.

Бу даврда меҳнат қуролиларининг такомиллашуви ва суғориш тизимининг барқарорлашуви натижасида суғорма деҳқончилик ривожланади. Айниқса, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг турли соҳалари ривожланади ва уларнинг сони ортади. Кўплаб деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, турли металллар, аввало, бронза эритишнинг кенг миқёсда жорий этилиши ўзаро алмашинув ва савдо-сотиқнинг тараққиётига кенг имкониятлар яратган эди. Айнан мана шу даврдан бошлаб, халқаро савдо йўллари шакллана бошлайди. Ушбу даврда Қадимги Шарқ сиёсий тарихида қудратли сиёсий уюшмалар ташкил этган халқлар пайдо бўлади. Демак, милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи чорагида Шарқий Ўрта Ер денгизида Мисрни бўйсундирган **Гиксослар иттифоқи**, II минг йиллик ўрталарида Шимолий Месопотамияда **Митаннлар давлати**, II минг йиллик охирида Эронда **Касситлар давлати** вужудга келди. Милоддан аввалги IX-VII асрларда қудратли **Оссурия давлати** шаклланди.

**Учинчи давр** — милоддан аввалги I минг йиллик ўрталари — антик давр. Бу даврга келиб Олд Осиёдаги гегемонлик Янги Бобил ва Мидия подшоликлари қўлига ўтади. Милоддан аввалги VI-IV асрларда дунё тарихидаги улкан давлатлардан бири Эрон Аҳамонийлари давлати эди. Кичик Осиё, Миср, Ўрта Осиё, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ҳудудларининг бу давлат таркибига киритилиши халқаро алоқаларнинг ривожланиши учун катта аҳамият касб этди. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Хитой цивилизацияси билан мунтазам алоқалар бошланади.

Бу даврнинг охирига келиб турли ҳудудларда кўчманчилар миграцияси кучаяди ва натижада уларнинг ўтrockлашув жараёнлари жадаллашиб улар йирик давлатларга асос соладилар. Антик даврнинг икки йирик салтанати— Парфия ва Кушон давлатлари бунга мисол бўла олади.

Қадим Шарқ шаҳар-давлатларининг ташкил топишида ўтrock аҳолининг деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжалиги асосий иқтисодий омил бўлиб, улар дастлаб атроф аҳоли ҳудудларининг хўжалик маркази, туман, вилоят ёки маълум бир ўлканинг сиёсий, диний ва ўз-ўзини бошқарувчи табақалашган жамоаларининг ижтимоий бошқарув маркази, яъни илк давлати бўлган. Бундай давлатлар ташкил топишида аҳолининг ўтrock хўжалик ҳаёти, қулай табиий шароит, ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва энг муҳими, пайдо бўлган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилиши асосий омиллар ҳисобланади. Бундай тарихий-маданий жараёнлар Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари учун ҳам хос эди.

Қадимги Шарқ давлатчилиги пайдо бўлиши ва ривожланиши<sup>1</sup>.

### Миср

Мил. авв. IV минг йилликнинг 2-ярми. Ном-давлатларининг пайдо бўлиши

Мил. авв. III минг йилликнинг 1-3 чораги. Қадимги подшолик

Мил. авв. III минг йилликнинг сўнгги чораги—II минг йиллик биринчи чораги. Ўрта подшолик.

<sup>1</sup> В.И. Кузичин, С.С.Соловёва, В.М. Массон, М.В.Кирюковлар буйича.

Мил. авв. II минг йиллик ўрталари ва охирилари. Янги подшолик.

Мил. авв. X-VIII асрлар. Мисрда Ливия династияси.

Мил. авв. IX асрнинг охири. Карфагеннинг пайдо бўлиши.

Мил. авв. VII аср ўрталари. Мисрда Осурия ҳукмронлиги ўрнатилиши.

Мил. авв. VI асрнинг сўнги чораги. Мисрда Аҳамонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши

Мил. авв. V-III асрлар. Карфагеннинг гуллаб-яшнаши.

### Месопотамия

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири-III минг йиллик боши. Дастлабки Шумер шаҳарларининг пайдо бўлиши.

Мил. авв. III минг йилликнинг 1-чораги ва ўрталари. Шумерда илк сулолавий давр.

Мил. авв. III минг йилликнинг сўнги чораги. Месопотамиянинг бирлашуви.

Мил. авв. XVIII аср. Бобилда Хамураппи ҳукмронлиги.

Мил. авв. XVI-IX асрлар. Митаннининг юксалиши.

Мил. авв. XVI-XII асрлар. Бобилда Касситлар сулоласи.

Мил. авв. XVI-XI асрлар. Осурияда ўрта подшолик.

Мил. авв. XVI-VII асрлар. Янги Осурия даври. Буюк давлатнинг ташкил топиши.

Мил. авв. VII-VI асрлар. Янги Бобил подшолиги

Мил. авв. VI аср ўрталари. Бобилнинг Аҳамонийлар томонидан босиб олинishi.



### Кичик Осиё

Мил. авв. II минг йиллик бошлари.  
Кичик Осиёнинг шарқий қисмида савдо калониялари

Мил. авв. XVIII-  
XVI асрлар.  
Қадимги Хетт  
подшолиги.

Мил. авв. XV аср.  
Хетт  
подшолигининг  
заифлашуви.

Милоддан аввалги  
XIV- XIII асрлар.  
Хетт подшолиги.  
Кучли давлатнинг  
ташқил топиши

Милоддан аввалги  
X-VIII асрлар.  
Фригия  
подшолигининг  
гуллаб-яшнаши.

Милоддан аввалги  
VII-VI асрлар.  
Ливия  
подшолигининг  
гуллаб яшнаши.

### Хитой

Милоддан аввалги  
XVII-XI асрлар.  
Шан-Инь даври.  
Давлатчиликнинг  
пайдо бўлиши.

Мил. авв. XIV аср.  
Давлатнинг  
пойтахти бўлган  
Шан шаҳрига асос  
солиниши.

Милоддан аввалги  
XI-VII асрлар  
Ғарбий Чжоу  
даври.

Милоддан аввалги  
VIII-III асрлар.  
Шарқий Чжоу  
сулоласи даври

Милоддан аввалги  
VI-V асрлар. Темир  
қуроолларнинг кенг  
ёйилиши.  
Конфуций

Милоддан аввалги  
IX-IV-III асрлар.  
Чжанго даври.

### Ҳиндистон

Милоддан аввалги  
III минг йилликнинг  
охирини-II минг  
йиллик бошлари.  
Ҳинд цивилизацияси

Милоддан аввалги  
XIII-X асрлар. Илк  
Ригведа даври

Милоддан аввалги  
IX-VII асрлар.  
Сўнгги Ригведа  
даври Шимолий  
Ҳиндистонда давлат  
пайдо бўлиши.

Милоддан аввалги  
VI-V асрлар. Темир  
қуроолларининг  
кенг ёйилиши.  
Шаҳарлар  
қурилиши.

Милоддан аввалги  
IV-II асрлар.  
Маурия давлати.

## ИЛК ДАВЛАТЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНING ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

Бошқарув жамиятнинг ички жабҳасига хос хусусият ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоният ўз ривожланиш жараёни давомида энг оддий бошқарув шаклларини барпо этиб уни ривожлантириб ва такомиллаштириб борганлиги кузатилади. Дунё тарихидаги дастлабки давлатлар мил. авв. III минг йилликдаёқ Мисрда (Ном давлатларнинг бирлашуви), Мессопотамияда (Аккаднинг кучайиши) пайдо бўлади ва Шарқдаги бошқа ҳудудларга ҳам (Ҳиндистон, Хетт давлати, Элам ва бошқ.) ўз таъсирини ўтказиб сифатий янги хусусиятлар касб эта боради.

Таъкидлаш жоизки, бошқарув тизими, умуман, давлатчилик абадий мавжудлик эмас. Давлат бошқаруви деганда биз бош сиёсий ҳокимият ва унга бўйсунувчи бошқарув тизимини тушунамиз. Бошқарув тизими жамиятнинг барча жабҳаларини-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Бинобарин, бошқарув тизимини ҳар томонлама ва жиддий ўрганмасдан туриб жаҳон халқлари тарихий-маданий ривожланиши, уларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири, маҳаллий ва умумбашарий маданиятлар интеграциясининг ўзига хос томонлари ва қонуниятларига аниқликлар киритиш мумкин эмас.

Давлат бошқарувининг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим муваффақият ва сифатий янги босқич бўлди. Дунё тарихидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда яшаган халқларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Дунё тарихида шаҳарлар, сиёсий бирлашмалар, уюшмалар, кейинроқ эса давлатнинг пайдо бўлиши узоқ давом этган жараёнaddir. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бу жараён турли халқларда турли йўллار билан бўлиб ўтган.

## Ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари<sup>4</sup>



<sup>4</sup> Сағдуллаев А.С. бўйича

Биринчидан, давлатлар пайдо бўлишининг осиеча ишлаб чиқариш усулига асосланган «Шарқ йўли» бўлиб, унда иқтисодиётнинг асосини суформа деҳқончилик ташкил этган; ер ва ирригация иншоотлари давлатнинг мулки бўлган; деҳқончилик жамоаси жамиятнинг бирламчи ячейкаси эди; аҳолининг катта қисмини сафарбар этиш зарурияти принципиал бошқарувчилар табақасини тақозо этган.

Ишлаб чиқаришнинг осиеча усули милoddан аввалги V минг йилликдан милодий I асргача йирик дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби минтақаларда ёйилган.

Давлат тузилмасининг иккинчи, «Европа йўли» Европа минтақасида мил.авв. V асрдан бошлаб милoddий III асргача қадимги юнон полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкий табақаланишуви жараёни (синфлар шаклланиш жараёни) асосий омил бўлди.

Маълум бир қабила, элат ва халққа хос ҳамда муайян ҳудуд билан боғлиқ бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари бошқа халқ ва ҳудудлардаги давлатчилик жараёнларига асло мос тушмайди. Шунга қарамай, Қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина умумий жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихи билан узвий боғлиқдир.

Қадимги Шарқнинг турли ҳудудларидаги табиий шароит ўзига хос бўлиб, кўпинча давлатларнинг пайдо бўлиши ушбу ҳолат билан бевосита боғлиқ эди. Айниқса, йирик дарёлар - Нил, Дажла, Фрот, Ҳинд, Ганга, Хуанхе, Амударё ва Сирдарё Қадимги Шарқ халқлари тарихий тақдирида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий ва ҳудудий бирликнинг асоси ҳисобланган жамоалар мавжудлиги Қадимги Шарқ ижтимоий тузилмасининг муҳим ўзига хос томони эди. Барча Қадимги Шарқ давлатлари (айрим шаҳар-давлатлар бундан мустасно) жуда кўплаб қишлоқ жамоаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида бошқарув тартиби мавжуд эди. Йирик

ишлар, айниқса, суғориш тартиби билан боғлиқ ишлар амалга оширилганда кўпгина жамоалар бирлашуви давлат ҳокимияти ролининг ошишини таъминлар эди.

Кўп ҳолларда тадқиқотчилар жамоаларнинг бирлашуви натижасида пайдо бўлган давлатчилик тизимини мураккаб суғориш тартиби ташкил этилиши, ерларни сунъий суғорилиши, дарё воҳалари ва тоғ олди ҳудудларининг ўзлаштирилиши ҳамда тўғонларнинг қурилиши билан боғлайдилар. Юқоридаги омилларнинг мавжуд бўлганлиги аниқ. Лекин, уларни ташкил этиш назорат ва бошқарувни, ҳисоб-китобни талаб этар эди. Демак, бунинг учун ёзувчи мирзалар, ҳисоб-китобчилар ва ҳукмдорлар зарурати туғилган. Меҳнат қуроллари тайёрлаш учун хунармандлар фаолият кўрсатган. Ушбу мураккаб тизим хавфсизлигини таъминлаш учун қуролли гуруҳлар тузиш, ҳамда маълум ҳудудларни мудофаа иншоотлари билан ўраб олиш керак бўлган. Шу тариқа жамиятда иккита янги тузилма - шаҳар ва давлат пайдо бўла бошлайди.

Давлат ёки шаҳар-давлат маълум ҳудудларни ўз назоратига олиши ва бу ҳудудларни кенгайтириб бориши натижасида чегаралар пайдо бўлган. Ҳудудларнинг кенгайиши ва чегараларнинг ўзгариши натижасида давлатлар ўртасида урушлар келиб чиқади. Чегаралар масаласида таъкидлаш жоизки, қадимги даврларда улар кўп ҳолларда тоғлар ва дашт ҳудудлар орқали, айрим ҳолларда эса дарёлар орқали ўтган. Шунинг учун ҳам тарихий ёндашув шуни талаб этадики, тарихнинг турли даврларида давлатлар чегаралари ўзгариб турган ва ҳозирги чегараларга мутлақо мос тушмайди.

Ўрта Осиё, умуман, Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу ўринда ушбу жараёнга асосий туртки бўлиб янада жадаллаштирган омилларни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир<sup>1</sup>. Бронза давридаёқ сунъий

---

<sup>1</sup> Давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига турлича ёндашувлар, назариялар, давлатчилик типлари ва шакллари масалалари кейинги мавзуларда берилади. Бу масалалар бўйича батафсил маълумот олиш учун сўнгги йилларда қиёсий таҳлил этилган қуйидаги ишларга қаранг: Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд: Институт археология

софы, писатели-представители различных народов мира способствовали пропаганде историко-культурного наследия населения Средней Азии. Это позволяет судить не только об уровне развития материальной и духовной культуры в регионе, но и подчеркнуть особое значение международных связей для культурного прогресса разных народов.

Всё это важно для понимания и объяснения феномена культуры Средней Азии IX - начала XIII вв. С образованием централизованных государств в регионе многие представители правящих династий покровительствовали литературе, поэзии, наукам и искусству. В центральных городах было много книжных лавок, где встречались для беседы представители умственного труда - ученые и поэты. Так, Ибн Сино в одной из книжных лавок Бухары нашел нужное сочинение Фараби, которое помогло ему получить ясное представление об учении Аристотеля<sup>1</sup>. Известно, что в средневековой Европе учения античных авторов распространились лишь после перевода трудов Аристотеля, Платона, Сократа и других на арабский, а затем и на латинский языки<sup>2</sup>. В данном случае проявляется аналогичная закономерность, отмеченная нами для древности и раннего средневековья - принципиально важное значение языков и письменности, имевших международный характер для развития культурных связей.

В IX - XI вв. из Средней Азии вышли одни из лучших ученых мира. Начиная с XII в. труды Ал-Хоразми, Ибн Сино, Ахмада Фергани, Ал-Фароби, Абу Райхона Беруни стали переводиться на латынь. В XV - XVI вв., эти труды были положены в основу лекций по математике, астрономии, географии, философии и медицине, которые читались в крупнейших университетах Европы<sup>3</sup>. Ахмад Фаргони и Ал-Хоразми проводили научные исследования в Багдадской академии, которую возглавлял Ал-Хоразми. Известно, что данные знаменитого труда Ахмада Фаргони по астрономии о небесных светилах движениях,

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Культурная жизнь в Мавераннахре в IX - X вв. //История Узбекской ССР. Т.1. -Т., 1955. -С.224.

<sup>2</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. - Б.26.

<sup>3</sup> Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. -С.38.

географии климата земли использовал в своем творчестве Данте, а также Христофор Колумб перед отправлением в далекое плавание<sup>1</sup>. Учения среднеазиатских ученых оказали влияние на развитие духовной культуры Европы, что способствовало культурному прогрессу в широком территориальном аспекте<sup>2</sup>. Нельзя представить развитие литературы, лингвистики и историографии этого времени без трудов Рудаки, Махмуда Кашгари, Махмуда аз-Замахшари, Наршахи. Для средневековья характерны произведения написанные на арабском, персидско-таджикском и тюркском языках. В этом отношении следует отметить сочинения, как местных, так и арабских ученых и путешественников способствовавшие пропаганде культуры разных народов<sup>3</sup>. Все это также является примером тесной культурной интеграции и культурного прогресса.

В IX в. начинается создание сборника хадисов-преданий о поступках и изречениях пророка Мухаммада. Большинство составителей сборников хадисов (мухаддисы) были выходцами из Мавераннахра. Это Имам Ал-Бухари, Мухаммад ат-Термези, широкому распространению духовных ценностей ислама способствовали Ахмад Яссави, Хаким ат-Термези, Нажмиддин Кубро, Бахоуддин Накшбанди, Бурхануддин Ал-Маргинони и другие<sup>4</sup>.

С проникновением и развитием ислама на территории Мавераннахра было возведено большое число разнообразных мусульманских архитектурных сооружений. В результате

<sup>1</sup> Неклесса Г. Христофор Колумб ва Ахмад ал-Фарғоний // Соқибқирон юлдузи. 1998. -№10.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Бируни и его время. -М.-Л., 1950. -С.19 сл.; Хайруллаев М. Абу Наср ал-Фараби. -М., 1982. -С.57; Каунцер В. О влиянии сочинений Ал-Хоразми на Западную математику. // Великий ученый средневековья ал-Хоразми. -Т., 1958. -С.106.

<sup>3</sup> Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Соч., Т. IV. -М.-Л., 1957; Наршахий. Бухоро тарихи. -Т.: Шарқ баёзи, 1993; Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул Касыма ибн Хаукаля. // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. -Вып. IV. -1957; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. -М., 1960.

<sup>4</sup> Имом Бухорий. Хадис. 4 жилдлик. -Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1993; Имом Термизий. Суннани Термизий. -Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1993.

культурных взаимодействий, начиная с IX - X вв., определенные новшества проявляются в строительной технике и архитектуре. В монументальных постройках широко используется жженый кирпич, в городах повсеместно распространяются неизвестные ранее культовые и гражданские сооружения (мавзолеи, мечети, медресе, караван-сарай, бани и др.)<sup>1</sup>. Наряду с архитектурой развитие получили орнаментальное и изобразительное искусство, причем в нем стал преобладать геометрический и растительный орнамент, так как ислам запрещал изображение людей и животных. Вместе с тем, идеи просвещения, искусства и прославления личности человека нашли отражение в отдельных архитектурных сооружениях. Таким является мавзолеем Саманидов в Бухаре, отличающийся изысканностью форм, кажущимся легким и наполненным светом<sup>2</sup>. В этом отношении заслуживают внимание также мавзолеи конца XIV - XV вв. Шахи Зинда, Гур - Эмир, а также другие выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана<sup>3</sup>.

В предыдущем параграфе уже подчеркивалось, что эпоха Амира Темура и темуридов, как новый этап международных отношений и расцвета культуры, мощно проявила себя прежде всего в дальнейшем развитии архитектуры и искусства, астрономии, математики, медицины, истории, правоведения и литературы. Только в обсерватории и медресе Улугбека успешно занимались исследованиями более 100 ученых различных направлений, а самаркандская библиотека насчитывала более 150 тысяч экземпляров книг<sup>4</sup>. Творчество и деятельность Навои, Джами, Бабура, Камолиддина Бехзода и многих других знаменитых представителей науки, искусства и литературы, (изучению наследия которых посвящены многочисленные труды)<sup>5</sup>, являются примером целенаправленного развития

<sup>1</sup> Всеобщая история архитектуры. -М., 1969. -Т.8.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э., Ртвеладзе Л. Мусульманские святыни Узбекистана. -Т.: Узбекистон, 1996. -С.14.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. -Т.: Гослитиздат УзССР, 1958.

<sup>4</sup> Хайруллаев М. М. Указ.соч. -С.77.

<sup>5</sup> Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. -М., 1966; Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. -М.-Л.:

культурных связей, что способствовало культурному прогрессу в различных странах Востока.

В эпоху темуридов центрами культуры, науки и образования на Среднем Востоке становятся Самарканд, Герат, Дели. Жемчужина Индии - Тадж Махал является конкретным примером результатов культурных связей и взаимовлияний<sup>1</sup>. В архитектуре и искусства Мавераннахра, Афганистана и Ирана данного времени также проявляются общие черты и традиции. Развитие различных школ изобразительного искусства, особенно в орнаментации керамики и миниатюре, при наличии специфических особенностей, характеризуется наличием близких аналогий<sup>2</sup>.

Рассмотренные материалы позволяют сделать некоторые общие выводы и выделить основные причины, способствовавшие культурному прогрессу в средневековом Мавераннахре. Это сводится к следующему;

- в эпоху развитого средневековья, с известными перерывами, отмечается наличие политической стабильности, интенсивное развитие социально-экономических отношений, рост городов и подъем городской культуры;

- в международном аспекте на Востоке, а затем и в Европе принципиально-важное значение имело стремление к светским знаниям, сосуществование и терпимость друг другу светских и религиозных учений, стремление к общечеловеческим ценностям;

- приоритет в развитии ислама и его философии религиозно-нравственных идей, обращение к интересам человека, пропаганда добра, уважительного отношения к семье и обществу;

- стремление к познанию мира, окружающей среды, тайн природы, развитие естественных наук, интерес к истории, культуре и духовности различных народов мира.

Акад.наук СССР, 1950; Азимджанова С.А. Индийский диван Бабур. -Т.: Фан, 1966; Хайитметов А. Темурийлар даври Ўзбек адабиёти. -Т.: Фан, 1996; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. -Т.: Университет, 1999.

<sup>1</sup> Низамиддинов И.Г. Из истории среднеазиатско-индийских отношений XVI - XVII вв. -Т.: Фан, 1969.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г.А., Галеркина О.И. Миниатюры Средней Азии в избранных образцах. -М.: Искусство, 1979. -С.10.

Нельзя не отметить, что и для древности, и средневековья были характерны одни и те же факторы, влиявшие на культурный прогресс. Для всех периодов города выступают как центры концентрации, обмена и передачи ценностей материальной и духовной культуры. Определяющее значение имело наличие разветвленных дорог караванной торговли и транзитного сообщения. И в древности, и в средневековье в генезисе международных культурных связей такие факторы, как язык, религия и этническая принадлежность, не имели определяющего значения и не выступали в качестве барьеров для внешних контактов и взаимодействий. Таким образом наблюдались различные проявления гуманизма в международных отношениях. Поэтому поэтапно культурный прогресс охватил большинство народов мира, хотя, несомненно, что в отдельные периоды он прерывался, что было обусловлено политическими факторами, отсутствием стабильности, завоеваниями и др.

Для всех периодов характерно стремление людей к познанию мира и культуры окружающих народов и стран, изучению их достижений и хозяйственно-культурного потенциала. Такие религии как зороастризм, буддизм, христианство и ислам сыграли огромную роль в приобщении к общечеловеческим ценностям, развитию духовности и просветительства. На разных этапах Египет, Месопотамия, Иран, Индия, Китай, Греция, Рим, Средняя Азия выступали в качестве важных очагов мировой цивилизации. Так, огромный интерес мусульманского Востока к античному историко-культурному наследию вызвал в свой черед в средневековой Европе повышенный интерес как к восточному, так и древнегреческому наследию. И ученые Мавераннахра внесли огромный вклад в передаче этого наследия Европе путем перевода и комментариев произведений античных авторов. Как известно, в более раннее время последние сделали очень многое для описания и изучения культурного наследия Востока. Все это является конкретным примером проявления культурного прогресса на основе международных связей.

Большую посредническую роль в передаче информации и отдельных культурных достижений сыграли хорезмийцы,

согдийцы, бактрийцы. В этом отношении, вплоть до позднесредневекового периода, в развитии культурных связей, например, с населением Приуралья, Кавказа и Восточной Европы, огромное значение имел Хорезм. Жители Бактрии-Тохаристана способствовали расширению связей с Индией, согдийцы - с Китаем. Аналогичную роль в культурном диалоге между средневековой Европой и Востоком сыграла Испания после завоевания её территории арабами.

Следует отметить, что в проблеме изучения культурного диалога, оценки итогов взаимодействий и взаимовлияния разных цивилизаций в историографии проявлялись негативные тенденции, характерные для выводов некоторых ученых. Они сводились к тому, что «арабы склонны к поэзии и фанатизму, но не к философии, тюрки - просто «варвары», и ничего хорошего о них не скажешь» (Э.Ренан)<sup>1</sup>. Все попытки обобщить данную проблему с позиций расовых различий и национального превосходства в конечном итоге не имели успеха. В мировой научной литературе преобладает позитивный подход, так как цивилизация даже в своих локальных формах и проявлениях не имеет границ и не является достоянием лишь одного народа, потому что культура любых регионов, народов и стран развивалась и обогащалась в процессе различных контактов и взаимовлияний, что является общеисторической закономерностью<sup>2</sup>.

Мощный подъем культуры на Востоке, в том числе и в Мавераннахре в IX- начале XIII и в конце XIV - XV вв., начало эпохи Возрождения в Европе (конец XIV - XV вв.) определили особенности мирового развития в целом. Однако, начиная с XVI - XVII вв. обозначается разрыв в темпах экономического и технического развития Запада и Востока, обусловленные рядом известных факторов. Великие географические открытия способствовали многочисленным научным открытиям и техническим изобретениям на Западе, ведущие страны которого все больше смотрели на другие континенты, как на поставщиков сырья и дешевой рабочей

<sup>1</sup> Цитируется из введения к книге: Аль-Фараби. Философские трактаты. -Алма-Ата: Наука, 1972. -С.12.

<sup>2</sup> Тойнби А.Дж. Постигание истории -М.: Прогресс, 1991. -С.6.

силы. Между Западом и Востоком постепенно разворачивалась военная и религиозно-идеологическая конфронтация.

В XVII - XVIII вв. Средняя Азия оказалась в зоне экономического застоя, что было вызвано не только утратой бывшего значения международных путей культурно-хозяйственного обмена и торговли, но и политической нестабильностью, частыми войнами и раздробленностью<sup>1</sup>. Все эти факторы, наряду с все больше проявляющейся изолированностью, служили барьером на пути военно-политического и экономического роста. К XIX в. Бухарский эмират, Хивинское и Кокандское ханства в политическом, торгово-экономическом и культурном отношении оказались изолированными от Запада, а взаимоотношения с Россией преследовали в основном ограниченные торговые цели<sup>2</sup>. Что касается южных и восточных соседних стран - Ирана, Афганистана, Индии и Китая, с ними также продолжались поддерживаться традиционные торгово-экономические, и культурные связи. Так, при дворе индийских правителей (Джахангиршах, Аврангзеб) жили и творили писатели, и поэты выходцы из Средней Азии<sup>3</sup>.

Таким образом, в развитии международных отношений, можно выделить основные периоды культурного прогресса, который был обусловлен как внутренними, так и внешними факторами. В числе первых определяющими были особенности этнокультурного развития, социально-историческая среда,

<sup>1</sup> Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по великому шелковому пути в позднефеодальный период. // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. - Т.: Фан, 1990. - С.124.

<sup>2</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975. - С.121-126; Неболсин Г.П. Очерки торговли России с Средней Азией // Записки Русского географического общества. - Кн. 10. - 1865; Джалолов К. К вопросу о торговых путях, связывавших Среднюю Азию с Россией в XVII веке. // Тр. Таджикского госуниверситета. Серия исторических наук. - Вып. 2. - Душанбе: 1966; Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских отношений. - Т.: Фан, 1971.

<sup>3</sup> Бабаходжаев М.А. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII- начале XX в. - Т., 1965; Низомиддинов И. Маданий ҳамкорлигимиз саҳифаларидан. - С.29-30.

внутренний опыт и традиции, особенности религиозной философии, т.е. в данном случае речь идет о хозяйственно-экономических, государственно-правовых и духовных основах, имевших глубокие корни и богатое прошлое. Именно такие факторы, как государственность, городская культура, централизация власти и политическая стабильность, способствовали улучшению обмена информацией, упрочнению международного сотрудничества и созданию атмосферы взаимопонимания. Поэтому в истории немало примеров интеллектуально-нравственной интеграции, как основы культурного прогресса многих народов и стран.

Каждый период имел специфические черты и свой путь развития, и например, в древности хорезмийская, бактрийская и согдийская цивилизации, испытывая инокультурные влияния, никогда не были простым продолжением других цивилизаций. Взаимодействие цивилизаций не только взаимообогащало культуру, но и служило основой новому уровню развития местных историко-культурных традиций. Древний период, особенно с VII в. до н.э. по IV в. н.э. в сфере духовности, верований и культов отмечается проявлением различных религиозных ориентаций и философских направлений, причем они влияли друг на друга и взаимообогащались. К примеру, наличие различных религий в это время, способствовало широкому распространению и быстрому развитию древней письменности.

В дальнейшем, в эпоху средневековья также наблюдались однопорядковые закономерности, повлиявшие на прогресс общества. На интенсивный рост международных связей и культурного диалога между народами и странами всегда влияли такие факторы как политическая стабильность, приоритет правовых норм, духовных основ. И наоборот уменьшение влияния данных факторов способствовало застою и кризисным явлениям в эволюции международных связей и культурных взаимодействий, что особенно проявилось в Средней Азии к началу XIX в.

В условиях нового подхода к проблемам изучения культуры такие понятия, как «цивилизация Средней Азии», «цивилизация Узбекистана», видимо, должны гораздо шире



чем ныне использоваться в современных исследованиях. Так в соседних государствах понятие «цивилизация» прочно обосновалось на страницах учебных пособий, монографий и статей, применительно к истории своего народа и конкретной страны<sup>1</sup>, что является объективным процессом.

На всех этапах развития человечества существовала общечеловеческая цивилизация, но каждый регион, каждая культурно-историческая область имели свой путь развития. В этом аспекте под цивилизацией отдельных регионов следует понимать поэтапное развитие различных типов социального, хозяйственного и этнокультурного комплексов, религиозно-нравственных мировоззрений, государственно-политической системы и права, т.е. все эти системообразующие факторы цивилизации характерны для истории Узбекистана, истории государственности узбекского народа, имеющей глубокие корни и богатое прошлое. В этом отношении цивилизация различных историко-культурных областей являлась как самостоятельной, так и частью мировой цивилизации.

Рассматривая вопрос о месте и роли среднеазиатского региона во всемирной истории и мировой цивилизации, нельзя не обратить внимание на специфические черты и своеобразие развития местной культуры, которая характеризуется наличием постоянного процесса интеграции. В древности и средневековье время данный регион служил как бы мостом между Западом и Востоком, играя важную роль в развитии международных культурных связей.

---

<sup>1</sup> Российская историческая политология. Курс лекций. - Ростов-на-Дону, 1998. - С.427 и сл.; Платонов О.А. Русская цивилизация. - М.: Современник, 1995; Семенникова Л.И. Россия в мировом сообществе цивилизаций. - Брянск, 1995.

## ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ЙЎЛЛАРИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ШАҲАРЛАР РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ<sup>1</sup>

**Энг қадимги йўллар.** Бронза даврига келиб Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий тараққиётни тезлаштирган бир қанча жараёнлар бўлиб ўтди. Бронзанинг кашф этилиши ва жадаллик билан хўжалик ҳаётига кириб келиши, ўтроқ деҳқончилик хўжалиқларининг ривожланиши натижасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қишлоқларнинг ривожланиб илк шаҳарларга айланиши, бошқарув тизимининг янада мураккаблашуви, қадимги йўлларнинг шаклланиши ва ниҳоят, дастлабки улов ва транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Айнан бронза давридан бошлаб Ўрта Осиёни Қадимги Шарқ дунёси билан боғлайдиган алоқа, савдо-транзит йўллари тизимининг пайдо бўлиши ва шаклланиши минтақанинг халқаро алоқалар тизимига қўшилишига асос бўлди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ўлкалар ва тарихий-маданий вилоятларни боғлаб турувчи маълум маънодаги карвон йўллари тартиби ҳамда маданий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий алоқалар илдизи неолит-энеолит даври билан боғланади. Чунки айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти пайдо бўлиб, янги ерлар ўтроқ аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштириб борилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараён бронза даврига келиб янада кучаяди.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёда кўп сонли қабилалар ва этник гуруҳлар жойлашган бўлиб, Қорақум ва Қизилқум чўллариининг ички худудлари ҳамда Помир ва Олойнинг юқори минтақаларидан ташқари барча худудлар ўзлаштириб бўлинган эди. Бу худудлардаги моддий маданият умумий ҳолатда икки гуруҳга — чорвачилик хўжалиги соҳиблари бўлган Андроново тарихий-маданий жамоалари (шимолий минтақа) ва деҳқончилик хўжалигини юритган Намозгоҳ тарихий-маданий жамоаларига (жанубий минтақа) бўлинади. Улар ва уларга қўшни

<sup>1</sup> Ушбу лавҳани ёритишда илмий маслаҳатлари билан ёрдам берган ҳамкасбимиз т.ф.д. Ў.Мавлоновга чуқур миннатдорчилик билдираимиз.

бўлган ҳудудлар ўртасида турли алоқалар мавжуд эди. Ушбу алоқалар чорвадор ва ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида алмашинув-савдо муносабатларининг жадаллашувига имконият яратди. Маълум ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар ёки хом ашёнинг бошқа ҳудудлардан топилиши шу жараёндан далолат беради. Мисол учун, Андроново маданиятига хос идишлар Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна ҳудудларидан топилган бўлса, Хоразмда тайёрланган сопол ва металл буюмлар шимолий ҳудудларда кўплаб учрайди. Замонбобо ва Гужайли ёдгорликларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган маҳсулотлар топилган.

Таъкидлаш лозимки, бронза даврида Ўрта Осиёни Қадимги Шарқнинг цивилизация марказлари билан боғлайдиган дастлабки савдо-транзит йўллариининг пайдо бўлишида иқтисодий омиллар муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Қадимги Шарқ цивилизация ўчоғларига Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан, аввало, Суғдиёна ва Бақтриядан олиб кетиладиган металл ва нометалл маҳсулотлар, қимматбаҳо тошлар ва нодир минералларга талаб катта бўлган. Бундай маҳсулотлар ичида Қадимги Шарқда юксак қадрланган Бадахшон ложуварди, айниқса, катта аҳамиятга эга эди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги савдо-транзит йўллари бронза давридаёқ пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотчилар бу йўлни "Ложувард йўли" деб атайдилар. Бу йўл тоғли Бадахшондан бошланиб Месопотамия, Миср, Ҳиндистон ҳудудигача етиб борган эди. Бу даврдаги Ўрта Осиёнинг савдо йўлларида бири Бақтрия ва Марғиёнани Қадимги Хоразм, Суғдиёна, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган.

Мил. авв. III минг йилликда Месопотамияда Бадахшон ложуварди машҳур бўлган. Шумер ва Аккалдаги тарихий-археологик тадқиқотлар натижасида топилган ложуварддан ясалган турли буюмлар шундан далолат беради. Ундан ташқари, Месопотамиянинг Урук, Ур, Киш, Лагаш шаҳарларидан Бадахшон ложувардидан ясалган турли буюмлар топилган. Шумер сопол битикларида ҳам узоқ тоғли ўлкадан олтин, кумуш ва ложувард олиб келингани ҳақида маълумот сақланган. Демакки, бронза давридаги яна бир йўл

Бадахшондан жануби-шарққа томон Афғонистон орқали Ўрта Осиёнинг қадимги халқларини Месопотамиянинг шаҳар-давлатлари билан боғлаган.

“Ложувард йўли”нинг яна бир йўналиши мил.авв. II минг йилликда Амударёнинг юқори оқимидан Эрон ҳудуди орқали Кичик Осиёга ҳам кириб борган. Кичик Осиёдаги машҳур Троя шаҳри харобаларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган буюмларнинг топилиши шундан далолат беради. Бронза даврининг яна бир йўли Ўрта Осиёнинг жанубидаги Бақтрия ва Марғиёнани Ҳиндистондаги Хараппа ва Моҳинжо-Даро, Эрондаги Шаҳри Сўхта, Афғонистондаги Мундигак каби маданият марказлари билан боғлаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бадахшондаги ложувард конларидан бошланган бу йўл, Амударёнинг чап қирғоғида, Кўкча дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидан шимолроқда жойлашган Шўртўқай макони орқали ўтган ва бу ердан бир неча тармоқларга бўлинган.

Мил.авв. II минг йилликка келиб Фарғона ва Шош ҳудудлари ҳам Қадимги Шарқ билан алоқалар ўрнатади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврда Месопотамия шаҳарларидан чиққан савдо йўллари Эрон ва Жанубий Туркманистон орқали Бақтрия ва Суғдиёнадан ўтиб Фарғонага келган. Бу йўлнинг бир тармоғи Фарғонадан ғарбга Қозоғистон чўллари орқали Урал ва Волга бўйига кетган. Яна бир тармоғи эса, Фарғонадан шарққа, Довон орқали Синцзян, Шимолий Хитойга кетган. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бизга маълум бўлган маълумотлар мил.авв. II минг йиллик охирларига келиб Ўрта Осиё ва Хитой ўртасида қизғин алоқалар йўлга қўйила бошланганидан далолат беради. Хусусан, хитойлик археологлар Тяньшаннинг жанубий ёнбағирларидаги сўнгги бронза-илк темир даврига оид Укунбака (Циньбака) маконидан Ўрта Осиёдан келтирилган темир ўроқ ва дастали бронза ойна каби буюмларни топганлиги ҳам минтақанинг Шарқий Туркистон билан алоқаларининг қадимийлигини асослаб берди. Қадимги хитойлик деҳқонларнинг бу маконидан нақши ва шаклига кўра, Чуст ва Бургулик маданиятлари сопол идишларига ўхшаш идишларнинг топилиши эса Ўрта Осиё ва Хитойнинг қадимги алоқаларидан ва бу алоқаларда қадимги Чоч воҳаси ва Фарғона водийсининг тутган ўрнидан далолат беради.

Тяъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёнинг Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари билан олиб борган алоқаларда нафақат қимматбаҳо тошлар, биринчи галда ложувард катта ўрин тутган, балки, бу алоқалар бронза давридан бошлабоқ иқтисодий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Мил. авв. III-II минг йилликларга келиб Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Месопотамия, Миср каби ҳудудлар ва ўлкалар билан турли-туман алоқалари янада фаоллашади. Буни кўпгина ҳудудлардаги ибодатхоналар, шаҳарсозлик маданияти, сопол идишлар ва буюмлар, терракота ҳайкалчаларидаги ўхшашликлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларига кўра, бир-бирига нисбатан узоқда жойлашган ҳудудларда мавжуд бўлган, айрим жиҳатлари маҳаллий (локал) хусусиятга эга бўлган моддий маданиятдаги ўхшашлик ёки яқинлик ўша даврга оид алоқа йўллари ва ушбу йўллар бўйлаб олиб борилган иқтисодий-маданий алоқалардан далолат беради. Хусусан, Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларини Эрон ва Месопотамия билан боғловчи савдо-транзит ва алоқа йўллари мил.авв. II минг йилликда шаклланиб бўлган эди. Бу йўлларнинг асосий йўналишлари Жанубий Туркменистондаги Анов, Намозгоҳ ва Олтиндепа, Зарафшон воҳасидаги Замонбобо ва Саразм каби шаҳар ва қишлоқлардан ўтиб, Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига олиб келган.

Бу даврдаги Ўрта Осиёнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларини Шимолий Ҳиндистон мисолида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, Ҳинд дарёси водийсидаги цивилизация марказлари бўлган Хараппа ва Моҳинжо-Даро маданиятларининг Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳар маданиятлари бўлган Олтиндепа ва Намозгоҳ билан иқтисодий-маданий алоқалари моддий топилмаларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Жанубий Туркменистон ва Ҳиндистондаги Хараппа маданиятига оид ёдгорликларда бир-бирига ўхшаш сопол ҳайкалчаларнинг учраши, Олтиндепанинг турли маданий қатламларидан фил суягидан ишланган буюмларнинг топилиши, баъзи сопол ва металлдан ишланган буюмларда Хараппа ва Моҳинжо-Даро маданиятининг таъсири борлиги ҳамда бошқа моддий

маданият буюмлари худудлар ўртасидаги фаол иқтисодий ва маданий алоқалардан далолат беради.

Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё билан алоқаларидаги яна бир муҳим йўналиш йўли Шимолий Афғонистон ва Сурхон воҳасидаги бронза даври маконларидан — Дашли, Сополли, Жаркўтон кабилар орқали ўтиб минтақанинг ички худудларига олиб келган. Т.Ш.Шириновнинг тадқиқотларига кўра, бу йўналишдаги алоқа йўли бўйлаб мил.авв. II минг йилликда олиб борилган иқтисодий-маданий алоқаларни Сополлитепа қишлоғидан топилган тош ва металлдан ясалган бургут тасвири муҳрлар ҳамда Жаркўтон кўҳна шаҳридаги моддий маданият буюмлари ҳам тасдиқлайди.

Таъкидлаш лозимки, Зарафшоннинг юқори оқимидаги Саразм маданиятига оид турли топилмалар ичида Ҳинд океанида учрайдиган чиганоқдан ясалган тақинчоқ ва мунчоқлар, шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги қадимги сопол буюмларга ўхшаш кулолчилик маҳсулотлари учрайди. В.М.Массоннинг фикрича, бу топилмалар Саразм макони шаклланишида Ҳинд дарёси водийсидан кўчиб келган аҳоли ҳам сезиларли ўрин тутганлигини, хусусан бу манзилгоҳ хараппаликларнинг Ўрта Осиё тоғларида мавжуд бўлган полиметалл рудаларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Узоқ йиллар мобайнида Ўрта Осиёнинг қадимги йўллари масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борган Ў.Мавлоновнинг тадқиқотлари хулосаларига кўра, энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиёда ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларга хизмат қилган йўллар тизими шаклланади. Минтақадаги асосий алоқа йўллари асосан тоғ довлари, дарё водийлари, дашт ва чўллар орқали ўтган йўллардан кенг фойдаланиш бошланади. Бунинг натижасида қадимги аждоқларимизнинг минтақа табиати ва географик ҳолати ҳамда жойлашуви ҳақидаги, шу билан биргаликда, қўшни ўлкалар тўғрисидаги тасаввурлари ҳам кенгайиб борди. Бу амалий билимлар ўз навбатида маҳаллий, минтақавий ва транс-минтақавий алоқа йўллари шаклланишига асос бўлди.

Энг қадимги савдо йўлларининг биринчи гуруҳига маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар кирган бўлиб, улар аввало, ўтроқ

деҳқончилик марказларини деҳқончилик қилинадиган ер майдонлари, ов қилинадиган ҳудудлар, хом ашё захиралари мавжуд бўлган жойлар, сув манбалари ва бошқалар билан боғлашга; ягона маданиятга мансуб маконларнинг ўзаро алоқаларини таъминлашга; чорвадор қабилалар хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ-яйлов-қишлоқ йўналишдаги ҳаракатни бошқаришга хизмат қилган.

Минтақавий аҳамиятга эга бўлган иккинчи гуруҳ йўллари, аввало, Ўрта Осиёдаги энеолит ва бронза даврига мансуб турли маданиятларнинг ўзаро алоқаларини таъминлашга хизмат қилган. Минтақанинг ички иқтисодий-маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган кўп тармоқли бу йўллар йўналишлари Ўрта Осиё ўтроқ воҳалари ўзлаштирилишига мос равишда кенгайиб борган. Минтақавий алоқа йўллари бўйларида маҳаллий қабилалар ва халқлар назоратида бўлган турли иншоотлар ва тегишли инфратузилмалар шаклланиб, илк улов ва транспорт воситаларидан фойдаланишга ўтилади.

Энг қадимги йўлларнинг учинчи гуруҳи трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллардир. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида металл ва нометалл қазилма бойликлари ҳамда бошқа хом ашё захираларининг мавжудлиги ва Қадимги Шарқ мамлакатларида уларга бўлган катта талаб, яъни иқтисодий омиллар минтақада транзит аҳамиятга эга бўлган йўллар йўналишларининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Ўрта Осиёни Ҳиндистон, Эрон ва Месопотамия орқали Олд Осиё, Миср, Шарқий Туркистон ва Хитой ҳамда минтақа шимолидаги даштлар орқали Сибир ва Уралорти ҳудудлари билан боғловчи транзит йўллар — алоқа йўллари тизимининг энг муҳим қисми бўлиб, бу йўллар орқали олиб борилган иқтисодий-маданий алоқалар Ўрта Осиёда цивилизация марказларининг пайдо бўлиши, аввало, илк шаҳар маданиятининг шаклланиши, кейинчалик, давлатчилик жараёнлари тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёда темир металлургиясининг пайдо бўлиши ва кенг ёйила бошлаши минтақадаги кўпгина йирик дарёлар воҳаларида суформа деҳқончилиكنинг кенг ёйилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва илк

давлатларга асос солиниши, бепоён даштларда ва тоғ олди ҳудудларида кўчманчи чорвачиликнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги бошқа ўзгаришларда катта аҳамият касб этган эди. Бу даврнинг давлатчилик тарихи учун энг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида бир нечта тарихий-маданий вилоятлар – Бақтрия, Хоразм, Марғиёна, Суғдиёна, кейинроқ, Фарғона, Чоч кабилар шаклланиб, уларнинг айримлари (Бақтрия подшолиги, Қадимги Хоразм) йирик давлат уюшмаларига бирикадилар.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида бўлиб ўтган янгиликлар ва ўзгаришлар қадимги савдо-транзит йўллари тармоқларининг кенгайиши ва алоқа йўлларининг янги йўналишлари пайдо бўлиши учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврдаги тор доирадаги ҳудудларни боғловчи ички алоқа йўлларида ташқари Дашт йўли, “Олтин йўли”, “Шоҳ йўли” кабилар минтақадаги иқтисодий ва маданий ҳаёт тараққиётини таъминлаган эди.

Илк темир даври ички алоқа йўллари йўналишларини аниқлаштиришда минтақадаги бу давр маконлари жойлашуви катта аҳамиятга эгадир. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотлари натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудлари бир неча йўналишдаги алоқа йўллари тизими билан ўзаро боғланган эди. Улар орасида Парфиядаги Улуғдепа, Улқандепа ва бошқаларни, Жанубий Туркманистондаги Сарахс воҳасидан Марғиёна орқали Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияга элтувчи йўллар катта аҳамиятга эга.

Мурғоб воҳасини Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар орқали Суғдиёна билан боғлаган алоқа йўли Марғиёнадаги Ёздепадан бошланиб, Тоҳирбой воҳасидаги маконлар орқали Амударёнинг ўрта оқимида жойлашган Одойдепага олиб келган. Бу ерда Мурғоб воҳасидан келувчи йўл тармоқланган. Унинг бир йўналиши Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб Хоразм воҳасига, иккинчиси шу кечув орқали Зарафшон дарёсининг қуийи ва ўрта оқимида томон кетган.

А.Сагдуллаев ва Э.Ртвеладзеларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг илк темир даври савдо-транзит йўллари тизимида



Марғиёнани Қадимги Бақтрия худуди билан боғловчи йўллар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон худудларида (Шимолий Бақтрия) бу даврдаги аҳоли пунктлари, асосан, дарёлар ва уларнинг ирмоқларидаги бир қанча деҳқончилик воҳалари бўйлаб жойлашган бўлиб, ҳар бир деҳқончилик воҳаси йирик шаҳар типидagi макон атрофида жойлашган мустақамланган қўрғонлар ва қалъаларга эга эди. Марғиёнани Шимолий Бақтрия билан боғлаган алоқа йўли Жанубий Бақтрия орқали (Шимолий Афғонистон) ўтган. Бу худудлардаги илк темир даврига оид Тиллатепа, Маймана, Давлатобод, Шибирғон ва Оқча маконлари мазкур алоқа йўлининг муҳим оралиқ пунктлари ҳисобланган. Шимолий Афғонистондан йўл Амударёдаги Чўчқагузар ва Шўроб кечувлари орқали Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистонга ўтган.

Бу даврда Бақтрия ва Марғиёнадан, Хоразмдан келган йўллар Самарқанд орқали Фарғона, қадимги Чоч воҳасига ва минтақа шимолидаги дашт худудларга қараб кетган. Қадимги Бақтрия ва Хоразм Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб ўтувчи алоқа йўли орқали боғланган. Шунингдек, бу худудларнинг ўзаро алоқалари Амударё сув йўли орқали ҳам олиб борилган. Суғдиёна ва Хоразм воҳасини боғлайдиган йўллар бир нечта йўналишда бўлган. Асосий йўналиш Зарафшон дарёси бўйлаб жойлашган маконлар орқали Амударёга олиб чиққан.

Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё жанубини Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Уструшона худудлари билан боғловчи алоқа йўлларининг бир неча йўналишлари фаолият кўрсата бошлайди. Ю.Буряковнинг фикрича, бу йўлнинг асосий йўналишларидан бири Фарғона водийси ва Чоч воҳасини ажратиб турувчи Чотқол-Курама тоғларидаги доvonлар орқали Ангрэн ва Чирчиқ дарёлари бўйида жойлашган қадимги Чоч воҳасига олиб келган. Ҳозирги кунга қадар Чотқол-Курама тоғ ён бағирларидан ва Сирдарёнинг воҳадаги асосий ирмоқлари Ангрэн ва Чирчиқ дарёлари водийларидан Бурғулик маданиятига оид кўплаб ёдгорликлар очиб ўрганилган. Улар Фарғона-Чоч-Суғдиёна алоқа йўлида жойлашган ёки бу йўл билан ёрдамчи тармоқлар орқали боғланган. Чунончи, Фарғонадаги Чуст ва Эйлатон ҳамда Тошкент воҳасидаги Бурғулик

маданиятларига оид маконлардан топилган моддий маданият буюмлари бу тарихий-маданий вилоятлар ўртасидаги доимий алоқалардан далолат беради.

Илк темир даври Ўрта Осиёнинг ташқи алоқаларида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳолат, аввало, ташқи алоқалардаги иқтисодий омиллар билан бир қаторда сиёсий манфаатдорлик билан боғлиқ эди. Чунки бу даврда қадимги шаҳарлар ривожланиб, илк давлатчилик шаклланаётган давр эди. Бу даврдаги Дашт йўли ҳақида гапирадиган бўлсак, бу даврда Ўрта Осиё ҳудудлари орқали ўтган савдо-транзит йўллари ичида Олтойдан бошланиб Эрон, Месопотамия, Арабистон ва Шимолий Африкага ҳамда Волга ва Урал дарёлари оралиғидаги даштлардан Ҳиндистонга олиб борувчи йўллар муҳим аҳамиятга эга эди. Қора денгизнинг шимолидаги даштлардан Олтойга қадар чўзилган бу йўл тарихий адабиётларда “Дашт йўли” деб аталади. Бу йўл Қора денгиз шимолидаги савдо шаҳарларидан бошланиб, Дон дарёсининг қуйи оқимидан Танаис шаҳри, Қуйи Волгабўйи, Оролбўйи, Жанубий Қозоғистон орқали Юқори Ирғиш ва Зайсан кўли худудига, Олтой ва Шарқий Туркистонга олиб чиққан.

И.В.Пьянковнинг фикрича, Олтой халқлари тасвирий санъатида Аҳамонийлар даври форс анъаналарининг пайдо бўлишида Ўрта Осиё транзит худуд сифатида катта ўрин туган бўлиши мумкин. Шунингдек, Олтойдаги Пазирик мазор-кўрғонларидан топилган, жундан тўқилган гилам қолдиқлари ўз хусусияти билан Ўрта Осиё гиламларига ўхшаб кетишини, машҳур “Амударё хазинаси”даги олтин буюмлардаги тасвирларни Пазириқдан топилган матодаги тасвирлар билан ўхшашлик топишини худудлар ўртасидаги алоқалар билан изоҳлаш мумкин.

Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Олтойни Оссурия ва кейинчалик Аҳамонийлар давлати марказий шаҳарлари билан боғлайдиган йўлларнинг икки йўналиши — кўчманчилар худудлари орқали ўтувчи Дашт йўли ва Ўрта Осиё худуди орқали ўтувчи йўл фаолият кўрсатган. Олтойнинг Осиё давлатлари ва Месопотамия билан маданий алоқаларини тўқимачилик, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари мисолида кузатиш мумкин. Олтойдаги Пазирик, Башадар,

Туэктин каби мозор-қўрғонлардан топилган гиламлар, кийимлар, ҳайкалчаларда Олд Осиё ва Месопотамия, Эрон ва Ўрта Осиёга хос тасвирларнинг учраши бу алоқаларнинг анча кенг қўламли бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги Шарқ давлатларида қимматбаҳо ва нодир металлар ҳисобланган олтин ва кумушга бўлган талаб Аҳамонийлар давридан олдинроқ, илмий адабиётларда “Олтин йўли” деб ном олган минтақаларо алоқа йўли пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Тоғли Олтойдаги олтин конларидан бошланиб Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон ва Эронга борувчи бу йўл қадимги даврнинг катта сиёсий ва стратегик ахамиятга эга бўлган йўлларида ҳисобланган. Бу даврда минтақамиз ҳудудларида сиёсий бирлашмалар, тарихий-маданий вилоятлар, илк давлат уюшмалари шаклланиб, қадимги шаҳарлар ривожланаётган давр эканлигини ҳисобга олсак, бу йўлнинг давлатчилик тараққиётидаги аҳамияти жуда катта бўлганлиги кузатилади.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларни ёзма манбалар, хусусан, Геродот, Аристей, Ктесий маълумотлари билан солиштириш натижасида Олтойда кончилик ишлаб чиқариш, олтин қумларни тозалаш сўнгги бронза ва илк темир даврига тўғри келиши, Олтойдаги қабилалар “олтин қўриқловчи грифлар” деб аталиши, Олтой халқларининг ташқи алоқаларида олтин қазиб олиш етакчи ўринда турганлиги ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Ў.Мавлоновнинг тадқиқотларига кўра, Олтой ва Гоби саҳроси (ёки Тибет) ҳудудларидан қазиб олинadиган олтиннинг жанубга келтирилиш йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- Олтой — Шарқий Туркистон — Еттисув — Суғд — Бақтрия;
- Олтой — Шарқий Туркистон — Фарғона водийси — Чоч воҳаси — Уструшона — Суғд — Бақтрия;
- Олтой — Гоби саҳроси — Тибет — Помир тоғ доvonлари (Вахон йўлаги) — Бақтрия.

Ўрта Осиёнинг жануби ва марказий ҳудудларининг Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистон билан алоқаларида ўзининг жойлашувига кўра Тошкент воҳаси ва Еттисув оралиқ ҳудудлар сифатида катта аҳамиятга эга бўлган эди. Ю.Буряковнинг фикрича, Тошкент воҳасидаги илк темир даврига оид маконлардан топилган бронзадан ясалган бурама пичоқлар

Сибирдаги Қорасук маданиятига тегишли маконларда ҳам учраши Ўрта Осиё — Сибирь худудлари ўртасидаги алоқалар йўналишлари ва бу алоқаларда қадимги Чоч воҳасининг тугган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар беради.

А.Сағдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, илк темир даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан алоқалари давом этган бўлиб, бу алоқалар олиб борилган йўллар йўналишларида бирмунча ўзгаришлар рўй беради. Бу даврда Ҳинд дарёси водийсини Ҳиндикуш тоғ доволари орқали Амударёнинг юқори оқими билан боғловчи йўл Хонободдарё ва Қундуз ёки Дарёи Банги-Панж дарёлари водийлари бўйлаб ўтган. Бу оралиқда Калафаган, Кўкча, Ойхоним, Рустак, Янги қалъа каби илк темир даврига оид маконларнинг топилиши бу алоқа йўли йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Греция ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга қадар улкан худудларда ташкил топган Аҳамонийлар давлати кўпгина давлатлар, халқлар ва элатларнинг турли томонлама алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Доро I ҳукмронлиги даврида “Шоҳ йўли” номини олган савдо-транзит йўли ўз фаолиятини бошлаган эди.

Аҳамонийлар давлати таркибига кирган Ўрта Осиё қадимги тарихий-маданий вилоятларидаги шаҳар ва қишлоқлардан Персепол, Суза ва империянинг бошқа шаҳарларига элтувчи савдо-транзит йўллари мил. авв. VI-IV асрларда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Бу йўлнинг бир тармоғи мил. авв. VI-IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири — Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрондан Бақтрия орқали ўтиб Олтойгача борган. Бақтра — Марв — Ниса — Эқбатан — Персепол — Суза йўналишидаги марказий алоқа йўлига Ўрта Осиёнинг шимолидан, Қадимги Суғд шаҳарларидан, минтақанинг шимолидаги кўчманчи чорвадорлар эгаллаган худудлардан келувчи йўллар Бақтриядан келувчи йўлга Мурғоб воҳасининг марказий шаҳри бўлган Марвда қўшилган бўлиб, бу шаҳар “Шоҳ йўли”нинг муҳим бўғинини ташкил этган.

Хуллас, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб мавжуд “Дашт йўли”, “Олтин йўли”, “Шоҳ йўли” кабилардан нафақат, турли қабилалар ва халқларнинг бир худуддан бошқа худудга кўчишида, турли худудларда яшовчи қабилаларнинг узро маданий ва иқтисодий алоқаларида, балки ҳарбий-снэсий мақсадларда ҳам изчил фойдаланилган. Бу ҳолат аввал Аҳамонийлар, сўнгра эса Александр Македонский юришлари йўналишларида яққол кузатилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, энг қадимги даврларда савдо карвонлари минг-минглаб километрга чўзилган йўллар орқали кўзлаган манзилига ўша давр нуқтаи назаридан етиб боргани шубҳали бўлса-да, маҳсулот айирбошлаш қабиладан қабиллага, тумандан туманга, вилоятдан вилоятга, воҳадан воҳага ўтиб кенг худудларни қамраб олганлиги бугунги кунда илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу худудлар тизимида Ўрта Осиё худудида яшаган қадимги қабилалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сайъи-ҳаракатлари ва фаолиятлари натижаси ўлароқ, минтақада илк шаҳар маданияти шаклланиб, дастлабки давлат уюшмаларига асос солинди. Бу жараёнда қадимги савдо-транзит ва маданий алоқалар йўлларининг аҳамияти беқиёсдир.

**Буюк Ипак йўли**нинг нафақат ўзбек халқи, балки дунёдаги кўпгина халқлар давлатчилиги тарихида, ривожланиш босқичларида аҳамияти катта бўлган эди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, мил. авв. III асрнинг охири - II асрнинг ўрталаридан бошлаб, Хитой сайёҳи ва дипломати Чжан Цзян хитойликлар учун илк марта Фарбий ўлка — Ўрта Осиё вилоятларига йўл очган даврдан бошлаб Буюк Ипак йўли шаклланади. “Буюк ипак йўли” деган ном ўша даврларда Фарб давлатлари учун жуда қимматбаҳо ҳисобланган ипак маҳсулотлари билан боғлиқдир. Аммо бу дегани бу йўлдан фақат ипак маҳсулотлари олиб ўтилган, деган маънони бермайди. Тадқиқотчилар ипак куртидан ипак олиш сирларини хитойликлар бундан беш минг йил илгари ўзлаштирган деб ҳисоблайдилар. Айрим тадқиқотчилар ипакчиликнинг ватани Ҳиндистоннинг тоғли туманлари, Фарбий Ҳимолай ва ҳатто, Эрон деб ҳисобласаларда, ипакнинг ватани Шимолий Хитой, аниқроғи, Шандун вилояти эканлиги аксарият олимлар ва хитойшунослар томонидан эътироф этилган.

Хитой элчиси ва дипломати томонидан очилган бу йўл аслида иккита буюк йўлни бирлаштирган йўл эди. Улардан бири — Ғарбдан, Ўрта Ер денгизи худудларидан Ўрта Осиёга келган бўлиб, Александр Македонский ва Салавкийлар саркардаси Демодам юришлари даврида Яксарт — Сирдарёгача чўзилган. Иккинчиси эса Шарқдан, Хан империясидан Ўрта Осиёга йўналган бўлиб, Чжан Цзян бу йўл бўйлаб шимолдан Довон, Қанғ, Суғд, Бақтрия орқали жанубга чиққан эди. Иккита буюк цивилизация — Ғарб ва Шарқ цивилизацияларини бирлаштиришда бу йўллар устида жойлашган Ўрта Осиё халқлари фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Хитой ва грек-рим манбаларининг маълумот беришича, пайдо бўлган давридан бошлаб, бу йўлдан савдо қарвонлари ва дипломатик элчилар қатнай бошлаган.

Бу йўл XIX асрнинг иккинчи ярмида (1877 йилда) немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен томонидан дастлабки марта “Ипак йўли” деб ном олди ва кейинчалик бутун дунё тадқиқотчилари томонидан “Буюк ипак йўли” деб эътироф этилди. Бу йўлнинг қисқача тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Хан империясининг У-Ди ҳукмронлиги даврида (мил. авв. 140-86 йй.) Хитойнинг ғарбий худудларига бўлган қизиқиш кучаяди. Хитойликлар бу худудларда ўша даврда анча хавфли бўлган ҳарбий кучлар — хуннлар билан тўқнашадилар. Хуннларга қарши курашда иттифоқчилар топиш ва улар билан ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида император У-Ди мил. авв. 138 йилда юқорида номи тилга олинган дипломат, саёҳатчи ва савдогар Чжан Цзянни Ўрта Осиёга жўнатади. Чжан Цзян бир неча йил хуннлар қўлида асирликда бўлади ва мил.авв. 128-126 йилларда Довон (Фарғона)га келади. Довон ҳукмдорлари билан ҳарбий иттифоқ тузишда муваффақиятсизликка учраган Чжан Цзян кўп қийинчиликлардан сўнг юртига етиб келади. Унинг миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Довон ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу урушларга асосий сабаб хитойликларни хайратга солган Довон “самовий отлари” эди.

Мил. авв. 111-105 йилларда император У-Ди Парфия (Хитой манбаларида Аньси деб эслатилади) подшолигига, Қанғ

ҳукмдорларига, кейинроқ эса Бақтрия (Кушонлар) ерларига ўз элчиларини жўнатиб улар билан дипломатик-савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа мил. авв. II-I асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлига асос солинади. Ўз вақтида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган. Евроосиё материгининг катта қисми айнан Буюк Ипак йўлини ташкил этувчи тизим билан боғланиб, бу йўл орқали моддий ва маънавий бойликлар алмашинуви жадал олиб борилган. Бу ўринда, Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий-маданий вилоятлари ўзига хос воситачилик вазифасини бажарганлар.

Э.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, типологик жиҳатдан бу йўллар (иккита континент — Осиё ва Европани боғловчи Буюк Ипак йўли) — континентал аҳамиятга эга бўлган йўллар (бир континентдаги турли минтақаларни боғлайдиган йўллар, мас., Бақтрия ва Ҳиндистон, Бақтрия ва Хитой); минтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллар (Ўрта Осиё континентининг ички ҳудудларини боғлайдиган йўллар, мас., Бақтрия ва Суғд, Бақтрия ва Хоразм); вилоят аҳамиятига эга бўлган йўллар (маълум тарихий-маданий вилоят ичидаги йирик аҳоли пунктларини боғлайдиган йўллар, мас., Афросиёб ва Кўктепа, Узунқир ва Ерқўрғон); маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар (шаҳар ва атроф аҳоли пунктларини боғлайдиган йўллар); қишлоқлар ўртасидаги сўқмоқ йўлларга бўлинган. Олимнинг фикрича, турли йўллар ўртасидаги масофа турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, континентлараро йўллар — 10 ва ундан ортиқ минг км., континентал йўллар — бир неча минг км., маҳаллий йўллар — бир неча ўн км., сўқмоқ йўллар — бир неча юз метрдан бир неча км.гача.

Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Ўрта Осиёга келувчи йўналишида дастлабки ҳудуд сифатида Фарғона водийси муҳим ўрин тутган эди. Ушбу ҳудуд орқали ўтган транзит савдо йўллари йўналишлари бўйича кейинги йилларда кўплаб янги маълумотлар пайдо бўлдики, уларнинг таҳлилларига асосланиб Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларнинг бу трансминтақавий алоқа йўли йўналишларида тутган ўрни ва

аҳамияти ҳамда бу давр Фарғона давлатчилиги ривожига ҳақида муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Хитой манбаларининг маълумоти беришича, бу даврда Даван давлатида 70 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар Буюк Ипак йўли йўналишларида жойлашган ёки улар билан маҳаллий аҳамиятга молик йўллар орқали боғланган эди. Бу шаҳарлар Буюк Ипак йўли шаклланган дастлабки даврлардан бошлаб Фарғона водийсининг муҳим иқтисодий ва маданий марказлари, айримлари (Эрши, Шўрабашат) эса сиёсий-маъмурий марказлар сифатида минтақанинг ички ва ташқи алоқаларида фаол иштирок этиб келган.

Буюк Ипак йўлининг Фарғона водийси шаҳарлари орқали ўтган асосий йўналишлари Ашт даштлари орқали Хўжандга ёки Чотқол тоғларидаги Қамчиқ ва Резак доvonлари орқали Чоч воҳасига олиб келган. Бу йўллар Оҳангарон ва Чирчиқ дарёси водийларидаги шаҳарлар ва маконлар орқали Сирдарёдаги муҳим кечувлар томонга йўналган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, мил. авв. III-II асрларда Тошкент воҳасида кейинги даврлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтади ва бу жараёнда алоқа йўлларининг аҳамияти улкан бўлди. Бу ҳолат биринчи галда, воҳанинг қудрати Қанғ давлати шаклланган ҳудуд сифатидаги ўрни билан ҳамда қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-сиёсий аҳамияти ошиб бориши билан изоҳланади.

Тошкент воҳасидаги қадимги шаҳарларнинг Сирдарёнинг ўнг қирғоқ ҳудудларида, Оҳангарон ва Чирчиқнинг қуйи оқимларида шаклланганлигидан хулоса чиқарган айрим тадқиқотчилар воҳада урбанизация жараёнлари бошланишида қўшни Суғднинг таъсири катта бўлган деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида Ўрта Осиёнинг бу икки тарихий-маданий вилоятлари ўртасидаги қизгин иқтисодий-маданий муносабатлар ҳамда воҳани Суғдиёна билан боғловчи алоқа йўллари жадал фаолият кўрсатганлиги таъкидланади.

Уструшона ва Тошкент воҳасидан Зомин ва Жиззах орқали келган савдо йўли Суғдиёнанинг пойтахти Афросиёб (Самарқанд)га олиб келган. Бу шаҳарнинг ўша давр Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларида



муҳим ўрин тутган йирик савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Афросиёбдан Амударё кечувларига томон кетувчи йўллар бу даврда Жанубий Суғд, ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудлари орқали ўтган. Кеш (Узунқир), Никшапа (Ерқўрғон), Нахшаб каби йирик шаҳарлар воҳанинг ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Суғдиёнадаги йўллар Буюк Ипак йўли шаклланиб, минтақанинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиб боришига мос равишда кенгайиб боради. Самарқанддан қуйи Қашқадарё воҳаси орқали Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувларга олиб чиқувчи йўллар Суғдиёнанинг минтақавий аҳамиятга эга қарвон йўллари эди. Бу давр Зарафшон дарёсининг қуйи қисмига, Бухоро воҳасига чиқувчи йўлларда ҳам қизғин алоқалар давом этган. Бу давр Хоразм воҳасидаги асосий пунктлар — шаҳарлар, қалъалар, қўрғонлар Амударёнинг қуйи оқимидан дарёнинг ҳар иккала қирғоғига чиқилган йирик каналлар бўйлаб жойлашган эди.

Сурхон воҳасида (Шимолий Бақтрия) минтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллар билан боғланган Термиз шаҳри алоҳида аҳамиятга эга. Амударёдан кечув жойида жойлашган бу кўҳна шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғлайдиган муҳим халқаро савдо-транзит йўли устида эди. Ундан ташқари бу шаҳар Амударё сув йўлидаги муҳим пунктларга эгаллиги билан ҳам бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Ипак йўлининг Бухорога келган тармоғи иккига бўлинган. Бу тармоқнинг жанубий йўналиши Бухоро — Қарши — Ғузор — Кеш — Термиз орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқларидан бири Техрон — Қазвин — Ҳамадон — Бағдод — Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Кува — Марғилон — Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Юқорида таъкидлаганимиздек,

Ипак йўлининг асосий карвон йўлларида ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Хуллас, мил. авв. I минг йилликнинг охири — милодий I минг йилликнинг бошларига келиб Тинч океанидан Атлантика океанига қадар чўзилган улкан географик ҳудуд — маданияти юксак даражада ривожланган цивилизацияларнинг ягона тизимига бирлашади. Бу ҳудудда жойлашган давлатлар — Хитойдаги Хан салтанати, Кушон подшоҳлиги, Қанғ давлати, Парфия давлати, Рим салтанатининг чегаралари ушбу йўллар орқали бир-бирига туташ эди. Ўз даврининг бундай забардаст салтанатлари ва цивилизациялар марказлари инсоният тарихида биринчи бўлиб “Буюк Ипак йўли” деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. Умумий узунлиги 12 минг километр бўлиб, Хитойдан Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларига қадар чўзилган бу йўл орқали кўпгина халқлар ва элатлар, жумладан, қадимги Ўзбекистон ҳудудларида яшаган халқлар ҳам турли томонлама муносабатлар ўрнатдилар. Подшоҳларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Ўша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Агар географик картага эътибор берадиган бўлсак, Ўрта Осиёни қадимги цивилизациялар ўзаро алоқалар тизимининг марказида жойлашганлигини кузатишимиз мумкин. Айнан мана шундай географик жойлашув туфайли қадимги Ўрта Осиёда муҳим этник жараёнлар (ҳинд-европа, ҳинд-эроний, туркларнинг кўчиши, кўчманчилар миграцияси) бўлиб ўтишига, маданиятларнинг ўзаро таъсир доираси фаоллашувига кенг имкониятлар яратилди. Буюк Ипак йўли бўйлаб кенг миқёсдаги савдо-соғиқ жараёнлари бўлиб ўтди, дипломатик шартномалар ҳамда ҳарбий иттифоқлар тузилди. Осиёнинг ичкарасига ва Узоқ Шарққа ҳарфий ёзув ва дунё динларининг (буддавийлик, христианлик, зардуштийлик, моний, ислом) ёйилишида Ўрта Осиё халқлари улкан ҳисса қўшдилар. Буюк Ипак йўли фақат карвон йўли бўлибгина қолмасдан, Евроосиё халқлари цивилизациясида, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги ривожига ҳамда бошқарув тизимининг такомиллашувида, шаҳарлар ва маданиятлар тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирган жараёнлар.

**Ўрта асрлар даври йўллари** Ўрта Осиё худудлари орқали ўтган қадимги савдо қарвон йўллари ўрта асрлар даврида ҳам ички ва ташқи халқаро иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илк ўрта асрларда Суғдлар, ривожланган ўрта асрларда Мувароуннаҳр ва хоразмликлар, сўнги ўрта асрларда бухороликлар ва хиваликлар халқаро алоқаларда катта ўрин тутиб, турли худудлар халқларини ўзаро боғлашда асосий воситачи бўлган эдилар.

Милоднинг III асри иккинчи ярми – IV асрда Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига кўчманчи халқлар – кидарийлар, хионийлар ва эфталийлар бостириб кирадилар. Бунинг натижасида кўчманчи ва ўтроқ халқлар ўртасида қонли урушлар бошланиб этник худудлар ўзгаради, эски сулолалар инқирозга учраб янгилари пайдо бўлади, маданиятлар ўзгариб, янги ижтимоий-иқтисодий тузум пайдо бўлади. Юзага келган вазият, геосиёсий ўзгаришлар Буюк Ипак йўлидаги савдо жараёнларига, Ғарб ва Яқин ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий ва дипломатик муносабатларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўз аҳамиятини йўқота бошлаган йўллар ўрнига мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда халқаро транзит алоқа йўлларининг янги тармоқлари вужудга кела бошлайди.

Бу даврдаги Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар қуйи Қашқадарёнинг йирик шаҳри Нахшабда туташиб бу ердан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувларга ёки Темир дарвоза орқали Термизга олиб чиққан. Турк хоқонлиги даврида Қашқадарё воҳасидаги Кеш шаҳрининг ҳам ижтимоий-сиёсий мавқеи анча ошганлиги кузатилади. Кеш шаҳри ривожиди воҳа орқали ўтган муҳим савдо йўллари Фарғона, Чоч воҳаси ва Самарқандни Оқработ доवони ва Темир дарвоза орқали Тоҳаристон билан боғлаган. Бу даврда Хитойдан Сосонийлар Эрон ва Қора денгиз орқали Византияга ўтувчи халқаро савдо йўли ва ипак савдоси назоратини қўлга олган турклар ва уларнинг ҳомийлигида савдо-сотик билан шуғулланган Суғд савдогарлари Марказий Осиёда ипак савдоси устидан тўлиқ назорат ўрнатдилар. Таъкидлаш лозимки, бу даврда ипак савдоси, нафақат иқтисодий, шу билан бирга, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳарбий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда ҳам катта ўрин тугар эди.

Э.Ртвеладзенинг маълумотларига кўра, VI асрнинг охир — VII асрнинг бошларида яшаган Хитой географи Пэй Цзюй ўзининг бизга қадар айрим парчалари сақланиб қолган “Ғарбий ўлка эсдаликлари ва картаси” асарида Дунхуандан Ўрта Ер денгизига борувчи учта йўл ҳақида ёзиб қолдирган. Булар: шимолий йўл — Хами — Баркўл кўли — Иссиқкўл кўли — Жанубий Қозоғистон чўллари — Волга бўйи — Шимолий Кавказ орқали Византияга ва ундан Ўрта Ер денгизига; ўрта йўл — Турфан — Қорашар — Кучи — Помир орқали — Уструшона — Самарқанд — Бухоро орқали — Марв — Сосонийлар Эронидан Ўрта Ер денгизига; жанубий йўл — Дунхуан — Лобнор кўли — Такла Макон саҳроси — Вахон йўлаги — Тоҳаристон орқали — Ҳиндикуш бўйлаб — Сосонийлар Эрони орқали — Ўрта Ер денгизига чиққан.

Бу асосий йўналишларга таъриф берган Хитой географи Пэй Цзюй бу йўналишлар бир-бирлари билан кесиб ўтувчи йўллар тармоқлари орқали боғланганлигини ҳамда улар орқали ҳар учала йўналиш бир-бири билан боғланганлигини таъкидлаб ўтади.

Бу даврда Хоразм воҳаси Афригийлар давлати таркибига кирган бўлиб, унинг йирик шаҳарларидан бири бўлган пойтахт Кат шаҳри Амударё сув йўли ва Суғдиёнадан Византияга кетувчи карвон йўли ўтган йирик савдо шаҳри эди. Воҳанинг карвон йўллари ва уларнинг тармоқлари бўйларида жойлашган йирик қишлоқлари ҳам минтақадаги иқтисодий-маданий алоқаларда ва шу жабҳалардаги тараққиётда маълум аҳамиятга эга бўлган эди.

V-VI асрларда Чоч воҳаси ҳам Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Ю.Буряковнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, бу даврда Чочда 30 дан зиёд шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўплари янги шаҳарлар эди. Археологик маълумотларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида бу даврдаги Чочнинг шаҳар ва қишлоқлари, пойтахт шаҳри Сирдарё — Яксартга яқин жойларда ҳамда унинг ирмоқлари бўйларида жойлашганлиги аниқланган. Бу даврда Чоч воҳаси орқали шарқдан — Фарғона водийси ва Шимолий дашт ҳудудлардан Суғдиёна орқали Амударё кечувларига, ундан Тоҳаристон ҳудудларига йўллар

ўтган. Шунингдек, Чоч воҳаси, шимолдаги дашт чорводорлари ва Сибир ҳамда Хитой билан алоқаларда ҳам асосий ўринни эгаллаган ҳудудлардан бири эди.

Хуллас, бўлиб ўтган турли тарихий-сиёсий воқеалар ҳудудий-этноик ўзгаришлар, миграция жараёнларига қарамасдан V-VIII асрларда Ўрта Осиё халқларининг ташқи алоқалари кўлами кенгайиб борди. Айниқса, Ўрта Осиё — Византия алоқалари асосида тарихий-маданий алоқаларнинг янги йўналишлари пайдо бўлди ва ривожланди. Таъкидлаш лозимки, туркларнинг Сосонийлар Эрони билан зиддиятлари Турк хоқонлигининг Византия билан қалин савдо-дипломатик алоқалари ўрнатилишига ҳамда тегишли алоқа йўллари ривожланишига олиб келди.

Ўрта асрларнинг IX-XIII асрнинг бошлари даври савдо-сотик ва маданият марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлиб, ички ҳамда ташқи савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожиди муҳим ўрин тутди. Савдо карвон йўллари йўналишлари бўйларида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳарлари, нафақат Шарқ дунёсида, балки улкан Евроосиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган транзит алоқаларда улкан аҳамиятга эга бўлган эди. Бу йўллар хунармандчилик, маданият ва ишлаб чиқариш марказлари бўлган шаҳарларни қишлоқлар, хом ашё манбалари ва фойдали қазилмалар олинадиган конлар билан, шаҳарлар ва вилоятларни бир-бири билан боғлар эди. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари қаторида Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Шош, Фарғона, Термиз ва Хоразм воҳаси орқали ўтган йўллар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар транзит савдо йўлларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланар эди.

Мовароуннаҳрнинг бу даврдаги йирик савдо шаҳарларидан бири Бухоро шаҳри эди. X-XIII аср бошларида Бухоро арк, шаҳристон ва работдан иборат йирик шаҳар бўлиб, минтақавий ва халқаро савдо алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Савдо йўллари Бухорони Мовароуннаҳр, Етгисув, Хоразм ва Хуросоннинг турли шаҳарлари ва улар орқали Шарқ ва Ғарб билан боғлаган эди. Маълумотларга кўра, Бухоро шаҳри X асрдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг шимолидаги мамлакатлар — булғор ва хазарлар юрти, Киев Руси ва Шарқий Европа давлатлари билан алоқаларда муҳим ўрин тута бошлайди.

Бу даврдаги Бухородан чиққан йўналиш Пойканд — Фароб — Амударёнинг ўнг қирғоғи — Кат орқали Хоразм шаҳарларига йўналган. Тадқиқотларга кўра, бу даврда Хоразм иқтисодий жиҳатдан юксалади ва шаҳарлар сони ортиб боради. XI-XIII аср бошларида Хоразм воҳасида Урганчдан кейинги йирик шаҳар Дарғон шаҳри бўлиб, бу шаҳар Эрон ва Хуросон билан бўлган алоқаларда муҳим ўрин тутган. Хоразм орқали Шарқий Европадан Хуросонга, Кат ва Урганчдан Эронга, Ўғуз чўли орқали Хазар ва Булғор подшоликларига, минтақа шимолидаги даштларга ҳам йўллар ўтган.

Ўрта асрларда Мовароуннахрнинг икки пойтахт шаҳри Бухоро ва Самарқандни Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан боғловчи транзит савдо йўллари Қашқадарё воҳаси орқали ўтган. Бу даврда воҳанинг бош шаҳарларидан бири Насаф ҳисобланиб, у уч қисмдан — кўхандиз, работ ва шаҳристондан иборат йирик шаҳар эди. Шаҳар мустақкам девор билан ўраб олинган бўлиб, бу деворнинг жануби-шарқий қисмида Кеш дарвозаси жойлашган бўлиб, ундан Қашқадарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Кеш шаҳрига элтувчи йўл, шимоли-шарқий қисмидаги Самарқанд дарвозасидан Жом орқали Самарқандга элтувчи йўл, шимоли-ғарбий қисмда жойлашган Бухоро дарвозасидан Бухорога олиб кетувчи йўл, жануби-ғарбий қисмидаги Губдин дарвозасидан Амударёдаги кечувларга элтувчи йўллар бошланган.

Бу даврда Эрон ва Хуросондан Насаф, Кеш ва Бухоро орқали Хитойга ўтувчи савдо йўлининг асосий йўналиши Самарқанд, Шош воҳаси, Фарғона водийси орқали ўтган. Самарқанд ўрта асрларда йирик маданият маркази сифатидагина эмас, балки йирик савдо маркази сифатида ҳам машҳур бўлиб, бу ерда кўплаб халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик бозорлар, ҳунармандчилик маҳаллалари, карвонсаройлар мавжуд бўлган. Ўрта Осиёнинг йирик савдо-иқтисодий шаҳри бўлган Самарқанд бу даврда минтақанинг жануби-ғарбий вилоятларини (Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё) Уструшона, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийлари билан боғловчи асосий йўл устида жойлашган.

XIII асрнинг биринчи чорагига келиб Шарқнинг каттагина, худудларида, жумладан, Мовароуннахрда ҳам мўғуллар ҳукм-

ронлиги ўрнатилади. Мўғуллар истилоси туфайли Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё ҳудудлари орқали ўтган йўналишлари XIII асрнинг биринчи ярмида савдо карвонлари учун фаолиятини тўхтатиб, улардан асосан ҳарбий-сиёсий мақсадлар ва элчилик алоқаларида фойдаланилган. Мовароуннаҳрда XIII асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб шаҳарлар тикланиб, ички ва ташқи савдо йўлга қўйила бошланди.

Ўрта асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида йўлларнинг тикланиши, шаҳарлар тараққиёти, иқтисодий ва маданий юксалиш, марказлашган давлатчилик анъаналари Амир Темур ва Темурийлар даври билан боғлиқ эди. Хусусан, Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтига ўтирган даврдан бошлабоқ марказлашган давлат барпо этишга, кучли ва мустаҳкам ҳокимият бошқаруви тизимини йўлга қўйишга, шаҳарлар тараққиётига, ички ва ташқи савдо йўллари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни хавфсизлигини таъминлашга асосий эътибор қаратган эди. Амир Темурнинг сайъи-ҳаракатлари туфайли Мовароуннаҳр бўйлаб халқаро савдо карвонлари ҳаракатининг қайтадан жонланиши шаҳарлар тараққиётига, иқтисодий-маданий алоқаларнинг юксалишига сабаб бўлган эди.

Бу даврда Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқандни Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг йирик шаҳарлари билан боғловчи йўллар минтақадаги ички савдо йўллари тизимининг бош бўғинини ташкил этар эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борилган тадбирлар, кўплаб йўл бўйи иншоотлари барпо этилиши, ички ва ташқи савдони ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Амир Темур ва Темурийлар даврида муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган Хиротдан Марв орқали Бухоро ва Урганчга ҳамда Балх орқали Самарқандга олиб келувчи йўллар фаолият кўрсатган. Самарқанд ва Хирот шаҳарларини мамлакатнинг шимолий қисmlари, хусусан, Хоразм воҳаси билан боғловчи йўллар ҳам бу даврда катта аҳамиятга эга бўлган. Темурийлар ҳукмдорларининг Олтин Ўрда билан бўлган алоқаларида Хоразмнинг бош шаҳри Урганчдан Хиротга асосан Мурғоб воҳаси орқали ўтилган.

Урганч ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларида жанубга кетган йўл Марв шаҳрида туташган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Европа ва Осиёнинг кўпгина давлатлари билан алоқалар олиб борилган. Хусусан, пойтахт Самарқандни жанубда Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Миср, шимоли-ғарбда Олтин Ўрда шаҳарлари, шарқда Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғловчи муҳим халқаро йўллар алоҳида аҳамиятга эга эди. Мавжуд манбалар айниқса, Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борилган алоқалар йўналишлари ҳақида аниқ маълумотлар беради.

1402-1404 йилларда Ўрта Ер денгизидан Ироқ – Эрон – Хуросон орқали Самарқандга ташриф буюрган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо маълумотлари Европа давлатлари билан олиб борилган алоқаларидан далолат беради. Клавихо маълумотларига кўра унинг расмий элчилик ташрифи қуйидаги йўналишда бўлган: Хуросондан – Термиз – Дарбанд – Темир Дарвоза – Оқработ – Кеш орқали – Самарқандга.

Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар даври Ўрта Осиёнинг давлатчилиқ тарихи, ички ва ташқи алоқалари тараққиётида муҳим давр бўлди. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг Олтин Ўрда давлати таркибида бўлган Дашти Қипчоқ ерлари орқали ўтган шимолий йўналишлари ўз аҳамиятини йўқота борди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари эса Буюк Ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйлаб халқаро иқтисодий-маданий алоқаларда катта роль ўйнай бошлади. Аммо, бу жараён узоқ чўзилмади.

Маълумки, XV асрнинг охирида юз берган буюк географик кашфиётлар натижасида халқаро денгиз йўлларининг очилиши туфайли Европа ва Осиё давлатларининг кўпчилиги ҳаётида, халқаро алоқалар ва савдо йўллари тизимида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ундан ташқари XV-XVI асрларда Усмонли туркларнинг истилолари ҳам Ғарбий Европа халқлари билан Марказий Осиё ўртасида мавжуд азалий алоқа йўллари йўналишларининг ўзгаришига олиб келди. Натижада, улкан ҳудудларни қамраб олган Буюк Ипак йўли XVI асрдан бошлаб ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

Бу ҳолат биринчи навбатда Буюк географик кашфиётлар туфайли Ғарбий Европадан Хитой ва Ҳиндистонга олиб борувчи



денгиз йўллариининг очилиши ва улардан изчил фойдаланишнинг бошланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу даврда Ўрта Осиёда бошланган ўзаро сулолавий курашлар марказий давлат ҳокимиятининг заифлашувиға, карвон йўллари хавфсизлигининг тўлиқ таъминланмаганлигига олиб келди. Натижада асрлар давомида Шарқ ва Фарб дунёсини боғлаб турган Буюк Ипак йўли инқирозға учради. Бу даврда Ўрта Осиёнинг Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитой каби давлатлар билан анъанавий алоқалари қисман давом этган бўлса-да, унинг халқаро алоқалари йўналишида ўзгаришлар юз берди. Яъни, айнан шу даврдан бошлаб Москва князлиги билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатила бошланди. Шунингдек, Буюк Ипак йўли фаолиятининг тўхтаб қолиши ички савдо-алоқа йўллариининг фаолиятига ўта салбий таъсир кўрсатмади.

Бу даврда Бухоро — Балх — Қарши; Қарши — Ғузур — Оқрабурт — Темир Дарвоза — Термиз — Балх; Самарқандни Шарқий Хуросон билан боғловчи йўл — Самарқанд — Тахтақорача — Шахрисабз — Яккабоғ — Тошқўрғон — Юрчи — Денов — Термиз — Балх; Фарғона водийси — Хўжанд — Ўратепа — Жиззах — Самарқанд; Бухоро — Чоржўй — Хазорасп — Хива — Кўҳна Урганч каби савдо-алоқа йўллари ўз фаолиятини давом эттирди.

Хуллас, Ўрта Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлардаги ташқи ва ички савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси қадимдан Волгабўйи ва Шарқий Европа билан, Бақтрия — Тоҳаристон Афғонистон ва Ҳиндистоннинг савдо шаҳарлари билан, Суғдиёна Эрон ва Византия билан, Фарғона Хитой ва Қашғар билан, Чоч воҳаси шимолдан дашт қабилалари билан алоқаларда асосий ўрин тутган. Ўрта асрлар давридаги маданий алоқалар, ягона дин, ёзув, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётдаги яқинлик Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида умумминтақавий маданият шаклланишига олиб келиши билан бирга, барча мусулмон мамлакатлари маданиятида ҳам умумийлик ва яқинликни келтириб чиқарди.

### Адабиётлар.

1. Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари — ҳунармандчилик ва савдо марказлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Анарбаев А. Благоустройства средневекового города Средней Азии. — Ташкент: Фан, 1981.
3. Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. — Алматы: Ылым, 1998.
4. Буряков Ю.Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса. — Ташкент: Фан, 1978.
5. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. — Самарканд-Бишкек, 2006.
6. Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). Ўзбек ва рус тилларида. — Тошкент: Шарқ, 2003.
7. Камалиддинов Ш.С. Историческая топография Южного Согда Тохаристана. — Ташкент: Фан, 1996.
8. Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. — Ташкент: Фан, 2005.
9. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. — Тошкент: Академия, 2008.
10. Мавлонов Ў., Маҳкамova Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. — Тошкент: Академия, 2004.
11. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. — Л.: Наука, 1976.
12. Межгосударственные отношения и дипломатия на древнем Востоке. Под ред. В.И. Кузишина. — М., 1987.
13. Радкевич В.А. Великий шелковый путь. — М.: Агропором-издат. , 1990.
14. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. — Ташкент, 1999.
15. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. — Ташкент, 2005.
16. Сагдуллаев А.С. К эволюции древнейших путей на юге Средней Азии// На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. — Ташкент: Наука, 1990. — с. 6-17.
17. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

## АНТИК ДАВР ШАРҚИЙ ҚАШҚАДАРЁДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Жанубий Суғд тоғ олди ҳудудларидаги ярим асрдан зиёдроқ вақт давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида археология ва топографияга оид кўплаб муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қўлга киритилди. Ушбу маълумотларни қиёсий таҳлил этишга комплекс ёндашув ва бу жараёнда ёзма ҳамда нумизматик маълумотлардан фойдаланиш Шарқий Қашқадарёнинг антик давридаги тарихи ва маданияти масалаларига кўплаб аниқликлар киритиш имконини беради.

Антик даврнинг турли босқичларида Шарқий Қашқадарё Наутака, Кеш (Су-се) номи билан аталиб Китоб – Шахрисабз воҳасини ҳамда Зарафшон – Ҳисор тоғ тизмаларига яқин адирлардаги ҳудудларни қамраб олган. Қашқадарё Суғднинг шарқий қисми Самарқанд Суғди ва Бақтрия каби маданий марказлар ўртасидаги чегара ҳудуди ҳисобланган бўлса-да, Самарқанд Суғдига нисбатан яқин бўлиб, турли даврларда маданий тараққиётнинг ўзига хослиги билан ажралиб турган.<sup>1</sup> Айнан шунинг учун ҳам бу ҳудудларни Суғд тарихий-маданий вилояти дейишмизга асослар бор.

Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, шунингдек, моддий маданият мажмуаларининг таҳлили, фикримизча, антик даврдаги Жанубий Суғднинг шарқий ҳудудлари тарихидаги, суғориш тармоқлар ва аҳоли жойлашуви тизими билан боғлиқ қуйидаги босқичларни ажратишга имкон беради:

1. Суғд-эллинизм даври – мил. авв. IV асрнинг охири – III аср.

2. Илк суғд-қанғуй даври – мил. авв. II – I асрлар.

3. Ўрта суғд – қанғуй даври – милоднинг I – II асрлари.

4. Сўнгги суғд – қанғуй даври – милоднинг III – IV асрлари.

<sup>1</sup> Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи (к проблемы становления и развития археологической школы в Узбекистане). Автореф. дисс. канд. ист. наук. Институт истории АН РУ. Ташкент, 2007. - С. 5.

Юқорида ажратилган босқичлар воҳанинг ғарбий ҳудудлари ва Самарқанд воҳаси учун олимлар томонидан таклиф этилган даврлаштириш билан мос тушади.<sup>1</sup>

Македониялик Александрнинг Шарққа бўлган юришларидан кейинги йирик сиёсий ўзгаришлар ва қадимги Суғд даврининг сўнгги босқичига келиб бу вилоят ривожланишнинг узоқ давом этадиган йўлини босиб ўтди. Ҳисорнинг жанубида жойлашган ҳудудлар билан узвий алоқалар вилоятнинг илк антик давр моддий маданият буюмларида ўхшашлик топиб, бутун антик давр маданий алоқаларнинг сақланиб қолишига таъсир ўтказди.

Табий — географик муҳит: адирлардаги кенг майдонлар, сув манбалари, йўллар кесишган ҳудудлар қабилар тоғ олди деҳқончилигининг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатди. Қадимги Шарқий Қашқадарёнинг асосан ўрта баландликка тўғри келувчи жадал ўзлаштирилган ҳудудларининг катта қисмини суғориладиган ерлар ташкил қилган. Бу ҳолатни палеоботаник топилмаларнинг таркиби ҳам тасдиқлайди.<sup>2</sup> Аммо, шу билан биргаликда ўша даврда хўжалик фаолиятининг кенгайиши фақат суғориш тармоқларининг ривожига орқали амалга ошган бўлиши мумкин эди.

Вилоятнинг мураккаб ер тузилиши каналлардан аниқ тизимли ирмоқлар чиқаришни талаб қилган. Чунки уларнинг чуқурлиги ва дала сатҳининг баландлиги қадимги ўзлаштирилган майдонлардан кейинги фойдаланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатган. Фикримизча, бошқа сабаблар билан бир қаторда бу қонданинг бузилиши ҳам мил. авв. IV-III асрларга келиб баъзи ҳудудларда эски суғориш тизимининг аста-секин инқирозга юз тутишига олиб келди.

Бундай шароит ва камқувватли сув манбаларининг кўп бўлганлиги туфайли Шарқий Қашқадарёда булоқ тармоқларига

<sup>1</sup> Кабанов С.К. Стратиграфический раскоп в северной части городища Афрасиаб //Афрасиаб. — Ташкент, 1973. Вып. 2. - С.82-83; Его же. Переодизация раннеантичной культуры Согда (VI-IV вв. да. н.э.) (по материалам раскопок на городище Афрасиаб) //Античная культура Средней Азии и Казахстана. С. 54-56; Сулейманов Р.Х. Древний Нахашаб. Т. 2001. - С. 311-312.

<sup>2</sup> Хасанов М. Античные сельские поселения Южного Согда. Автореферат. дисс... канд. ист. наук. — Самарканд. - 1990. с. 14.

асосланган ва тоғ олди ҳудудларига хос бўлган суғориш тизими шаклланади. Бу ҳолат илк ўрта асрларгача сақланиб қолган вилоят аҳолиси жойлашувининг кичик воҳалар хусусиятида ўз аксини топган. Шунингдек, сув манбалари атрофларида бой яйловларнинг мавжудлиги тоғли ҳудудларда маҳаллий ўтроқ деҳқончилик аҳолисида сермахсул ҳисобланган ҳайдама ва уй чорвачилигининг ривожланишига таъсир кўрсатган эди.<sup>1</sup>

Мил. авв. VI-IV асрларда Шарқий Қашқадарёда унча катта бўлмаган аҳоли пунктлари, мастаҳкамланган ва мустаҳкамланмаган уй-қўрғонлар (Даратепа) кўп эди. Бу даврда кейинги босқич учун хос бўлган аҳолининг зич жойлашув тизими шаклланиб бунда иншоотлар марказий бошпана атрофида жойлашади.

Қадимги Суғднинг мудофаа иншоотлари Узунқир кўҳна шаҳри ва Подаётоқтепа қалъасида ўрганилган. Бу иншоотларни бунёд этишда маҳаллий шароитлардан унумли фойдаланилган бўлиб, (ёғоч, пахса, хом гишт) деворлар мустаҳкам пойдевор устида қад кўтарган, деворлар ичида йўлаклар ва миноралар мавжуд бўлган. Подаётоқтепа мудофаа иншоотлари кўпроқ Самарқанд Суғди камроқ Бақтрия ва Ҳиндистон мудофаа иншоотлари билан ўхшашлик топади.<sup>2</sup> Шу каби ўхшашликларни ҳисобга оладиган бўлсак, Подаётоқтепа иншоотлари маҳаллий Суғд ҳимоя иншоотлари анъаналарини ўзида акс эттириши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Шўробсой бўйидаги Сангиртепа, Узунқир, Подаёқтепа, Номсизтепа ва Даратепадан топилган моддий маданий буюмлари Қадимги Суғд даврининг яқунловчи босқичида ҳунармандчилик ривожланганлигидан далолат беради.

Даратепадан темир пичоқ, Узунқирдан бронза ўқ учлари топиллиши металлга ишлов беришнинг маҳаллий кўриниши мавжудлигини кўрсатади. Кулолчилик ишлаб чиқариши кўшни ҳудудлар — Самарқанд Суғди, Бақтрия, Фарбий Суғд кулолчилиги даражасидан қолоқ эди. Идишларнинг кўпгина турлари

<sup>1</sup> Сағдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика) Автореф. дисс. докт. ист. наук. — М., 1989. с. 34.

<sup>2</sup> Туребеков М. Оборонительные сооружения деревнических поселений и городов Согда (VII-VI. до н.э. — VII в. н.э.), — Нукус, 1990. с. 44, 52.

Ўрта Осиёнинг жанубидаги шаҳармонанд марказларининг идишлари шаклига ўхшаб кетади. Бу эса, мил. авв. II – I минг йиллик охирида минтақанинг моддий маданияти ўзаро алоқадорликда ривожланганлигидан далолат беради. Мил. авв. IV асрнинг биринчи ярмида илк босқичлар учун хос бўлмаган очиқ ошхона идишларининг пайдо бўлиши — аҳамонийлар кулолчилик анъаналарининг таъсирини кўрсатади. Бу ҳолат Қашқадарё водийсининг ғарбий қисмида кузатилади.<sup>1</sup>

Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. IV асрнинг охири — III асрда, Суғд — эллинизм босқичларининг бошида содир бўлган жараёнлар маҳаллий жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва кейинги юз йил давомидаги тарихий — маданий жараёнларнинг тараққиётини белгилаб берган. Грек — македон армиясининг юришлари натижасида минтақанинг сиёсий картасида ўзгаришлар содир бўлди. Бир томондан Ўрта Осиё эллин дунёсининг таъсирига тушиб қолган бўлса, иккинчи томондан, шимолий ҳудудлардаги кўчманчилар фаоллашди. Шунга қарамасдан иқтисодиёт ва маданиятда қатор янгиликлар пайдо бўлди. Янгиликлар муайян бир вақт давомида содир бўлади. Яъни, шаҳарларда тезроқ, қишлоқларда эса секинроқ.

Шарқий Қашқадарё Суғд — эллинизм ўзаро таъсирининг илк босқичлари, хусусан, Подаётоттепа моддий маданияти мажмуасида ўз аксини топган. Унда эллинизмнинг яққол таъсири кузатилади. Косаларнинг бирида грек услуби мавжуд бўлиб, бу ҳолат бу ерда грек ёки эллинлашган номаҳаллий аҳоли истиқомат қилганлигидан далолат беради.<sup>2</sup> Эҳтимол, Подаётоттепа ва унинг атрофлари грекларнинг катойкия-масканларидан бири бўлган бўлиши мумкин. Маълумки, эллинлар Ўрта Осиёдаги катойкияларга таяниб хокимиятни бошқарганлар.

Кейинчалик Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, шаҳар марказлари ва урбанистик маданиятнинг кенг ёйилиши бўлиб ўтаётган янгиликларни жамият ҳаётига жорий

<sup>1</sup> Исомиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. — Т., Из-во им. А.Кадири. 2000.

<sup>2</sup> Омельченко А.В. О керамике эллинистического времени городища Подаятактепа // Роль города Шахрисабза в мировой истории. - Тошкент. 2002. - С. 100-101.

этишда муҳим аҳамият касб этади. Воҳанинг серсув дарёларидан бири бўлган Оқсув воҳасида вилоятнинг янги маркази (Китоб шаҳри атрофлари) пайдо бўлади. Унинг ҳудудларидан очиб ўрганилган мустаҳкам деворлар, катта хоналари бўлган сарой кўринишидаги иншоот, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш излари, атрофдаги бой уй-қурғонлар (Тўпхона)<sup>1</sup> янги шаҳарларнинг марказ бўлганлигидан далолат беради. Тадқиқотлар таҳлилларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳудудларининг катталиги ҳамда иншоотларнинг қисқа муддатда барпо этилганлигига қараганда кўҳна шаҳар қурилиши бевосита ҳокимият томонидан амалга оширилган бўлиб, уни бунёд этишда бутун воҳа аҳолиси иштирок этганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Китоб ҳудуддаги кўҳна шаҳар воҳа ҳаётининг барча жабҳаларида етакчи мавқени эгаллаб, антик ва илк ўрта асрлар даврида Шарқий Қашқадарёнинг пойтахт шаҳри вазифасини ўтаган. Марказнинг Шўробсой воҳасидан Оқсувдарё воҳасига кўчирилиши, аввалги даврларда бўлганидек, аҳоли жойлашуви тизими эволюциясини белгилаб берувчи ирригация тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ эди.

Суғд — эллинизм босқичи давомида Шарқий Қашқадарё ҳудудларидаги районлашув тизимида унча катта бўлмаган қишлоқ пунктлари етакчилик қилади. Аммо қадимдан аҳоли яшаб келган айрим ҳудудларда (қуйи Шўробсой, Гулдарасой, Толдисой) марказлашган йирик қишлоқ масканлари шаклланиб, кейинроқ уларнинг баъзилари шаҳарчаларга айланади. Қурилиш техникасида тўртбурчак хом гиштлардан шаҳар ва қишлоқ иншоотлари кенг фойдаланилади. Китобдаги қалъа, Қаландартепа кўрғонининг пойдеворида, бу ердаги қалъа деворининг иншоотлари илгариги давр мудофаа иншоотлари ворисийлигини (Узунқир) кўрсатади. Шу билан биргаликда ҳарбий техника билан боғлиқ айрим белгилар пайдо бўлади.

Бу даврдаги янгиликлар кулолчилик ишлаб чиқаришида айниқса яққол кузатилади. Янги шакллар ва идишлар сиртига ишлов беришдаги янгиликлар бу давр кулолчилигига хос хусусиятдир. Бу ҳолат сопол пишириш жараёнининг ривожланиши ва мукаммаллаштирилган кулолчилик хумдонларидан фой-

<sup>1</sup> Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // СА. 1983. - С. 46-54.

даланиш билан боғлиқ эди. Бу даврдаги Шарқий Қашқарёнинг сополлари Ўрта Осиёнинг бошқа маданий мажмуалари – Марказий ва Ғарбий Суғд, Бақтрия, Марғиёна, Парфия моддий маданияти билан ўхшашлик топади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубида бўлиб ўтган маданий жараёнларнинг яқинлиги аввало, мил. авв. III аср ўрталарига қадар сақланиб қолган минтақанинг сиёсий бирлиги, кейин эса, “эллини-лашган анъаналар”нинг<sup>1</sup> таъсири билан боғлиқ эди.

**Илк суғд – қанғуй босқичи.** Жанубий Суғд бутун Суғдиёна каби мил. авв. III асрнинг охири – II асрнинг бошида эллин ҳукмдорлари ҳокимиятидан қутилади. Бу ҳолатни македониялик Александр ва илк Салавкийларга бориб тақалувчи маҳаллий тангалар зарб этилиши ҳам тасдиқлайди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу ерда дастлабки мустақил мулкларнинг шаклланишида сак-сарматлар гуруҳига кирувчи кўчманчи қабилалар асосий рол ўйнаб, улар аввало маҳаллий сулолалар билан иттифоқ тузганлар. Аммо, Суғдда бевосита кўчманчи зодагонлар вакилларининг ҳокимият тепасига келиши, афтидан, кўчманчилар ҳаракатининг иккинчи тўлқини даври, яъни, юечжилар ҳужумлари даврига тўғри келади. Эҳтимол, уларнинг мил. авв. II асрнинг охири – I асрда Кешда ҳукмронлигининг ўрнатилиши ўнг томонида янги тасвир (тик турган Геракл) ва суғд афсонаси туширилган тангалар зарб этилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.<sup>2</sup>

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мил. авв. II асрга келиб Ўрта Осиё қадимги воҳаларида, хусусан, Суғдиёнада кўчманчилар турмуш тарзи белгиларининг кучайиши маҳаллий кулолчиликка ҳам таъсир ўтказадик, бу ҳолат, аввало, ошхона идишларидаги ўзгаришларда кузатилади.<sup>3</sup> Шунингдек, терракота “тойчоқлар”, ичи тилла мунчоқлар, бронза қозонлар ёки ушлагичи думалоқсимон кўзаларни, Шимолий Бақтрия материалларига асосланган тадқиқотчилар, Ҳисорнинг ши-

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х, Генезис культуры Самаркандского Согда. Авторефер. дисс. докт. ист. наук. - Самарканд, 2000. - С. 37.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Южносогдийские монеты династии Арбата с изображением Геракла и Зевса // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. - Т., Шарқ. 2002. - С. 123-126.

<sup>3</sup> Омельченко А. О керамике эллинистического времени... - С. 101.



молида кўчманчилар таъсирида шаклланган археологик мажмуага киритадилар.<sup>1</sup>

Мил. авв. I аср, эҳтимол, мил. I аср Шарқий Қашқадарё кулолчилиги Марказий Суғд ва қуйи Қашқадарё кулолчилиги анъаналари билан мустаҳкам алоқаларни сақлаб қолади. Шунингдек, қисқа муддат Марғиёна билан, милодий I аср ўрталаридан бошлаб эса Шимолий Бақтрия билан алоқалар кучаядики, бу ҳолат сиёсий анъаналарда ҳам кузатилади.

Ушбу босқичнинг бошларида воҳада муҳим рол ўйнаган (Подаётоқтепа) таянч иншоотлари (катойкиялар)нинг аввалги тизими бузилади. Кичик қишлоқ пунктларининг етакчилик қилиши давом этиб, айрим қадимги туманларда йирик қишлоқлар пайдо бўлади. Кейинроқ эса, мавжуд сиёсий барқарорлик ва таркибида Кеш ҳам бўлган (бу ҳақда Хитой манбалари ва археологик — топографик кузатувлар маълумот беради) Қанғуй бирлашмаси ҳимоясидаги ҳокимиятнинг ўрнатилиши, аввало ирригация тармоғининг кенгайишига асосланган иқтисодий тараққиётни таъминлайди.

**Ўрта суғд-қанғуй босқичида Шарқий Қашқадарё суғориш тизимининг кейинги ривожланиши кузатилади.** Бу даврда аҳоли сонининг тез кўпайиши, аввало, ўзлаштирилган воҳаларда аҳоли зичлигининг ошишига ва янги ерларнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ирригация билан боғлиқ иншоотлар, хусусан, канал-ариқлар чиқариш усуллари такомиллашади. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли жойлашувининг кичик районлари сони 15 тага етади.<sup>2</sup> Бу даврдаги вилоят маданий тараққиётининг нисбатан хусусиятли томонларидан бири аҳолининг эркин жойлашув хусусияти эди. Бу ҳолат аҳолининг кейинги ўзлаштирилиши учун ер заҳираларининг кўплигидан, шунингдек, янги ҳудудларни ўзлаш-

<sup>1</sup> Массон В.М. Кочевнические компоненты кушанского археологического комплекса // Проблемы античной культуры. М., Наука, 1986. - С. 258-264; Иваницкий И.Д. Элементы двух культур и инвентарь курганов Северного Согда // Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотовод? И. Традиция и современность. Самарканд. 2002. - С. 26.

<sup>2</sup> Омельченко А.В. Культура восточных районов Южного Согда эпохи античности (конец IV в до н.э. — IV в. н.э.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. Самарканд. 2003. - С. 22.

тириш ва маданий ворисийлик ривожланишининг тинч ва осойишта кечганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, эрамининг биринчи асрларида Шарқий Қашқадарёда дастлабки босқичларда шаклланиган еттига воҳа марказлари бўлган. Бу воҳалар бир-биридан узоқ масофада жойлашган бўлиб, нафақат яқин қишлоқлар, балки нисбатан узоқдаги қишлоқлар ҳам улар билан алоқалар ўрнатган.<sup>1</sup> Фикримизча, ярим — қишлоқ ва ярим — шаҳар типидagi бу масканлар нафақат Жанубий Суғднинг шарқий қисми, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида шаҳар организми шаклланишининг ўзига хос усулини акс эттиради.

Шаҳарларнинг бундай пайдо бўлиш шакли, алоҳида уй — кўрғонлар ва қишлоқ пунктларининг тарқоқ жойлашуви жамоа анъаналарининг кучлилиги қилганидан далолат беради. Тадқиқотларга кўра, бундай ҳолат бутун Суғд учун хослиги кузатишга эришилган. Афтидан, бир неча қалъалари бўлган йирик марказлашган қишлоқларда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги устунлик қилиб, айрим ҳолларда улар “аграрлашган шаҳарчалар” бўлган бўлиши ҳам мумкин. Улар учун шаҳар организмининг куйидаги хусусиятлари хос бўлган: уй-жой қурилишининг юқори даражаси ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши маҳсулотларининг сифати, юксак бадиий буюмлар ва бошқалар. Атрофдаги барча аҳоли учун бошпана вазифасини ўтаган бундай кўҳна шаҳарлар қалъалари дарё ва сойлар бўйларидаги табиий тепаликларда қад кўтарган. Чунончи, Шимолий Бақтрия, Марказий ва Ғарбий Суғд, Марғиёна, Хоразм ва Парфиянинг кўпгина кўҳна шаҳарларининг ривожланиши қалъалардан бошланган.

Кешнинг ғарбий районларини ҳимоя қилиш ва унинг бутун ҳудудларида солиқ назоратини ўрнатиш учун ҳукмдорларнинг аниқ мақсадли фаолияти воҳанинг чеккаларидаги дашт ва тоғолди ҳудудларида (Шарқий Қашқадарё бўйлаб ўтувчи муҳим йўллар бўйларида) режа асосида бунёд этилган мустаҳкам иншоотлар орқали ифодаланади. Атрофдаги аҳоли ва водийнинг марказий қисмига борувчи йўлларни ҳимоя қилишдан ташқари бу мустаҳкам иншоотлар, афтидан, кичик воҳаларнинг

<sup>1</sup> Крашенинникова Н.И. Древнеземледельческий оазис Южного Согда //АО, 1984, М., 1986. - С. 461.

маъмурий маркази вазифасини бажариб, каналлар бошидаги сув тақсимотини ҳам назорат қилган. Воҳанинг Қарши — Гузор қисмига яқин ерда жойлашган чекка кўҳна шаҳарлари орқали ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг кўчманчилар билан савдо алоқалари ҳам бўлиб турган. Яккабоғ тоғ олди ҳудудларидаги кўп сонли мустақамланган иншоотлар Ҳисорнинг ғарбий тизмалари орқали Шарқий Қашқадарёга яқин бўлган Кушон давлати ва Қанғ чегаралари шу ҳудудлардан ўтганлиги ҳақидаги<sup>1</sup> хулосаларни тасдиқлайди.

Янги кичик воҳаларнинг ўзлаштирилиши, вилоятнинг ички туманлари, аввало, жамоатлар томонидан амалга оширилиб бу ҳолат уларнинг имкониятлари ва аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ эди. Шунингдек, аҳоли зич жойлашган йирик қишлоқлар ҳам пайдо бўлади. Улар катта ўлчамлари ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлиқ бўлган имкониятларига қарамасдан шаҳарларга айланмайди ҳамда ўзларининг асосий аграр вазифаларини сақлаб қолади (Юқори Сарой).

Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Жанубий Суғднинг шарқий ҳудудларида ҳам аҳолининг турмуш тарзи сифати юқори даражага кўтарилишида шаҳар маданиятининг кенг тарқалиши муҳим аҳамият касб этган. Бу жараёни турар-жойлар қурилиши мисолида кузатиш мумкин. Агар мил. авв. IV-II асрнинг биринчи ярмида, айниқса, қишлоқ жойларда ярим ертўла ва шох-шабба қурилишлар кенг қўлланилган бўлса, барча ҳудудларда кейинчалик пахса ва хом гишт ҳамда мураккаб тизимли меъморчиликка ўтиш кузатилади (Китоб)<sup>2</sup>.

Шарқий Қашқадарёда короластика ривожининг илк босқичларида эллинизм анъаналарининг кучлилиги сезилади. Фикримизча, Жанубий Суғд учун бундай ўзаро алоқаларда нафақат Бақтрия, балки Марғиёна ҳам воситачилик қилган. Бақтрия маданиятидан тобора ажралиб бораётган маҳаллий маданий анъаналарнинг ўзига хослигига Суғднинг биринчилардан бўлиб грек-бақтр ҳукмдорлари таъсиридан чиқиши сабаб бўлган эди. Ундан ташқари, Шарқий Қашқадарё сополлари-

<sup>1</sup> Массон М.Е. К вопросу о северных границах государства «Великих кушан» //ОНУ, 1968.№8. - С. 14-25.

<sup>2</sup> Крашенинникова Н.И. Раскопки в Китабском районе //АО — 1983. М., 1958. - С. 533-534.

нинг Бақтрия сополларидан кескин фарқланиб, Бухоро Суғди ва Хоразм кулолчилигига ўхшаб кетишини таъкидлаш лозим.

Бу ҳолат Қанғ ва тобора кучайиб бораётган Кушон давлати ўртасидаги расмийлашган сиёсий чегараланиш билан ҳам изоҳланади. Сиёсий ва иқтисодий муносабатларда Шарқий Қашқадарё кўпроқ Суғдиёнанинг марказий ҳудудларига яқинлашиб боради.

**Сўнги суғд — қанғуй босқичи (мил. III-IV асрлар)** бутун антик давр хўжалик ва маданий ҳаётининг юқори даражада юксалиши билан изоҳланади. Бу даврда аҳоли жойлашувининг алоҳида районлари ўртасидаги масофа янада қисқариб, Зарафшон тоғолди ва Яккабоғ адирлари ҳудудларида зич қишлоқлар ва қишлоқ хўжалик майдонлари кўринишидаги воҳа ўчоқлари шаклланади. Чимқўрғон сув омбори ҳудудлари ҳам айнан шу даврда жадал ўзлаштирилиб, Фузордарё воҳасида аҳоли жойлашуви кучаяди.<sup>1</sup> Афтидан бу даврда Фузордарёнинг ўрта оқими Кешнинг таъсир доирасида бўлган. Қорабоғдарё, Яккабоғдарё ва Оқсувдарёларнинг куйи оқимларида олиб борилган ирригация ва қурилиш ишларининг ҳажми бу ҳудудларни ўзлаштиришда давлат ҳокимияти иштирок этганлигидан далolat беради. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, дашт билан чегарадош бўлган бу ҳудудлардаги янги деҳқончилик районларини ҳимоя қилиш учун арабларгача бўлган даврга оид бўлган “Чим” деворининг айрим қисмлари шу даврда бунёд этилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.<sup>2</sup>

Бугун антик давр мобайнида масканлар типлари орасида кичик, мустаҳкамланмаган пунктларнинг кўпчиликини ташкил этиши маҳаллий жамиятнинг асосий иқтисодий негизи қишлоқ жамоалари бўлганлигини кўрсатади. Бу қишлоқ жамоаларида қатор мажбуриятлари орқали давлат ҳокимияти билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, аниқланган пунктлар

<sup>1</sup> Нефедов Н. Динамика заселения долины реки Гузар-дарьи в эпоху античности и раннего средневековья // Античная культура Средней Азии и Казахстана.: Тез. докл. Всесоюзного научного совещания. - Ташкент Фан. 1979. - С. 67-68.

<sup>2</sup> Якубов Б. Позднесредневековая фортификация долины Кашкадарьи // Археология и художественная культура Центральной Азии. Тез. докл. науч. конф. - Т., 1995. Вып. 2. - С. 80-81.

майдонининг ҳисоб-китоби воҳа аҳолисининг аксарият қисми шаҳарлар ва йирик қишлоқларда яшаганлигини кўрсатади. Бу ҳолат сўнгги антик даврга келиб маҳаллий маданият тараққиёти юқори даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Шарқий Қашқадарёнинг II – III асрларга оид сопол буюмлари қанғуй таъсирида бўлган бошқа вилоятлар, масалан, Фарбий Суғд ва Хоразмнинг сополлари билан ўхшашлик топади. Бу даврдаги сиёсий барқарорлик товар муносабатларидаги барқарорликни таъминлаб, усталарга сиёсий бирлашмалар чегараларида ҳаракат қилишга имконият берган эди. Шунинг учун ҳам Марғиёна, Бактрия ва Суғд кулолчилик анъаналарида фарқланиш кузатилади. Аммо Шарқий Қашқадарё идиш-товоқ кулолчилиги маҳсулотлари ўзига хослиги билан ажралиб турганлиги боис, бу ерда қўшни вилоятлар сопол ишлаб чиқариши таъсир ўтказган кулолчилик мактаблари мавжуд бўлганлиги ҳақидаги илмий хулосаларга жиддий асослар бор дейиш мумкин.

Нафақат Шарқий Қашқадарё, афтидан, балки бугун Суғд қадим Авесто динлари шаклланган марказлардан бири бўлган. Археологик материалларда бу хусусан, олов ва сувга сиғиниш анъаналарида (Сангиртепа ибодатхонаси, Подаётоқдаги сиғиниш буюмлари бўлган дафина ва бошқ.) ўз аксини топган.<sup>1</sup> Ҳудудлардан топилган кўплаб топилмалар, аввало, маҳаллий диний қарашлар билан мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Бактрия ва Марғиёна диний қарашлари ўртасидаги ворисийликдан далолат берса, бошқа томондан эса XIX асрдаги форслар удумлари амалиётини тасдиқлайди. Фикримизча, бу ҳолат, зардуштийликнинг илк анъаналари Ўрта Осиёда шаклланганлигини яна бир марта исботлайди. Кеш аҳолисининг ушбу анъаналарга кейинчалик яқин бўлганлиги ҳақида илк ўрта асрлар қишлоқларидаги топилмалар, хум ва астадонга дафн этиш услублари, араб тарихчилари ва географларининг асарлари орқали маълум тасаввурларга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярми мобайнида Жанубий Суғднинг тоғолди ҳудудларида антик давр ёдгорликларини ўрганиш давомида олинган археологик, археологик-

<sup>1</sup> Хасанов М. Античные сельские поселения Южного Согда. Дисс... канд.ист.наук. – Самарканд. 1990. - С. 132-136.

топографик ва нумизматик маълумотлар Ўрта Осиё қадимги тарихининг энг қизиқарли давларидан бирида бу ҳудудда кечган тарихий — маданий жараёнлар ҳақида муҳим хулосалар чиқариш имконини беради. Барча материаллар мажмуи: диний ақидалар ва моддий маданият объектлари қиёфасининг ўхшашли, мустақкам чегаралар, воҳаларнинг марказлари бўлган ҳамда шаҳарлар ва йирик қишлоқлар билан боғлиқ пойтахт марказларнинг мавжудлиги, ўз пул бирлигининг борлиги — Шарқий Қашқадарё ўзига хос маданий вилоят кейинчалик эса алоҳида бирлашма — мулк бўлганлигидан далолат беради. Келгусида олиб бориладиган археологик тадқиқотлар бу вилоят тарихининг кўп қирраларини очилишига, Жанубий Суғднинг шарқий ҳудудларида мил. авв. IV асрнинг охири — милодий IV асрда бўлиб ўтган тарихий—маданий жараёнларни янада тўлиқроқ ўрганишга кенг имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

## ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғда ҳам урбанизацион жараёнларнинг кучайишига олиб келди.

Тарихий маълумотларга кўра, мазкур давр арафасида Ўрта Осиё ўзига хос сиёсий тарқоқликни бошдан кечириб, ўндан ортиқ майда давлатчаларга бўлиниб кетган эди<sup>1</sup>. Ёзма манбалар Суғда муайян мулкларнинг шаклланганлигини тасдиқлайди, жумладан, Хитой йилномаларида Суғд ҳудудида Кан, Шы, Ми, Хе, Нашебо, Ань каби кичик мулк (ҳокимлик)лар мавжудлиги ҳамда уларнинг бошқарувидаги маълум бир ўзига хосликлар тилга олинади<sup>2</sup>. Даставвал Эфталийлар сўнгра Турк

<sup>1</sup> Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам (IX-начала XIII в.в.). - Ташкент: Узбекистан, 1996. - С. 8.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. -Алма-аты: Ўлым, 1998. Ч.II. - С. 280-285, 291-298, 322-332.

хоқонлиги тобелигида бўлса-да, айрим ҳолларда бу каби мулкларнинг янги маъмурий марказлари вужудга келди. Бу эса бир бутун маданий воҳаларнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Албатта, бундай ҳолатга илк ўрта асрлар арафасидаги миграцион жараёнлар ҳам катта таъсир ўтказди. Жумладан, Марказий Осиёнинг дашт ҳудудлари (“Буюк чўл”)да экологик вазиятнинг оғирлашуви<sup>1</sup> ҳамда Ўрта Осиё ҳудудининг туркий сулолалар ҳукмронлиги таъсирига тортилиши натижасида милодий III-IV асрлардан бошлаб минтақа, жумладан, Суғд ҳудудига кўчманчи чорвадор қабилаларнинг кириб келиши кузатилади. Эфталийлар ва айниқса, Турк хоқонлиги даврида бу жараён янада кучаяди.

Археологик манбалар таҳлилига кўра, Суғд ҳудудига кириб келган кўчманчи чорвадорларнинг аксарият қисми оммавий тарзда ўтроқлашади. Бу ҳолат ўз навбатида, кўчманчи чорвадор қабилалар маданиятининг (бу маданият Қовунчи маданияти номи билан фанга киритилган<sup>2</sup>) бутун Суғд бўйлаб кенг ёйилишига сабаб бўлади. Бу маданиятнинг таъсири, энг аввало, хунармандчиликда, айниқса, кулолчиликда яққол кўзга ташланади. Маълум муддат ижтимоий ҳаётда кулолчилик маҳсулотлари - анъанавий нафис, хушбичим, хилма-хил бозоргир сопол идишлар ўрнини анча сифатсиз, дағал ва кўпол, сирти сайқалланмаган сопол идишлар эгаллайди. Идиш дасталарида, кулоқларида ва қозон туширғичларида ҳайвонлар рамзи акс эттирилади. Бу маданиятга хос археологик топилмаларда “қўй култи, айниқса, кўчқор сиймоси кенг кўламда тасвирланган”<sup>3</sup>.

IV-V асрларда Қовунчи маданияти Бухоро Суғдининг шимоли-ғарбий даштларида<sup>4</sup>, IV-VI асрларда Жанубий

<sup>1</sup> Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. - С. 111-112.

<sup>2</sup> Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). - Ташкент, 1940; Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК. -М.: Наука, 1950. Вып. XXXIII. - С. 151-169. и др.

<sup>3</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2007. - Б. 232.

<sup>4</sup> Ураков Б. Культура Бухарского оазиса второй половины I тыс. до н.э. и первой половины I тыс. н.э.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. - М., 1982. - С. 14-19.

Суғднинг кўҳна маркази - Нахшаб ва унинг атрофларида<sup>1</sup>, ҳатто Самарқанд Суғдининг марказий ҳудудларигача кенг ёйилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг оммавий ўтроқлашувига ўтлоқларнинг етишмаслиги, кўчманчилар жамиятидаги табақалашув ва бунинг натижасида камбағал, ночор аҳоли қатламининг ўсиши сабаб бўлган<sup>2</sup>. Кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлилига кўра, Суғда ўрнашган аҳоли орасида ўтроқ турмуш тарзига анча илгари ўтган қабилалар ҳам мавжуд бўлган<sup>3</sup>.

Аҳолининг ўтроқлашуви Суғда ва бутун Ўрта Осиёда янги деҳқончилик ерларини ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтиради. Бу эса V асраёқ минтақанинг сунъий суғориш имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига йирик унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига олиб келди. Янги воҳаларнинг ўзлаштирилиши ўз навбатида деҳқончилик маданияти ва урбанизацион жараёнларнинг ривожига замин яратди, зотан, "...илк ўрта асрлар урбанизацияси янги қурилган шаҳарчалар ва уларнинг атрофидаги қалъа-қўрғонлар ҳисобига ўсди"<sup>4</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижасида Суғд ҳудудида ўтроқлашув жараёнининг кучайиши туфайли аҳоли манзилгоҳларининг бир неча гуруҳлари — марказий шаҳарлар, муайян мулкнинг ижтимоий-иқтисодий марказлари (нисбатан кичик шаҳарлар)<sup>5</sup>, қишлоқ манзилгоҳлари, ҳимояланган

<sup>1</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в.до н.э.-VII в.н.э. - Самарқанд-Ташкент: Фан, 2000. - С. 181-188.

<sup>2</sup> Пардаев М.Х. Қадим ва Ўрта асрларда Уструшона // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон: Халқ. конф. мат. - Тошкент, 2007. - Б. 81-84.

<sup>3</sup> Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. - Санкт-Петербург: Изд-во С.-Петербур. уни-та, 2006. - С. 240.

<sup>4</sup> Пардаев М.Х. Қадим ва ўрта асрларда Уструшона // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон... - Б. 83.

<sup>5</sup> Адълов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований (IV в. до н.э.-VIII в.н.э.): Автореф.дисс.канд.ист.наук. - Самарқанд, 1987. - 21 с.; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в.до н.э.-VII в.н.э. - Самарқанд-Ташкент: Фан, 2000.-340 с. с илл.; Шахрисабз. Минг йиллар мероси / Альбом. - Тошкент: Шарқ, 2002. - 228 б. ва бошқ.



қалъа-қўрғонлар, кичик қалъа-қўрғонлар<sup>1</sup> ҳамда тоғ ёнбағри ҳимояланган<sup>2</sup>, шунингдек, мудофаа тизимига эга бўлмаган кичик қишлоқлар мавжуд бўлганлиги тадқиқ этилган. Ўрта Осиё шароитида бу каби ёдгорликлар асосан сув таъминоти қулай бўлган ҳудудларда, Суғд миқёсида Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари ҳамда уларнинг ирмоқлари, шунингдек, тоғ ёнбағри, яъни сой ва булоқ сувлари мўл ҳудудларда шаклланган. Суғднинг деярли марказий қисмида Карнобчўл дашти, шунингдек, Амударёга қадар ястанган Қизилқум саҳросининг ҳамда Қашқадарё чўлларининг мавжудлиги ҳам бу ёдгорликларнинг муайян бир деҳқончилик воҳаси тизимида таркиб топишида ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиёда аҳоли ўтроқлашувининг кучайиб бориши бевосита мазкур даврда Буюк Ипак йўли тармоқларидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига билан ҳам изоҳланади. Зотан, “Буюк Ипак йўлида туркий қабилалар ҳаракатининг фаоллашуви шаҳар маданияти ривожига муҳим ўрин эгаллади. Бу жараён эса Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида янги шаҳар марказлари тизимининг вужудга келишига замин яратди, савдо йўлларидаги ёки савдо-иқтисодий жиҳатдан уларга боғлиқ бўлган шаҳарларнинг (шунингдек, хунармандчилик ва савдо марказларининг) тезлик билан ривожланишини таъминлади”<sup>3</sup>. Фикримизча, ёғинли кунлар нисбатан камсонли бўлган

<sup>1</sup> Абдиримов Р. Раннесредневековые поселения Бухарского Согда (районирование, типология, периодизация): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1988. - 32 с.; Раимкулов А.А. Культура сельских поселений Нахшеба в эпоху раннего феодализма: Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1992. - 23 с.; Аскарлов К. Сельские поселения южных районов Самаркандского Согда в раннем средневековье (типология систем расселения): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Ташкент, 1995. - 25 с.; Лебедева Т.И. Сельская округа и ее роль в формировании раннесредневекового Самарканда (по материалам сельской округи Самарканда): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1994. - 34 с. ва бошқ.

<sup>2</sup> Якубов Ю. О типологии сельских поселений горного Согда V-VIII вв // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе, 1977. - С. 51-53.

<sup>3</sup> Бакина Н., Бурханова Д. Тюркская цивилизация: городская культура // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон: Халқ.конф.мат.1-қисм. - Тошкент, 2007. - Б. 24.

минтақа шароитида бундай ҳолат савдо қарвонларини бирламчи манба — сув билан таъминлаш эҳтиёжи туфайли шаклланган савдо-транзит йўллари, шунингдек, ҳунармандчилик соҳалари ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда қарвон ёки савдо-транзит алоқа йўлларида жойлашган марказий шаҳарлар ҳамда йирик савдо марказлари оралиғидаги масофани таҳлил этиш масалага янада ойдинлик киритади. Бу борада ўрта аср араб манбалари, аниқроғи араб географлари (IX-X асрлар) маълумотлари<sup>1</sup> муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Бу манбаларда Ўрта Осиё, хусусан, Суғднинг йирик шаҳарлари оралиғидаги масофа кунлик йўл ҳисобида ҳамда узунлик ўлчови бирлиги — фарсах (бир фарсах тахм. 6 - 8 км.га тенг)да<sup>2</sup> келтирилади.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Самарқанддан Кешгача бўлган масофа икки кунлик, Кеш ва Нахшаб оралиғи уч кунлик, Нахшабдан Бухорогача бўлган масофа тўрт кунлик йўлни ташкил этган, шунингдек, Кеш билан Нахшаб оралиғи қарийиб 11 фарсах<sup>3</sup>, Самарқанд билан Панжикент йўналишида жойлашган Жартепа ёдгорлиги оралиғи эса бир кунлик масофа (44 км.)дан<sup>4</sup> иборат бўлган. Бироқ тоғ ёнбағри ва довон орқали ўтадиган йўллар шароитида йўлнинг мураккаблиги туфайли бир кунлик масофа 10-22 км.ни ташкил этган<sup>5</sup>. Агар ушбу маълумотларни таҳлил этсак, мазкур даврдаги бир кунлик йўл масофаси текислик шароитида ўртача 22-44 км.ни, довон ва тоғ орқали эса 10-22 км.ни ташкил этганлиги намоён бўлади. Ушбу қонуниятга кўра, Суғдда вужудга келган янги

<sup>1</sup> Abu Is“hak al-Farisi al-Istakhri. *Viae regnorum*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum, 1967.

Abu-l-Kasim ibn Haukal an-Nasibi. *Opus geographicum*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2. Lugduni-Batavorum, 1967. ва бошқ.

<sup>2</sup> Лунина С. Древние города в долине Кашкадарьи. - Ташкент: Узбекистан, 1988. - С. 52.

<sup>3</sup> Лунина С. Древние города в долине Кашкадарьи.. - С. 9.

<sup>4</sup> Бердимуродов А. Храм на торговом пути из Самарканд в Пенджикент // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тездокл.межд.семинара ЮНЕСКО. - Ташкент: Фан, 1990. - С. 147.

<sup>5</sup> Аннаев Т., Рахманов Ш. Древние и средневековые пункты на торговом пути через южный Гиссар // Формирование и развитие трасс .. - С. 87.

хунармандчилик ва савдо марказлари бевосита савдо-транзит алоқаларининг жадал ривожини заминидан тез суръатлар билан ўсиб борганлиги ўз тасдиғини топади.

Мазкур даврда Самарқанд савдогарлар шаҳри сифатида манбаларда кўп маротаба тилга олинади<sup>1</sup>. Суғднинг мазкур даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий маркази сифатида айнан Самарқанд шаҳри Фарб ва Шарққа жўнатилган йирик савдо карвонларининг ташаббускори ҳам бўлган. Қолаверса, “Суй шу”нинг география бўлимида қайд этилишича, “..асосий карвон йўли ТяньШаннинг шимол томонидан ўтганлиги боис биринчи нуқта сифатида Турфон воҳасидаги Гаочан (шаҳри) олинган эди. Иккинчи асосий нуқта Кан, яъни Суғднинг бош ва энг бой кенти Самарқанд бўлган”<sup>2</sup>. Самарқанддан шарқий йўналишда Чоч ва Фарғона орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга, жанубий йўналишда Тоҳаристон ва Ҳинд воҳаларига, ғарбий йўналишда эса Эрон, шимолий йўналишда Кавказ ва Қора денгиз соҳиллари ўлкаларига борадиган савдо-транзит йўлларида йирик хунармандчилик ва савдо марказлари ривож топди.

Чочга кетувчи йўллар тизимида, Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида Самарқанд Суғдининг Кабуданжакет, Баркат, Хушфугн сингари мустақкам ҳимояланган йирик савдо марказлари мавжуд бўлган. Шубҳасиз, бу марказлар биринчи навбатда, тижорат жараёнларига тортилган бўлиб, аҳолининг асосий ҳўжалиги савдо-сотик ҳамда хунармандчилик, шунинг билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат бўлган. Шунингдек, воҳада бир қатор — Навкат, Иштихон, Вадор, Кушония каби йирик хунармандчилик марказлари ривож топган ва бу ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар қўшни ўлкалар маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Хунармандчилик маҳсулотларининг кенг миқёсда ишлаб чиқарилиши билан бир қаторда улар муайян деҳқончилик воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказ вазифасини ҳам бажарган. Қолаверса, “...деҳқончилик воҳаларининг даштликлар (Қатвон

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Алма-аты: Ылым, 1998. Ч.П. - С.281,322.

<sup>2</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou Kiue (Turcs) Occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. - СПб.,1903. VI. - P. 246.

дашти-А.А.) билан чегарада жойлашган бу манзиллари кўчманчилар билан олиб борилган савдо-сотикда ҳам муҳим ўрин тутган. Айнан ушбу марказлар орқали чорвачилик маҳсулотларининг каттагина қисми мамлакатнинг ичкари ҳудудларига кириб борган”<sup>1</sup>.

Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги ҳудудларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, савдо-транзит йўллар тизимининг “Шоҳ-роҳ” йўналишида Зермон, Рабинжон, Дабусия каби шаҳарлар тармоғи ривож топган бўлса, дарёнинг юқори оқимида Ривдод, Варагсар ҳамда илк ўрта асрлар даври меъморчилиги ва ҳунармандчилик соҳалари тараққиёти жиҳатидан Суғд цивилизациясининг намунали (эталон) ёдгорлиги<sup>2</sup> ҳисобланган Панжикент каби йирик марказлар ҳам юксалади. Бу каби марказлар ўрта асрларда вужудга келган Самарқанд Суғди рустоқларининг маъмурий марказлари сифатида йирик шаҳарларга айланган. Тадқиқотлар бу каби рустоқлар ўн иккита бўлганлиги, улардан олтитаси — Ёркет, Бурнамад, Бузмажен, Кабуданжакет, Вадор ва Марзбон — Зарафшон дарёси ўнг соҳили (шимоли)да, қолган олтитаси — Панжикент, Варагсар, Маймурғ, Санжарфигон, Дарғом ва Абгор эса дарёнинг сўл соҳили (жануби)да жойлашганлигини кўрсатади<sup>3</sup>. Археологик тадқиқотларга кўра, Самарқанд Суғдининг Зарафшон дарёси чап соҳилида мазкур даврга оид 179 та ёдгорлик<sup>4</sup> аниқланган.

Бухоро Суғдида ҳам мазкур даврда ёдгорликларнинг турли гуруҳи ривож топади. Тадқиқотлар аҳоли ўтроқлашуви ва урбанизацион жараёнлар тез суръатларда ривож топганлигини кўрсатади. Таҳлилларга кўра, бу жараённинг асосий марказлари айнан савдо-транзит йўлларида жойлашганлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур даврдаги Бухоро Суғдининг Бухоро, Пой-

<sup>1</sup> Ахунбабаев Х. Рустаки и селения Самаркандского Согда... - С. 19.

<sup>2</sup> Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии.. - С. 233.

<sup>3</sup> Ахунбабаев Х. Древний Кабуданджакет (к вопросу локализации генезиса и этапов развития раннефеодальных владений и средневековые рустакон Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. - Ташкент, 1990. - С. 26; Он же. Рустаки и селения Самаркандского Согда... - С. 16.

<sup>4</sup> Аскарлов К. Сельские поселения южных районов Самаркандского Согда в раннем средневековье (типология систем расселения): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Ташкент, 1995. - С. 10.

кенд, Кармина Тавовис, Фороб каби йирик хунармандчилик ва савдо марказлари халқаро савдо-транзит йўли тизимининг араб манбаларида “Шоҳ-роҳ” номини олган тармоғида юксалади. Шунингдек, маҳаллий ҳукмдорларнинг Варахша ва Ромитон каби қароргоҳлари ҳам ушбу даврдаги йирик хунармандчилик марказлари сифатида ривож топади. Бу каби марказлар ихтисослашган хунармандчилик соҳаларининг ривож топишига замин яратган бўлса, бутун воҳада шаклланган ёдгорликларда ҳам хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари кенг ёйилади. Хусусан, воҳада мазкур даврда вужудга келган ёки ҳаёт узвий давом этган 350 га яқин ёдгорликлар мавжудлиги археологик тадқиқотларга кўра аниқланган<sup>1</sup>.

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Суғд ҳудудида ҳам хунармандчилик соҳалари ривожининг кейинги тараққиётида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ёзма манбалар<sup>2</sup> ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар<sup>3</sup> Жанубий Суғдда икки иқтисодий ва маъмурий ҳудуд, яъни Қашқадарёнинг юқори оқимида, Зарафшон ва Ҳисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта оқими ҳавзасигача бўлган шарқий ҳудудда Кеш мулки ҳамда дарёнинг қуйи оқимига қадар чўзилган ҳавзада Нахшаб мулки шаклланганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Милодий III-IV асрларда воҳанинг ҳар иккала қисмида асосан, деҳқончилик учун қулай бўлган дарё ирмоқлари ҳамда булоқ соҳилларида ўтроқлашиш жараёни кучаяди. Тадқиқотларга кўра, фақатгина Кеш мулки ҳудудларида мазкур даврда умумий ҳисобда тахминан 4 минг гектарга яқин экин майдонлари ўзлаштирилади<sup>4</sup>. Сув ҳавзаларининг изчил ўзлаштириб

<sup>1</sup> Абдиримов Р. Раннесредневековые поселения Бухарского Согда (районирование, типология, периодизация): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1988. - С. 7.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... - С. 281.

<sup>3</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи (к проблеме становления и развития археологической школы в Узбекистане): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Ташкент, 2007. - 29 с.

<sup>4</sup> Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые города и поселения восточной части Южного Согда // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда. - Ташкент: Фан, 1986. - С. 38.

борилиши бир қатор деҳқончилик воҳалари ҳамда уларнинг негизда кичик мулкларнинг қарор топишига замин яратади. Жанубий Суғднинг шарқий қисмида шу каби деҳқончилик воҳаларидан бири Ғузордарё ҳавзасида қарор топади.

Ғузордарёнинг ҳар иккала соҳилида илк ўрта асрлар арафасида Хўжа Румас, Ялпоқтепа, Оқтепа, ва Хўжа Бузрук каби мустақкам ҳимояланган ҳунармандчилик марказлари шаклланади. Деҳқончилик ҳавзасининг маъмурий маркази ҳозирги Ғузор шаҳри ўрнида бўлиб<sup>1</sup>, кейинчалик кичик мулк сифатида ривож топади. Ғузордарё ҳавзасида деҳқончилик воҳасининг шаклланиши ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиб бориши халқаро савдо-транзит йўллари тармоғининг Тоҳаристонга элтувчи йўналишига боғлиқ тарзда савдо-сотик алоқаларининг кучайиши билан ҳам изоҳланади. Чунки Жанубий Суғднинг йирик марказлари Кеш ва Нахшабдан келувчи савдо йўллари айнан Ғузордарё ҳавзасида туташган ҳамда Темир Дарвоза орқали жанубий ўлкалар билан ўзаро боғланган. Темир Дарвоза орқали олиб борилган савдо-иқтисодий алоқалардаги сўнгги чегара пункти сифатида Субах ва Ялпоқтепа каби ёдгорликлар мустақкам ҳимоя деворларига эга бўлган. Вужудга келган янги деҳқончилик воҳалари негизда ўрта асрлар даврида Кешда 16 та рустоқ шаклланади<sup>2</sup>.

Жанубий Суғдда, шунингдек, Бухородан тўққиз кунлик масофада бўлган Амударё чап соҳилидаги Калиф ва Керки шаҳарларига элтувчи йўллар тизимида Касби ва Базда<sup>3</sup>, Искифағн, Кеш ва Нахшаб оралиғида Навкад-Қурайш, Олтинтепа каби ҳунармандчилик марказлари ҳамда кўплаб қишлоқлар ривож топади. Топилмалар ва ёдгорликларнинг тарихий-географик жойлашуви бўйича амалга оширилган тадқиқотлар бу ёдгорликлар асосий қисмининг иқтисодий ривожини биринчи навбатда деҳқончилик хўжалиги ташкил этганлигини тасдиқлайди. Деҳқончилик маданиятининг

<sup>1</sup> Нефедов Н. Динамика заселения долины реки Гузар-дарья в эпоху античности и раннего средневековья // Античная культура Средней Азии и Казахстана. - Ташкент, 1979. - С. 68.

<sup>2</sup> Abu-l-Kasim ibn Naukal an-Nasibi. Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2. - Lugduni-Batavorum, 1967. - P. 502; Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси... - Б. 27.

<sup>3</sup> Лунина С. Древние города ... - С. 52.

юксалиши ҳамда маданий ўлка атрофидаги чўл ва даштликларда истиқомат қилган чорвадор қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик алоқалари Суғдада хунармандчилик ишлаб чиқаришининг тўқимачилик соҳаси ривожига муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, чорвадор қабилалар деҳқончилик воҳалари тўқувчи хунармандларини доимий равишда жун, тери каби хом ашё билан таъминлаб келган бўлса<sup>1</sup>, катта майдонларда етиштирилган гўза<sup>2</sup> ҳамда тадқиқотчилар фикрига кўра<sup>3</sup>, милодий VI асрдан кенг йўлга қўйилган ипак хом ашёсини етиштириш тўқимачилик соҳасини пахта ва шойи каби муҳим хом ашё билан таъминлаш имконини берган эди.

Суғда урбанизация жараёни ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири — маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлган кончилик ишининг тараққий этишидир. XX асрнинг 20-30 йилларида кончилик тарихига доир ўрта аср манбаларини тўплаш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд тарихий даврларга оид топилмалар билан қиёсий таҳлил этиш асосидаги М.Е. Массон томонидан чиқарилган хулосалар<sup>4</sup> Ўрта Осиё, шу жумладан, Суғдада кончилик тарихини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотлар олиб борилишига замин яратди.

Археологик ҳамда геологик қидирув ишлари туфайли Суғд худудини ўраб турган Зарафшон, Ҳисор ва Нурота тоғларида қадимги даврлардан ўзлаштирилган кончилик излари мавжуд бўлганлиги аниқланган. Жумладан, XX асрнинг 50-йилларидаги геологик тадқиқотлар туфайли Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларида Карноб, Лапас, Чангалли<sup>5</sup>, 1961-1975 йилларда Нурота тоғининг

<sup>1</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. - М.: Наука, 1970. - С. 113-123.

<sup>2</sup> Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан. - Тошкент, 2005. — Б. 75.

<sup>3</sup> Иерусалимская А.А. К сложению школы художественного шелкоткачества в Согде // Средняя Азия и Иран. - Ленинград, 1972. - С. 5-57.

<sup>4</sup> Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана // Материалы ТПЭ. - Душанбе, 1934. Вып.20. - С. 21-54.; Ўша муаллиф. К истории добычи ртути в Средней Азии // «Народное хозяйство Средней Азии», 1930. №5; Ўша муаллиф. К истории горного дела на территории Узбекистана. - Ташкент, 1953.

<sup>5</sup> Литвинский Б.А. К истории добычи олова в Узбекистане // Труды САГУ. Новая серия. - Т., 950. Вып.11. - С. 14-19.

Суғд худуди қисмидаги<sup>1</sup>, 1963-1966 йилларда Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тизимида<sup>2</sup>ги, 80-йилларда Жанубий Қизилқум худудларида, унчалик катта бўлмаган тоғ-тепаликлар (Кулжуктоғ, Аумингзатов, Томдитов, Етимтоғ)дан<sup>3</sup> кончилиқнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври излари тадқиқ этилди.

Мустақиллик йилларида бу борадаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ҳамда Германия Археология институти, Бохум (Германия) Кончилик музейи, Германия Кончилик академияси Археометаллургия институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбек-Герман археологик экспедицияси<sup>4</sup>нинг 1997-1999 йилларда олиб борган тадқиқотлари кончилик тарихи тўғрисида муҳим маълумотлар олиш имконини берди. Жумладан, Карноб чўли худудидаги қадимги мис конлари ҳамда рудани эритувчи қурилма ва қозоннинг ҳамда руда эритиш билан боғлиқ меҳнат қуролининг топилиши<sup>5</sup> Суғдда мазкур даврда тайёрланган хунарамандчилик маҳсулотлари айнан маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлганлигини кўрсатади.

Мазкур даврдаги энг йирик кон мажмуалари Жанубий Суғдда, Ҳисор тоғи руда маконларида ўзлаштирилади. Жумладан, Чўянли, Сулуқўл, Оқсув тоғ-кон мажмуаларида, Калтақўл атрофидаги, қолаверса, тоғ ёнбағридан оқиб тушувчи сойлар қирғоқларида жойлашган кон қазилмалари жойларида олиб борилган геологик-археологик изланишлар туфайли қўлга киритилган ашёлар уларнинг аксар қисми илк ўрта асрлар даврида бу конлардан руда қазиб олинганлиги<sup>6</sup>ни исботлайди.

<sup>1</sup> Пругер Е.Б., Дресвянская Г.Я. Средневековый горный промысел Нуратау // История и археология Средней Азии. - Ашхабад, 1978. - С. 213.

<sup>2</sup> Пругер Е.Б. Горный промысел Южного Согда-Кеша... - С. 3.

<sup>3</sup> Баскаков Ю.Ф., Абрамов Ю.Р., Пругер Е.Б. Древние медно-шлаковые плавильни в Кизилькумах // Узбекский геологический журнал. - Ташкент, 1974. №4. - С. 76-77.

<sup>4</sup> Бураков Ю.Ф. История производства цветных металлов в Узбекистане в древности и средневековье // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи: ўтмиши ва бугуни... - С. 12.

<sup>5</sup> Холмўминов У.Р. Ўрта Осиёнинг тоғ-кон металлургияси тарихи / Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи... - Б. 24-25.

<sup>6</sup> Пругер У. Горный промысел Южного Согда-Кеша... - С. 6.



Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Кеш тоғларида қазиб олинган хом ашё бирламчи ишлов берилган хом ашё (полуфабрикат) сифатида Суғднинг кўпгина металлсозлик хунармандчилиги марказларига, шунингдек, Панжикентга ҳам етказиб берилган<sup>1</sup>.

Суғд худудида қадимги даврлардан шаклланган кончилик Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг жадаллик билан ривож топди. Зеро, ёзма манбаларга кўра, “Туркутлар умумий тарих саҳнасида дастлаб темир ишлаб чиқариш касби билан кириб келдилар.., улар (туркутлар) Марказий Осиёда темирни саноат даражасида қазиб олувчи дастлабки халқ сифатида жаҳон тарихи саҳнасида пайдо бўлди. Шу боис, кўчманчилар ҳарбий тadbирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуролларни олиб турадиган Хитой ва Тибетга нисбатан мустақиллик мавқеига эга бўлдилар”<sup>2</sup>. Туркийларнинг қадимги макони Олтой худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди<sup>3</sup>.

Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги даврида Суғддаги кончилик ва металлсозлик хўжалиги аҳволи хусусидаги маълумотларни Земарх бошчилигидаги ҳоқонликка ташриф буюрган Византия элчилиги тўғрисидаги Менандр хабарларида учратиш мумкин. Жумладан, элчилик ҳақида тўхталиб, Менандр куйидагиларни келтириб ўтади: “...Тез орада улар (элчилар) Суғдлар мамлакатига етиб келдилар... Шу ерда (баъзи) турклар Земархга улардан темир сотиб олишларини таклиф қилдилар; менимча, улар бу ишни мамлакатларида темир конлари борлигини кўрсатиш мақсадида амалга оширдилар, (чунки) баъзи ҳолларда (уларнинг) мамлакатида темир (қазиб) олиш қийинлиги ҳақида гаплар юрарди. Шунини айтиш мумкинки, бу орқали улар римликларга ўзларининг ерида ушбу маъдан ишлаб чиқарилишини билдирмоқчи бўлганлар”<sup>4</sup>. Кончилик тарихига доир Хитой йилномаларида Суғддан қазиб олинган ва

<sup>1</sup> Ўша асар. - С. 9.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений.. - С.172; Гумилев Л. Қадимги турклар... - С. 74-75.

<sup>3</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... - С. 74-75.

<sup>4</sup> Равшанов П. Кашкадарё тарихи. - Тошкент, 1995. - Б. 197; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб... - С. 181.

империяга келтирилган олгин (хунармандчилик маҳсулотлари-А.А.), сердолик ва яшма тошлари, латун (мис ва қалай қотишмаси) ҳақидаги маълумотлар келтирилади<sup>1</sup>.

Манбалар, шунингдек, Суғддаги меъморчилик ҳамда кулолчилик хунармандчилиги учун зарур бўлган бошқа конлар хусусида ҳам маълумот беради. Жумладан, Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра, "...Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тоғидан шаҳар қурилиши учун тош, кулолчилик, "нура" мойи ва шиша буюмлар учун гил тупроқ қазиб олинган. Менга маълум бўлишича, унинг таркибида кумуш ва олгин ҳам бўлиб, фақат уни қайта ишлаб олиш мумкин эмас"<sup>2</sup>. Араб муаллифи томонидан келтирилган Конибил ҳудуди Самарқанд шаҳрининг жануби-шарқида, Чўпонота тепалиги этагидаги гил кони бўлиб, у ердан милоннинг бошларидан эътиборан гил тупроқ, оққум, соз тупроқ, қизил кесак, сариқ тупроқ ва кулолчиликда ишлатиладиган бошқа хил ашёлар<sup>3</sup> қазиб олинган. Бу хом ашёларнинг сифати юқорилиги ўша давр кўпгина манбаларида тилга олинган<sup>4</sup>. Бу кондан олинган хом ашё шаҳар ва унинг атрофларидаги кулолчиликда кенг ишлатилган.

Бундай хом ашё манбалари Суғднинг бошқа ҳудудларида ҳам аниқланган. Хусусан, Жанубий Суғднинг йирик сув манбалари — Қашқадраё ва Оқсув бўйларида ҳам юқори сифатли хом ашёлар мавжудлиги ҳамда ушбу хом ашё негизида мазкур даврда йирик марказларда кулоллар маҳалласи ривож топганлиги<sup>5</sup> тадқиқ этилган. Бу ҳудудлар меъморчилик хунармандчилиги учун зарур бўлган (гипс, алебастр ва ҳ.к.) хом

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... - Т.2. - С. 281; Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. - М.: ГРВЛ, 1981. - С. 293-344.

<sup>2</sup> Беггер Е.К. Извлечение из книги "Пути истраны" Абу-л-Касым ибн Хаукаля // Труды САГУ. -Ташкент, 1957. Вып.СХІ. - С. 13-37.

<sup>3</sup> Отахўжаев А. Абу-л-Қосим ибн Хавқал Ўрта Осиё вилоятлари конлари ва қазилма бойликлари ҳақида // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи... - Б. 74.

<sup>4</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. - М.: Наука, 1963. - С. 25-26.

<sup>5</sup> Лунина С., Усманова З. Ремесло и культура Южного Согда в раннем средневековье // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда... - С. 57.

ашёлар етказиб берувчи маконлар сифатида<sup>1</sup> ҳам муҳим бўлган.

Суғднинг иқтисодиётида катта ўрин тутган Кешнинг машҳур қизил тузи Шарқий ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонган. Ҳатто Тохирий Абдуллоҳ ибн Тоҳир хазинасига тушадиган даромадлар орасида айнан Кеш тузларидан келадиган маблағ катта аҳамиятга эга бўлган<sup>2</sup>. Олиб борилган тадқиқотларга қўра, Кеш тузи конлари Ҳисор тоғи тизмасининг жануби-ғарбий ҳудудларида аниқланган, конлар яқинида туз омборхонаси, шунингдек, қазилма жойларидан қарийб 1 км узоқликда илк ўрта асрлардан бошлаб гавжумлашган кончиларнинг Дунётепа қишлоғи қолдиқлари тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Шунингдек, Оқсув конлар мажмуида заргарлик ҳунармандчилигида муҳим бўлган симоб конлари излари ҳам мавжудлиги аниқланган бўлиб, у асосан Ширдоғ кон ҳудудидан қазиб олинган<sup>4</sup>. Умуман олганда, кончилик мазкур даврда Суғднинг барча фойдали қазилмалари мавжуд ҳудудларда кенг ривож топди ҳамда ҳунармандчилик марказларининг тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қадимги даврлардан шаклланган бу хўжаликнинг тараққиёти ҳамда туркий қабилаларнинг соҳадаги тажрибалари ҳам бу жараёнда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида тилга олинган маълумотлар таҳлили ва билдирилган фикрлар қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради. Биринчидан, илк ўрта асрлар арафасида Марказий Осиёда содир бўлган табиий жараёнлар туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият Ўрта Осиёда йирик тарихий-демографик ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу эса кўчманчи аҳоли тоифаларининг ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёнини тезлаштирди. Бу жараён узоқ давр, яъни милодий IV аср ўрталаридан VII аср биринчи ярмига қадар давом этди. Қулай табиий-географик ўринни ишғол этганлиги сабабли Суғд ҳудудида бу жараён кенг тус олди. Натижада деҳқончилик учун қулай бўлган Зарафшон ва Қашқадарё, шунингдек, тоғ ёнбағри сув ҳавзалари аҳоли томонидан тез сурьатларда ўзлаштириб борилди.

<sup>1</sup> Пругер У. Горный промысел Южного Согда-Кеша... - С. 6.

<sup>2</sup> Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана... - С. 16.

<sup>3</sup> Пругер У. Горный промысел... - С. 7-15.

<sup>4</sup> Пругер У. Горный промысел... - С. 6.

Суғд ҳудудида турли ёдгорликларнинг вужудга келиши ҳамда кенгайиб бориши ҳунармандчилик соҳаларининг кенг ёйилиши ва ишлаб чиқариш марказларининг ривож топиб боришига замин яратди. Хусусан, марказий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб оралиғида, шунингдек, Амударё кечувларида жойлашган Фороб, Карки, Калифга қадар ҳамда Уструшона чегараларидан Темир Дарвозагача бўлган ҳудуларда илк ўрта аср ҳунармандчилик ва савдо марказлари, кўргон ва қишлоқ манзиллари тармоғи шаклланади. Ҳунармандчилик соҳалари ривожидида муҳим ҳисобланган янги ерлар ўзлаштирилиши омилларини ўз навбатида икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Биринчиси, ёдгорликларнинг Суғд ҳудудидан ўтган савдо-транзит йўллари билан узвий боғлиқ равишда шаклланган тизими. Иккинчиси, савдо-транзит йўллари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлмаган ёдгорликлар тизими.

Иккинчидан, Суғд ҳудудида ишлаб чиқариш хўжалиги тараққиётида муҳим бўлган фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ўзлаштиришда катта тажрибанинг тўпланганлиги ҳунармандчилик ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Турк ҳоқонлиги даврида кончиликда эришилган ютуқлар металлга ишлов бериш (металлсозлик) ҳунармандчилигининг юксалиб боришига замин яратди. Дехқончилик ва кончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўз-ўзидан кейинги уч тармоқ: ҳунармандчилик, меъморчилик ва савдо-сотик равнақи учун катта тurtки бўлди.

Учинчидан, халқаро савдо-транзит йўли тармоқлари орқали олиб борилган ўзаро савдо алоқаларида Суғд савдогарларининг фаол ишгироки маҳаллий ҳунармандчилик соҳаларини қўшни ва олис мамлакатларда эришилган янги ютуқлар, услуб ва усуллар билан бойитиб бориш ҳамда янги соҳаларнинг вужудга келишини таъминлади.

Урбанизация жараёнининг юксалиши ҳунармандчилик соҳаларининг юксалишига ҳамда савдо-транзит йўллари бўйлаб савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб боришига замин яратди. Ҳунармандчилик соҳалари ҳамда савдо-сотик алоқалари ривожини тадқиқ этишда мазкур даврда Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тури ва таснифини аниқлаш

хунармандчилик тараққиёти билан бир вақтда Суғднинг маданий юксалиши, жамият ҳаётидаги туб ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши ҳамда давлатчилик асосларини, шунингдек, турли ўлкалар маданияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик каби масалаларни ўрганиш имконини беради.

Савдо-сотик - қадимдан жамият тараққиётини, унинг иқтисодий таянчини ҳамда маданий ривожини белгиловчи хўжалик тури сифатида шаклланиб келган. Тарихий манбаларга эътибор берсак, Қадимги Шарқда милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи чорагидаёқ савдо-сотик жараёнига доир меъёрий қоидалар шаклланганлигини кузатамиз. Жумладан, Хаммурапи қонунларида савдо ишлари маълум бир қоидалар асосида тартибга солинган. Қонунлар мажмуасининг 100-бобида йирик савдогар — Тамкар ва унинг савдо ишларини амалга оширувчи — Шамаллум ўртасидаги муносабатлар қуйидагича белгиланган: “Тамкар Шамаллумни маҳсулот билан таъминлайди, Шамаллум уни сотади. Бунда бутун фойда Тамкарга келади, Шамаллум меҳнат кунига ҳақ олади”<sup>1</sup>. Шунингдек, савдо ишлари доимий давлат эътиборида бўлиб, вужудга келган жиддий можаролар олий худо — Шамаш ибодатхонасида ҳал этилган<sup>2</sup>. Демак, савдо-сотик жамиятнинг муҳим иқтисодий таянчларидан бири бўлиб, қадимги даврлардан бошлаб алоҳида хўжалик тури сифатида ривожланган. Бу жараён минтақамизда мил. авв. I минг йиллик ўрталарида бошланиб, кейинги тарихий даврларда ривожланиб борди. Ўрта асрларга келиб савдогарлар, асосан, икки тоифага: ташқи савдо билан шуғулланувчи ва ички, маҳаллий доирада савдо қилувчи савдогарларга бўлинганлигини<sup>3</sup> кузатиш мумкин.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг узвий қисми бўлган Ўрта Осиё жамияти ҳаётида ҳам савдо-сотик муҳим хўжалик тури ҳисобланган. Савдо-сотик жараёнларини қонуний йўлга

<sup>1</sup> Законы Вавилонского царя Хаммурапи. §-99 // Хрестоматия по истории Древнего Востока. - М., 1980. Ч.1.

<sup>2</sup> Якобсон В.А. Регулирование международной торговли по законам Хаммурапи // Древний Восток и мировая культура. - М., 1985. - С. 53-54.

<sup>3</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. - Ташкент, 2005. - 231 с.

солиш ва муҳофаза қилишга доир тўғридан – тўғри манбалар мавжуд бўлмаса-да, жамиятнинг осойишталиги ва давлатнинг мустақамлиги омили сифатида ҳукмрон табақа томонидан доимий равишда уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “Авесто” матнларида савдогарлар деҳқонлар билан биргаликда алоҳида тоифа (табақа)ни ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан истиқомат қилиб келган аҳоли тижоратда моҳир савдогар сифатида манбаларда тилга олинади.

Кейинчалик Буюк Ипак йўли тармоқларида олиб борилган маданий алоқаларда улар муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан, “Хитой билан Ғарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, хуннлар, суғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евроосиё шимолий савдо йўли – яйловлараро ўтган йўлни илк бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар мил. авв. V асрдан бошлаб то X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида ипак йўли орқали амалга оширилган алоқаларни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ҳисса қўшганлар”<sup>1</sup>. Шу тариқа, қуруқликдаги савдо-транзит йўллари чорраҳасида жойлашган Суғд аҳолиси савдо ишларини мукамал эгаллаган халқ сифатида тарих саҳнасига чиқди. Хусусан, Хитой йилномаларига кўра, “...хушмуомала бўлиб улғайиши ҳамда пулни маҳкам сақлаши учун у (Кан) ерда туғилган боланинг тилига асал, қўлига эса елим суртишар эди”<sup>2</sup>.

Суғдийларнинг трансминтақавий савдо алоқаларидаги тарихий фаолияти нафақат маҳаллий, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам муҳим тадқиқотларига асос бўлди. Бу тадқиқотларга 1904 йилда инглиз олими А.Стейн томонидан Дунхуан (Хитой) шаҳри яқинидан топилган ҳамда 1928-1932 йилларда илмий муомалага киритилган суғдча ёзувдаги тарихий ҳужжатлар<sup>3</sup> туртки берди. Жумладан, америкалик хитойшунос Э.Шефер манбаларни таҳлил этиш асосида узоқ давр,

<sup>1</sup> Сичоу чжилу моуыйиши (Ипак йўлидаги савдо тарихи). - Ланчжоу, 1997; Багафсил қаранг: Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... - Б. 167-168.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... Ч. II. - С. 323.

<sup>3</sup> Исҳоқов М.М. Суғд тилида ёзилган ноёб ҳужжатлар // Археологлар ҳикоя қиладилар. - Тошкент: Фан, 1974. - Б. 31-39.

шунингдек, илк ўрта асрларда ҳам карвон савдоси йўлларида тужжорларнинг халқаро сўзлашув тили суғдий бўлган, деган хулосага келди<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда бу борада тадқиқотлар олиб борган француз тадқиқотчиси Этъен де ла Васъернинг “Суғдийларнинг савдо тарихи” номли фундаментал тадқиқоти юзага келди<sup>2</sup>. Шу ўринда суғдийларнинг кенг миқёсли савдо-сотик фаолиятлари ривожининг ўзига хос омилларини тадқиқ этиш ҳам масалани теранроқ ёритишда муҳим ҳисобланади.

Суғдийларнинг халқаро савдо-сотик жараёнларидаги фаолиятлари анча қадимги даврларга бориб тақалади. Бу фаолият асосан шарқий йўналишда бўлиб, аввало, Суғдийлар Сирдарё ҳавзаси ўрта оқимларини “ўзлаштирадилар”. Савдо манфаатлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, суғдийлар мил. авв. IV асрга келиб Хитойга элтувчи асосий йўл — Хэши йўлагига ўз манзилгоҳларига асос солидилар. Шу ўринда Л.Р. Қызласовнинг шарққа фаолиятларини кенгайтирган суғдийлар Суғддан эмас, балки V-VIII асрларда Суғд маданий таъсири остида ривожланган Чоч худудидан чиққанлиги тўғрисидаги фарази<sup>3</sup> диққатга сазовордир.

Милодий IV асрга келиб, Хэши йўлагига яшовчи суғдийларнинг сони анча кўпаяди. Бу ҳолат Хитойнинг ички худудларида ҳам суғд масканларининг вужудга келишига замин яратган. Шунингдек, шу даврдан эътиборан Хитойнинг Чанъан, Ланчжоу ва бир қанча марказий шаҳарларида ҳам суғд тужжорларининг маҳаллалари пайдо бўла бошлайди. Биргина Дунхуан шаҳрида шу даврда мингта яқин суғдий истиқомат қилган<sup>4</sup>. Шимолий Вэй сулоласи ҳукмронлигидаги ўзаро урушлар натижасида Ланчжоу шаҳрининг император Тай У-ди томонидан босиб олинishi даврида (439й.) кўпгина суғдийлар асир олинади. Улар фақатгина V асрнинг 50-йилларига келиб Суғд ҳукмдорининг элчилари томонидан гаров

<sup>1</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. - М.: ГРВЛ, 1981. - С. 117.

<sup>2</sup> Etienne de la Vaissiere. Histoire des marchands sogdies. - Paris, College de France Institute des hautes etudes Chinoises, 2004. Vol. XXXII. - 380 p.

<sup>3</sup> Қызласов Л.Р. Городская цивилизация Средней и Северной Азии. - М., 2006. - С. 340.

<sup>4</sup> Enoki K. Sogdiana and Hsuing // Central Asiatic Journal. - 1956. VI. - P. 44.

эвасига қутқариб олинади<sup>1</sup>. Айнан шу даврдан суғдийлар шимоли-шарқий йўналишида ҳаракат қилиб, V аср бошларида Амур бўйи ҳудудларига қадар кириб борадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, суғдийлар бу ҳудудларга сувсар йўли орқали кириб келганлар. Сувсар йўли Еттисув ҳудудидан бошланиб, Жанубий Сибир ва Мўғулистон ҳудудлари орқали ўтган, сўнгра сув йўли орқали, яъни Онон - Шилка — Амур дарёлари ёки Керулен дарёси — Далай нор кўли — Амур дарёси йўналишида давом этган. Амур дарёсининг Сунгари ва Уссури каби серсув ирмоқлари орқали улар Амурбўйи ва Денгизбўйи ҳудудларига қадар кириб бориш имконига эга бўладилар<sup>2</sup>. Савдо алоқаларининг кенгайиб бориши натижасида Муданцзян ва Сунгари дарёлари ўзаро тутшиб кетувчи жойда, ҳозирги Илани ҳудудида, Хитой манбаларида “Угочэн”<sup>3</sup> номи остида тилга олинган суғдийларнинг савдо қароргоҳи ташкил топади. Угочэнликлар шимолдаги қабилалар билан ҳам фаол савдо-сотик қилганлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Угочэн” атамаси Хитой тилида “бешта мулклик”, “бешта шаҳар” маъноларини англатган ва бу атама суғдийларнинг шаҳарларидан бири Панжикент номи билан алоқадор бўлган<sup>4</sup>.

Жанубий йўналишида суғдийлар Ҳинд воҳасига қадар кириб борадилар. Милодий I асрга келиб суғдийларнинг бу минтақадаги фаолияти ҳам кучаяди. Бу борада уларнинг савдо-сотик амалиётига оид суғдий ёзувлари муҳим тарихий манба ҳисобланади. Жумладан, XX асрнинг 80-йилларида Шимолий Ҳиндистон ҳамда Покистоннинг тоғли ҳудудларида (Қорақурум водийси) олиб борилган тадқиқотлар давомида Олмон-Покистон экспедицияси томонидан ўн минглаб қоятош суратлари ҳамда 1,5 мингдан ортиқ жами 17 тилда

<sup>1</sup> Maenchen-Helfen O. Huns and Hsuing nu // Byzantion. Vol.XVII.- 1944-1945. - P. 266.

<sup>2</sup> Шавкунов Э.В. Великий Шелковый путь и соболя дорога согдийцев // Формирование и развитие трасс Великого Шелкогвого пути в Центральной Азии в древности и средневековье... - С. 73-74.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... Т.1. - С. 52.

<sup>4</sup> Шавкунов Э.В. Согдийско-иранские элементы в культуре бохайцев и чжурженей // Проблемы древней истории Сибири. - Новосибирск, 1985. -С. 76-80.



битилган ёзув намуналари аниқланган<sup>1</sup>. Бу ёзувлар устида амалга оширилган изланишлар уларнинг 250 дан ортиғи суғдча ёзувлар эканлигини тасдиқлади. Бу ёзувларда Суғдлик савдогарларнинг исмлари, шунингдек, уларнинг Кеш ва Маймурғ каби Суғднинг таркибий қисмларидан эканлиги тўғрисида маълумотлар сақланган<sup>2</sup>. Қорақурум ҳудудидаги Шатиал ва Чилос каби савдо-транзит йўлларидаги бу суғдий ёзувлар Суғд савдо аҳлининг бу ҳудудларда милоднинг I асридаёқ ўз савдо пунктларига эга бўлганлигини тасдиқлайди.

Суғдийларнинг халқаро савдо-сотиқ жараёнидаги фаол хатти-ҳаракатлари илк ўрта асрлар даврига келиб сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Айниқса, Суғднинг Турк ҳоқонлиги таркибига киритилиши ҳамда хоқонлик билан муштарак манфаатлар<sup>3</sup> уларнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнларидаги кенг миқёсли фаолиятига замин яратди. Бу муштарак манфаатлар, энг аввало, шойи газламалар савдосида яққол кўзга ташланади, Чунки хоқонлик томонидан бунгача Шимолий Хитой давлати тобе этилган бўлиб, Вэй Чжоу империяси саройига ҳар йили ўлпон тарзида 100 минг парча шойи газлама тўлаш мажбурияти юклатилган эди<sup>4</sup>. 100 минг парча ўз даври учун қанчалик катта ҳажм эканлиги табиий бўлса, бу “ўлпон”ни Фарбга олиб бориб сотиш ва соҳада доимий ётақчилик қилиш суғдий савдогарлар учун катта даромад манбаи эди.

Хоқонлик ҳомийлигида Шарқий Туркистон ва Хитойга қўшни ўлкаларда кўплаб суғдий масканлар қарор топди. Шундай масканлар 627 – 649 йилларда Лобнор қўли ҳавзасида<sup>5</sup>,

<sup>1</sup> Zwischen Gandhara und des Seidenstraben. Felsbilder am Karakorum Higway. Entdeckungen deutsch-pakistanischer expeditionen 1979-1984. Mainz am Rhein, 1985.

<sup>2</sup> Бурыков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). - Ташкент, 2000. - С. 161-162.

<sup>3</sup> Отахўжаев А. Турк-суғд карвон йўллари – сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик // Великий Шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее. - Ташкент, 2006. - Б. 146.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... Т.1. - С. 233.

<sup>5</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники. - М., 1964. - С. 99.

Хами воҳаси — ички Мўғулистон ҳудудларида<sup>1</sup> вужудга келди. Бу ҳудудларда суғд масканларининг қарор топиши хоқонликнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида деҳқончиликнинг юксалиши ҳамда савдо-сотикнинг ривожланишига, маданий ҳаётнинг жонланишига олиб келди. VIII асрга келиб, Хитой пойтахти Чанъанда ҳам истиқомат қиляётган суғдийлар миқдори анчагина кўпайиб, улар ўз жамоаларини ташкил этдилар<sup>2</sup>. “Эски хатлар” мазмунига кўра, Суғд билан суғдий масканлар орасидаги алоқа мунтазам давом этган ва ҳеч қачон узоқ муддатга узилиб қолмаган<sup>3</sup>.

Хоқонлик ҳомийлигида суғдийларнинг милодий I асрда Ҳинд воҳасида вужудга келган савдо пунктлари йирик марказларга айланди, суғдийлар Ҳинд воҳаси аҳолиси, қолаверса, шимолий йўналишда Шимолий Кавказ ва Қора денгиз бўйи халқлари билан олиб борилган савдо-сотик жараёнларида ҳам фаол иштирок этдилар. Бу йўналишда ҳам суғдийларнинг бир неча масканлари вужудга келди<sup>4</sup>. Демак, илк ўрта асрлар давомида суғд савдо аҳлининг кенг халқаро миқёсли савдо-сотик алоқаларини олиб боришлари учун қулайликлар юзага келди. Кўшни ўлкалар ҳамда олис ҳудудларда Суғд маданияти кенг ёйилди. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларига суғд цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар, бу ерларда ўз цивилизацияларини яратганлар”.<sup>5</sup> Фикримизча, Суғд ҳунармандчилигининг тараққий топиши ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди.

<sup>1</sup> Pulleyblank E.G. Sogdian colony in Inner Mongolia // *Toung pao*. V.41.-1952.- P. 350.

<sup>2</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // *Известия Национальной Академии Наук Республики Казахстан*. - Алматы, 2009. №1. - С. 105-147.

<sup>3</sup> Розенберг Ф. Согдийские старые письма. К ранней истории согдийских колоний Центральной Азии // *Известия общественных наук*. - М., 1932. №5. - С. 455.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сугдак // *Сочинение*. - М., 1965. Т. III. - С. 489-490.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути // *Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугтан ўрни: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари*. - Тошкент-Самарканд, 2007. - Б. 109-112.

Суғдийларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида изчил тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада бугунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, уларни умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади. Ёзма маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари мазкур даврда мунтазам равишда Суғд ҳудудларидан совғасалом сифатида юксак ҳунармандчилик буюмлари келтириб турилганлиги хусусида маълумотлар келтирилади<sup>1</sup>. IX—X асрларда яшаб ўтган араб географлари асарларида ҳам Суғд ҳудудида илк ўрта асрлардан сифатли маҳсулотлар тайёрланганлигини, бу маҳсулотлар қўшни ўлкаларда ҳам юксак қадрланганлиги қайд этиб ўтилади<sup>2</sup>. Бироқ ёзма манбалардаги маълумотлар қисқа ёки чекланган бўлиб, улардан керакли маълумотларни тўлиқ ололмаймиз. Бу борада археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар ва улар устида амалга оширилган изланишлар хулосалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу йўналишдаги дастлабки изланишлардан бири Г.Пугаченкованинг кичик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотчи ўз мақоласида Суғднинг Хитой билан алоқалари доирасида ўлкага олиб келинган ва чиқарилган айрим ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга юборилган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар билан бирга олгиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна ва ибодатхона ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз навбатида, Ўрта Осиё ҳудудидан Хитойга “самовий отлар”, биллур (хрустал) идишлар, ақиқ рангли шиша, Самарқанд ва Хутталон парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун газламалари каби ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений..Т.II. - С. 281,298,322.

<sup>2</sup> Abu-l-Kasim ibn Haukal an-Nasibi. Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2.Lugduni-Bataavorum, 1967; Abu Is“hak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1.Lugduni-Bataavorum, 1967.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А. Привозные художественные изделия на Среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути // Формирование и развитие трасс... - С. 178-179.

Хами воҳаси — ички Мўғулистон ҳудудларида<sup>1</sup> вужудга келди. Бу ҳудудларда суғд масканларининг қарор топиши Шимолликнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида деҳқончиликнинг юксалиши ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишига, шу ҳаётнинг жонланишига олиб келди. VIII асрга келиб, Хитой пойтахти Чанъанда ҳам истиқомат қиляётган суғдийларнинг дори анчагина кўпайиб, улар ўз жамоаларини ташкил қилиб “Эски хатлар” мазмунига кўра, Суғд билан суғдий масканлари орасидаги алоқа мунтазам давом этган ва ҳеч қачон қатъий муддатга узилиб қолмаган<sup>3</sup>.

Хоқонлик ҳомийлигида суғдийларнинг миллдий Ҳинд Ҳинд воҳасида вужудга келган савдо пунктлари йўналиш марказларга айланди, суғдийлар Ҳинд воҳасида алоқа қолаверса, шимолий йўналишда Шимолий Кавказ ва Каспий денгиз бўйи халқлари билан олиб борилган савдо-сотиқ жараёнларида ҳам фаол иштирок этдилар. Бу йўналишда суғдийларнинг бир неча масканлари вужудга келди<sup>4</sup>. Деярли илк ўрта асрлар давомида суғд савдо аҳлининг кенг қамқолимиқёсли савдо-сотиқ алоқаларини олиб боришлари қулайликлар юзага келди. Кўпни ўлкалар ҳамда олиб боришлари оралиқларда Суғд маданияти кенг ёйилди. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларида цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини қўлига олиб келганлар, бу ерларда ўз цивилизацияларини яратди. Шунинг учун Фикримизча, Суғд хунармандчилигининг тараққий этиши ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди.

<sup>1</sup> Pulleyblank E.G. Sogdian colony in Inner Mongolia // *Тошкент* V.41.-1952.- Р. 350.

<sup>2</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и тюркешский каганаты: Территория и этнос // *Известия Национальной Академии Наук Республики Казахстан*. - Алматы, 2009. №1. - С. 103-147.

<sup>3</sup> Розенберг Ф. Согдийские старые письма. К ранней истории согдийских колоний Центральной Азии // *Известия обществ. наук*. - М., 1932. №5. - С. 455.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сугдак // *Сочинение*. - М., 1965. Т. III. - С. 482-483.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тунув ва ўзгариш. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент-Самарканд, 2007. - Б. 109-112.

Ўрғайларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари билан боғлиқ келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу тадқиқотларнинг кунга қадар муайян ишлар амалга оширилганлигини, уларнинг умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади. Ўз маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари билан боғлиқ мунгазам равишда Суғд ҳудудларидан совғаларнинг сифатида юксак ҳунармандчилик буюмлари келтириб чиқилишини хусусида маълумотлар келтирилади<sup>1</sup>. IX – X асрларда янги ўтган араб географлари асарларида ҳам Суғд ҳудудларида ўрта асрлардан сифатли маҳсулотлар тайёрланганлиги таъкидланади. Бу маҳсулотлар кўшни ўлкаларда ҳам юксак қадрланганлигини кўрсатиб ўтилади<sup>2</sup>. Бироқ Ўзма манбалардаги маълумотларнинг кўпчилиги ёки чекланган бўлиб, улардан керакли маълумотларни тулиқ ололмаймиз. Бу борада археологик тадқиқотлар билан боғлиқ қўлга киритилган маҳсулотлар ва улар устида амалга оширилган изланишлар ҳулосалари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу йўналишдаги дастлабки изланишлардан бири Петровникованинг кичик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотчи Петровникова Суғднинг Хитой билан алоқалари доирасида тадқиқотлар олиб келинган ва чиқарилган айрим ҳунармандчилик буюмлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга келтирилган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар билан бирга олгиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна билан боғлиқ ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз қўли билан, Ўрта Осиё ҳудудидан Хитойга “самовий отлар”, қўшқор (хрустал) идишлар, ақиқ рангли шиша, Самарқанд ва Самарқанднинг парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун буюмлари каби ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган<sup>3</sup>.

Петровникова Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений..Т.II. - С. 281,298,322.  
Kasim ibn Haukal an-Nasibi. Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2.Lugduni-Batavorum,1967; Abu Is“hak al-Farisi al-Tabari. Viae regnorum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1.Lugduni-Batavorum,1967.

Петровникова Г.А. Привозные художественные изделия на средневековых трассах Великого Шелкового пути // Формирование древних трасс... - С. 178-179.

Хами воҳаси — ички Мўғулистон ҳудудларида<sup>1</sup> вужудга келди. Бу ҳудудларда суғд масканларининг қарор тоғининг шарқий ва шимолий ҳудудларида деҳқончиликнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида деҳқончиликнинг юксалиши ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишига, суғд ҳаётининг жонланишига олиб келди. VIII асрга келиб, Суғд пойтахти Чанъанда ҳам истиқомат қилаётган суғдийлар дори анчагина кўпайиб, улар ўз жамоаларини ташкил этди. “Эски хатлар” мазмунига кўра, Суғд билан суғдий маскан орасидаги алоқа мунтазам давом этган ва ҳеч қачон мунддатга узилиб қолмаган<sup>3</sup>.

Хоқонлик ҳомийлигида суғдийларнинг миллдий Ҳинд воҳасида вужудга келган савдо пунктлари ва марказларга айланди, суғдийлар Ҳинд воҳаси аҳоли қолаверса, шимолий йўналишда Шимолий Кавказ ва Каспий денгиз бўйи халқлари билан олиб борилган савдо-сотиқ жараёнларида ҳам фаол иштирок этдилар. Бу йўналишда суғдийларнинг бир неча масканлари вужудга келди<sup>4</sup>. Деярлик ўрта асрлар давомида суғд савдо аҳлининг кенг тарқалиши миқёсли савдо-сотиқ алоқаларини олиб боришлари қулайликлар юзага келди. Кўшни ўлкалар ҳамда оғиш ҳудудларида Суғд маданияти кенг ёйилди. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларининг цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар, бу ерларда ўз цивилизацияларини яратганлар. Фикримизча, Суғд ҳунармандчилигининг тараққий этиши ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди.

<sup>1</sup> Pulleyblank E.G. Sogdian colony in Inner Mongolia // *Tohoku University Studies*. V.41.-1952.- P. 350.

<sup>2</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и тюркешский каганаты, степь и город // *Известия Национальной Академии Наук Республики Казахстан*. - Алматы, 2009. №1. - С. 105-141.

<sup>3</sup> Розенберг Ф. Согдийские старые письма. К ранней истории согдийских колоний Центральной Азии // *Известия общественных наук*. - М., 1932. №5. - С. 455.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сугдак // *Сочинение*. - М., 1965. Т. III. - С. 403-404.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути // *Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тунув ва Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари*. - Тошкент-Самарканд, 2007. - Б. 109-112.

Ҳитойларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида ёзиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида қилган тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу ҳақда бутунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлиши уларни умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади. Ёзма маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари ва борада доирла мунгазам равишда Суғд ҳудудларидан совғалар олиниши сифатида юксак ҳунармандчилик буюмлари келтириб келиниши хусусида маълумотлар келтирилади<sup>1</sup>. IX—X асрларда янаб утган араб географлари асарларида ҳам Суғд ҳудудларида ўрта асрлардан сифатли маҳсулотлар тайёрланганлиги ёзилади. Бу маҳсулотлар қўшни ўлкаларда ҳам юксак қадрланганлиги қайта ёзиб ўтилади<sup>2</sup>. Бироқ ёзма манбалардаги маълумотлар қисқад ёки чекланган бўлиб, улардан керакли маълумотларни тулиқ ололмаймиз. Бу борада археологик тадқиқотлар қилганида қўлга киритилган маҳсулотлар ва улар устида амалга оширилган исланишлар хулосалари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу йуналишдаги дастлабки исланишлардан бири Ибраҳимованинг кичик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотчи тадқиқотида Суғднинг Хитой билан алоқалари доирасида юксак ёзиб келинган ва чиқарилган айрим ҳунармандчилик буюмлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга келинган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар ва бирга олгиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна ва қўшқонга ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз қилиши, Ўрта Осиё ҳудудидан Хитойга “самовий отлар”, қўшқон (қўшқон) идишлар, ақиқ рангли шиша, Самарқанд ва Хитойнинг парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун буюмлари каби ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган<sup>3</sup>.

1. Ибраҳимов И.Я. (Иакинф). Собрание сведений..Т.II. - С. 281,298,322.

2. Kasim ibn Naukal an-Nasibi. Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2.Lugduni-Batavorum,1967; Abu Is“hak al-Farisi al-Hadidi. Viae regnorum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1.Lugduni-Batavorum,1967.

3. Ибраҳимов И.Я. Привозные художественные изделия на среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути // Формирование древних трасс... - С. 178-179.

Хами воҳаси — ички Мўғулистон ҳудудларида<sup>1</sup> вужудга келди. Бу ҳудудларда суғд масканларининг қарор топиши хоқонликнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида деҳқончиликнинг юксалиши ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишига, маданий ҳаётнинг жонланишига олиб келди. VIII асрга келиб, Хитой пойтахти Чанъанда ҳам истиқомат қилаётган суғдийлар миқдори анчагина кўпайиб, улар ўз жамоаларини ташкил этдилар<sup>2</sup>. “Эски хатлар” мазмунига кўра, Суғд билан суғдий масканлар орасидаги алоқа мунтазам давом этган ва ҳеч қачон узоқ муддатта узилиб қолмаган<sup>3</sup>.

Хоқонлик ҳомийлигида суғдийларнинг милодий I асрда Ҳинд воҳасида вужудга келган савдо пунктлари йирик марказларга айланди, суғдийлар Ҳинд воҳаси аҳолиси, қолаверса, шимолий йўналишда Шимолий Кавказ ва Қора денгиз бўйи халқлари билан олиб борилган савдо-сотиқ жараёнларида ҳам фаол иштирок этдилар. Бу йўналишда ҳам суғдийларнинг бир неча масканлари вужудга келди<sup>4</sup>. Демак, илк ўрта асрлар давомида суғд савдо аҳлининг кенг халқаро миқёсли савдо-сотиқ алоқаларини олиб боришлари учун қулайликлар юзага келди. Кўшни ўлкалар ҳамда олис ҳудудларда Суғд маданияти кенг ёйилди. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларига суғд цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар, бу ерларда ўз цивилизацияларини яратганлар”<sup>5</sup>. Фикримизча, Суғд ҳунармандчилигининг тараққий топиши ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди.

<sup>1</sup> Pulleyblank E.G. Sogdian colony in Inner Mongolia // *Toung pao*. V.41.-1952.- P. 350.

<sup>2</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // *Известия Национальной Академии Наук Республики Казахстан*. - Алматы, 2009. №1. - С. 105-147.

<sup>3</sup> Розенберг Ф. Согдийские старые письма. К ранней истории согдийских колоний Центральной Азии // *Известия общественных наук*. - М., 1932. №5. - С. 455.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сугдак // *Сочинение*. - М., 1965. Т. III. - С. 489-490.

<sup>5</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути // *Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари*. - Тошкент-Самарканд, 2007. - Б. 109-112.



Суғдийларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида изчил тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада бугунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, уларни умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади. Ёзма маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари мазкур даврда мунтазам равишда Суғд ҳудудларидан совғасалом сифатида юксак ҳунармандчилик буюмлари келтириб турилганлиги хусусида маълумотлар келтирилади<sup>1</sup>. IX—X асрларда яшаб ўтган араб географлари асарларида ҳам Суғд ҳудудида илк ўрта асрлардан сифатли маҳсулотлар тайёрланганлигини, бу маҳсулотлар қўшни ўлкаларда ҳам юксак қадрланганлиги қайд этиб ўтилади<sup>2</sup>. Бироқ ёзма манбалардаги маълумотлар қисқа ёки чекланган бўлиб, улардан керакли маълумотларни тўлиқ ололмаймиз. Бу борада археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар ва улар устида амалга оширилган изланишлар ҳулосалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу йўналишдаги дастлабки изланишлардан бири Г.Пугаченкованинг кичик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотчи ўз мақоласида Суғднинг Хитой билан алоқалари доирасида ўлкага олиб келинган ва чиқарилган айрим ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга юборилган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар билан бирга олгиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна ва ибодатхона ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз навбатида, Ўрта Осиё ҳудудидан Хитойга “самовий отлар”, биллур (хрустал) идишлар, ақиқ рангли шиша, Самарқанд ва Хутгалон парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун газламалари каби ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений..Т.II. - С. 281,298,322.

<sup>2</sup> Abu-l-Kasim ibn Haukal an-Nasibi. Opus geographicum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 2.Lugduni-Batavorum, 1967; Abu Is“hak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1.Lugduni-Batavorum, 1967.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А. Привозные художественные изделия на Среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути // Формирование и развитие трасс... - С. 178-179.

Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, четга чиқарилган маҳсулотлар орасида турли газламалар муҳим ўрин тутади. Бу табиий ҳол, албатта, чунки Суғдда VII асрдан бошлаб ўзига хос усулда шойи газлама тўқишнинг ривожланганлиги бу каби маҳсулотлар сифатининг юқори бўлишини таъминлаган эди. Шунингдек, газламаларга босилган гулдор ва жимжимадор безаклар Хитой шойи газламасига нисбатан ўзига хос устунликка олиб келган. Шу сабабли бу каби маҳсулотлар Хитой ипаги билан рақобат қилиб, Шимолий Кавказ ва Қора Денгиз бўйи ҳудудларига, ҳатто Византияга чиқарилган<sup>1</sup>. Зандананинг шойи матосидан тўқилган гобелен (деворга осиб қўйиладиган безакли гилам)нинг Фарбий Европадан топилганлиги ҳамда ўз сифатини ҳанузга қадар йўқотмаганлиги маҳсулот сифатига берилган алоҳида эътиборни англатади. Қолаверса, тўқимачилик маҳсулотлари орасида пахта газламаси араблар босқини арафасида Араб халифалигига ҳам кўп миқдорда чиқарилган. Хусусан, “Араб Халифалигига етказилиб бериладиган хом ашё ва газламанинг асосий қисми Ўрта Осиё (Суғд) ҳудудидан етказиб берилган”<sup>2</sup>. Суғд ҳамда Шарқий Туркистонда тўқилган пахта матоси Хитойда ҳам қадрланган<sup>3</sup>. Тўқимачилик маҳсулотлари орасида жундан тўқилган гилам (шолча)лар ҳам Суғддан Хитойга чиқарилган маҳсулотлар орасида муҳим ўринга эга бўлган. Бу каби гиламлар асосан, Панжикентда тайёрланган. Шарқий ўлкаларга, хусусан, қимматбаҳо тош ва Суғд кандакорлиги намуналари ҳам чиқарилган. Сўнги йилларда Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид суғд маданиятига хос буюмларнинг, жумладан, кумуш ва тилладан ясалган идиш - товоқларнинг кўплаб топилиши<sup>4</sup> бунга исбот бўлади. Ўз навбатида бундай маҳсулотлар Шарқий Европа, Қора

<sup>1</sup> Иерусалимская А.А. К вопросу о связях Согда с Византией и Египтом (об одном уникальной ткани из северокавказского могильника Мошевая Балка) // Народы Азии и Африки. - М., 1967. №3. - С. 119-126.

<sup>2</sup> Газиянц С., Мар А. Хлопок через века и страны... - С. 35.

<sup>3</sup> Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлари... - Б. 75.

<sup>4</sup> Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Тошкент: ЎзМЭ, 2007. - Б. 216.

денгизбўйи мамлакатлари ва Ғарбий Европа ҳудудларида кенг тарқалган<sup>1</sup>. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Суғддан 717 йилда Хитой императорига совға тариқасида юборилган ҳарбий бош кийим-дубулға нусхаси асосида империя ўз кўшинини дубулғалар билан таъминлаган.

Хитойдан келтирилган маҳсулотлар орасида шойи газламасидан сўнг асосий ўринни бронза тошойналар ташкил этади<sup>2</sup>. Жумладан, айнан шу ойналар таъсирида Суғдда бронза ойналар тайёрлаш кенг йўлга қўйилади. Суғдда тайёрланган тошойналар сувсар йўли бўйлаб Жанубий Сибир ва Амур дарёси бўйларига қадар кириб борган. Бу ҳудуддан шу каби иккита тошойна топилган<sup>3</sup>. Шунингдек, бронза тошойналарнинг Ўрта Осиё бўйлаб ҳамда Шимолий Кавказда кенг тарқалишида ҳам суғдийлар муҳим ўрин тутган.

Суғднинг мазкур даврдаги савдо-иқтисодий алоқаларида кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик муҳим ўрин тутади. Жумладан, ўлканинг шимоли-шарқий ва ғарбий сарҳадлари билан туташ ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик сердаромад ҳисобланган. Бу жараёнда савдо-сотикнинг энг қадимги даврда шаклланган маҳсулот айирбошлаш тури кенг ёйилган эди. Айирбошлаш савдо-сотикдаги муҳим босқич ёки ҳолат бўлиб, Ўрта Осиёда яқин вақтларгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, тадқиқотчи З.Мадраҳимовнинг фикрига кўра, Қўқон хонлигидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли билан савдо муносабатларида айирбошлаш савдоси амал қилган. Хусусан, икки кийимлик Қўқон олача газламаси етилган кўйга айирбошланган<sup>4</sup>.

Кўчманчи қабилалар орасида Суғд ҳунармандлари томонидан тайёрланган қуролсозлик маҳсулотларига талаб ниҳоятда катта бўлган. Одатий қурол — яроғ билан бир вақтда мазкур даврда Суғдда тайёрланган ва юксак бадиий ва жимжимадор безаклар билан бойитилган ҳамда қимматбаҳо

<sup>1</sup> Смирнова Л.И. Восточное серебро. - СПб, 1909. - 34 с.

<sup>2</sup> Ргвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь... - С. 123.

<sup>3</sup> Шавкунов Э.В. Великий Шелковый путь и соболья дорога... - С. 73-74.

<sup>4</sup> Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари: Тарих фанлари номз. дисс. автореферати. - Тошкент, 2009. - Б. 15.

тош ва металллар билан ишлов берилган жанговар қурооллар кўчманчи қабила зодагонларининг муҳим ашёсига айланган. Хусусан, Ўрта Осиёнинг кушон-сосоний жамияти ихтироси бўлмиш ҳайвон суяги ёки шоҳлари билан безатилган мураккаб шаклдаги камонлар<sup>1</sup>, турли тошлар ёки қимматбаҳо металл билан безалган камарлар, теридан сифатли тайёрланган филофли қимматбаҳо қилич ва ханжарлар, шунингдек, баланд, оқ рангли жун (кигиз) бош кийимлари<sup>2</sup> харидоргир бўлган. Қолаверса, кўчманчилар орасида устахоналарда бежирим қилиб тайёрланган от анжомлари ҳам қадрланган. Бу анжомлар одатда, турли қимматбаҳо металллар ёки безаклар билан безатилган. Ўз навбатида ўтроқ воҳаларга кўчманчи қабилалардан катта миқдорда жун ва тери маҳсулотлари келтирилган. Тери маҳсулотларидан Суғд маданияти ва ҳунармандчилиги намунаси — сифатли этиклар тайёрланган. Ўз навбатида, Хитой манбаларида келтирилишича, суғдийлар кўчманчи қабилалардан ҳарбий кийим-кечакнинг атрибути ҳисобланган чарм этикларни<sup>3</sup> айирбошлаганлар.

Буюк Ипак йўли бўйлаб олиб борилган ҳар томонлама алоқалар турли ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бир вақтда турли ҳудудларда ҳунармандчилик соҳаларида эришилган ютуқларнинг кенг ёйилишига замин яратди. Ўзга юртлардан келтирилган маҳсулотлар билан бирга ҳунармандчиликнинг технологик сирлари ҳам кириб келди. Хусусан, Хитойдан Суғдга, кейинчалик эса Яқин Шарқ мамлакатларига ипакчилик ва шойи тўқимачилиги ҳамда қоғоз тайёрлаш, ўз навбатида Хитойга шишасозлик сирлари кириб борди.

Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига бевосита савдо-транзит йўллари ва уларда зарурий шарт-шароитлар мавжудлиги билан тавсифланади. Инсоният тарихида турли ўлкалар ва халқлараро савдо алоқалари ривожига Буюк Ипак йўли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг йўналишларидаги савдо алоқаларининг

<sup>1</sup> Коробкова Г.Ф. Древний и средневековый Самарканд на Великом шелковом пути // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни... - С. 104-109.

<sup>2</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарканды. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. - М.: ГРВЛ, 1981. - С. 267.

<sup>3</sup> Ўша асар. - С. 148.

бошланиши инсоният фойдали меҳнат билан шуғулланишни ва ўз маҳсулотини ўзгалар маҳсулоти билан алмаштиришни ўрганган даврига бориб тақалади. Бироқ минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли бўйлаб олиб борилган кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқаларни доимо бир хил ривожланган, деб бўлмайди. Зеро, асосий савдо алоқалари олиб борилган йўллар чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақасидаги тарихнинг турли даврларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва табиий-экологик жараёнлар халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига ва аксинча, инқирозига сабаб бўлган.

Минтақада қадимги савдо-иқтисодий алоқа йўллариининг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб тарихий жараён бўлиб, у иқтисодий хўжалик турларининг пайдо бўлиши, тарқалиши ва тараққий этиши, аҳоли миграцияси ва этногенез жараёнлари, шаҳарсозлик маданияти ривожига, ўзаро маҳсулот алмашинуви ва савдо-сотикнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда қатор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечган<sup>1</sup>. Бу жараёнларни ўрганиш Суғднинг мазкур даврдаги савдо-иқтисодий алоқалари тарихини ойдинлаштиришда катта ўрин тутади.

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари тарихини ўрганишда мазкур даврда фаолиятда бўлган, маҳаллий (ички), минтақавий ва трансминтақавий (ташқи) алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлган савдо-транзит йўллари тарихини таҳлил этиш муҳимдир. Чунки мазкур даврдаги минтақавий ва халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига суғдий тужжорларнинг кенг миқёсли фаолиятлари буни тақозо этади. XX-XXI аср бошларида амалга оширилган изчил манбашунослик ва тарихий-археологик тадқиқотлар асрлар давомида халқаро савдо-иқтисодий ва алоқалар чорраҳасида жойлашган, хунармандчилик ва савдо-сотикда қадим анъаналарга эга бўлган мамлакатимиз ҳудудида қадимги тош даврларидаёқ илк алоқалар учун хизмат қилган йўллар шакллана бошлаганлигини кўрсатувчи ашёвий далилларни қўлга киритиш имконини берди.

Илк ўрта асрлар даврига келиб Суғднинг, умуман, Марказий Осиёнинг савдо-сотик йўллари тизимида жиддий ўзгариш-

<sup>1</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Тошкент: Академия, 2008. — Б. 4.

лар содир бўлди, бу даврда минтақада юзага келган туб ижтимоий-сиёсий ҳамда экологик ўзгаришлар ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда йўналишларига катта таъсир этганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, милодий IV асрдан VI аср ўрталарига қадар бир неча туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ҳамда VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Турк ҳоқонлиги таркибига киритилиши минтақада янги сиёсий вазиятни юзага келтирди. Бундай ҳолат ўз навбатида, қадимги даврларда шаклланган анъанавий савдо-иқтисодий алоқалар ва транзит йўллари йўналишларига ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, энг қадимги ва антик даврда қарор топган савдо ва транзит йўлларининг айрим йўналишлари ўз аҳамиятини йўқотиб, улар ўрнида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда савдо ва транзит йўлларининг янги тармоқлари шаклланди.

Савдо-транзит йўллар муаммосини тадқиқ этишда, энг аввало, халқаро (трансминтақавий) аҳамиятга молик бўлган йўналишларнинг таҳлили муҳимдир. Бугунги кунга қадар бу масала юзасидан бир қатор тадқиқотлар<sup>1</sup> амалга оширилган бўлиб, улар орқали илк ўрта асрлар даври халқаро савдо-транзит йўллари оид муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Шубҳасиз, халқаро аҳамиятга молик бўлган савдо-транзит йўллари ва йўналишларини аниқлаштиришда Хитой манбаларидаги маълумотлар катта ўрин тутади. Ушбу манбалар устида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили савдо-транзит йўллари ҳақидаги аниқ маълумотлар босқичма-босқич тўпланиб борганлигини кўрсатади. Бу маълумотлар асосан, Хитой давлатининг ғарбий ўлкаларга турли мақсадларда юборилган элчилик миссияларининг ҳисоботи тарзида сақланган. Шубҳасиз, бу элчилик миссияларининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири - ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан ҳам иборат бўлган.

Милоднинг II асридан эътиборан империянинг ғарбий ўлкаларни “ўзлаштириш”га бўлган интилиши туфайли Хитой

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.А. Великий Шелковый путь. - Тошкент: УзМЭ, 1999. - 280 с; Хўжаев А Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. - 280 б. ва бошқ.

императорлари томонидан йилига беш-олти, баъзи йилларда ўн мартадан кўпроқ йирик (таркибида бир неча юз киши) ва кичик (юздан ошиқ киши) элчилик миссиялари юборилган<sup>1</sup>. Жумладан, V асрнинг 20-50-йиллари оралиғида Шимолий Вей давлати томонидан Ўрта Осиёга 3 бора элчилик миссиялари жўнатилган. Ушбу элчиликлар тафсилотлари ҳам акс эттирилган “Бейши” асари илк ўрта асрларнинг дастлабки даври савдо-транзит йўллари борасидаги энг муҳим манба ҳисобланади<sup>2</sup>. Асарда Хитойни Ғарбий ўлкалар билан боғловчи савдо-транзит йўлларининг қуйидаги 4 тармоғи кўрсатилади:

1. Юймэнь (Юй-минь-гуань) чегара қалъасидан қумли саҳрони кесиб ўтиб Шаншан (Пшамшан)га борувчи йўл тармоғи;

2. Юймэнь чегара қалъасидан қумли саҳрони шимол йўналишида кесиб ўтиб Турфон (Чеши) қалъасига борувчи йўл тармоғи;

3. Ёркент (Шачэ)дан ғарбий йўналишда Помир тоғ доvonларига олиб борувчи йўл тармоғи;

4. Ёркентдан жануби-ғарб йўналишида Цунлин тоғи орқали Болу (Форс)га олиб борувчи йўл тармоғи<sup>3</sup>.

Суй сулоласи даврида (589-619 йй.) ёзилган “Ғарбий мамлакатлар географиясининг баёни” номли манбада ғарбга кетувчи савдо-транзит йўллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб, VII аср бошларидаги трансминтақавий савдо-транзит йўллари йўналишлари аниқ кўрсатиб ўтилади. Асарда Хитой империясининг ғарбий чегарадаги мустақамланган Дуньхуан шаҳридан Ўрта Ер денгизига қадар масофада фаолият кўрсатган учта асосий савдо-транзит йўл тармоқлари келтирилади<sup>4</sup>. Шунингдек, манбада ушбу уч йўналиш бир-бирлари билан кесишувчи йўллар тармоғи орқали боғланганлиги ҳамда улар орқали минтақанинг исталган жойига бориш мумкинлиги таъкидланади<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Ч.II. - Алма-аты, 1998. - С. 154.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Буюк Ипак йўли... - Б. 80-81.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание свед... Ч. II. - С. 251; Хўжаев А. Буюк Ипак йўли... - Б. 80; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги... - Б. 139.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.А. Великий Шелковый путь... - С. 121.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўллари тадқиқ этишга қаратилган, ЮНЕСКО ҳамда Марказий Осиёни тадқиқ этиш Халқаро Институти ҳомийлигида минтақа бўйлаб амалга оширилган турли археологик экспедициялар<sup>1</sup> томонидан амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан, турли халқаро илмий, илмий-амалий анжуман<sup>2</sup>, симпозиум ва илмий тўпламларда ҳам Суғднинг ички йўллари ҳақида муҳим маълумотлар ўз ифодасини топган. Қолаверса, сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг алоқа-коммуникация йўллари борасида изчил изланишларни олиб бораётган Ў.Мавлонов тадқиқотларида ҳам бу борадаги қимматли маълумотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу ва бошқа кўплаб маълумотларни таҳлил этиш асосида Суғднинг таркибий қисмларидаги ички савдо йўллари тўхталамиз.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, минтақада ҳукмронлик қилган туркий сулолалар даврида Ўрта Осиёда маҳаллий бошқарув тизими деярли тўлалигича сақлаб қолинди. Марказий ҳокимият билан бўлган муносабат ва тегишли ижтимоий-иқтисодий вазият сабабли Суғднинг кўрилатган давр савдо-иқтисодий алоқалардаги иштироки ва мавқеи барқарор ривожланиб борди. Бу эса Суғднинг ички савдо ва ташқи савдо-транзит йўлларига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, эфталитлар ҳукмронлиги даврида Жанубий Суғднинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча ошади. Аввало, Қуйи Қашқадарёдаги Нахшаб шаҳрининг ҳукмдор қароргоҳларидан бири бўлганлиги<sup>3</sup>, кейинчалик эса Кеш шаҳрининг маълум муддат бутун Суғднинг сиёсий марказига айланганлиги ва энг муҳими, воҳа худуди орқали Марказий Суғддан Жануби-Шарқий Эрон, Тоҳаристон ва Ҳиндистон худудларига олиб борувчи муҳим

<sup>1</sup> Buryakov Y.F., Baipakov K.M., TashbayevaKh., Yakubov Y. The Cities and Routes of the Great Silk road. (on Central Asia documents). — Tashkent: SHARK, 1999. - P. 6.

<sup>2</sup> Cities and Caravanserais On the Great Silk Road Routes. UNESCO Seminars reports theseses.-Urgench, 1991; The interactions of Nomadic and Settled cultures on the Great Silk Road Routes.-Almati, 1991; Eastern Europe Steppes in medieval East-West interactions. International Scientific seminar. Report theseses.-Donetsk, 1992.

<sup>3</sup> Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. - Ташкент: Фан, 1973. - С. 24.



савдо-транзит йўлининг ўтганлиги Жанубий Суғднинг савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин эгаллашига олиб келган эди.

Нахшаб ва Кешни воҳанинг шу даврдаги марказий шаҳарлари сифатида уларни, том маънода, ички йўлларнинг асосий бошланғич нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу шаҳарлар географик жиҳатдан воҳанинг ғарбий (қуйи) ва шарқий (юқори) ҳудудларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий марказлари сифатида қадимдан мавжуд бўлиб келган<sup>1</sup>. Ҳар иккала шаҳар ички йўллар орқали Самарқанд Суғди билан боғланган бўлиб, бу йўналишлар ички савдо ва транзит алоқаларда муҳим ўрин тутган. Жумладан, Самарқанддан жанубга кетувчи асосий йўлларнинг бир йўналиши Жом довони орқали ҳозирги Кўкдала даштлари ва Кўнғиртоғнинг шимолий ёнбағирлари орқали ўтган. Бу ҳудудда илк ўрта чорвадор қабилаларнинг қишлоқ қароргоҳлари ва қудуқлари бўлиб, улар Самарқанд-Нахшаб йўлининг муҳим бекатлари вазифасини бажарган. Шу билан бирга воҳадаги қадимги йўлларни ўрганиш давомида тўпланган маълумотлар Самарқанд-Нахшаб оралиғидаги даштларда мазкур даврдан йирик истеҳкомлар кўринишидаги қўрғонлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, Кўкдаладан 20 км.ча ғарбда жойлашган Ҳазорбуқа ва Қоратепа ёдгорликлари<sup>2</sup> шу даврда маҳаллий чорвадорларнинг қишлоқ қароргоҳлари бўлиши билан бир қаторда савдо-транзит йўлининг оралиқ бекатлари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Суғднинг йирик савдо марказлари Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар Нахшабда туташиб, бу ердан жанубий йўналишда Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлари — Келиф, Керки, Бурдалиққа олиб чиққан. Бу йўналиш қадимги даврлардан Суғднинг ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқалари ривожига муҳим ўрин тутган.

Самарқанддан жанубий йўналишда Тахтақорача довони орқали Жанубий Суғднинг кўрилаётган даврдаги йирик сиёсий ва иқтисодий маркази Кеш шаҳрига олиб борувчи ички йўллари тармоғи шаклланган бўлиб, бу йўналиш Суғднинг жанубий

<sup>1</sup> Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар... - Б. 10-44.

<sup>2</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари... - Б. 134.

ўлкалар, жумладан, Тоҳаристон ва Ҳинд воҳалари билан олиб борилган савдо-иқтисодий алоқаларида катта аҳамият касб этган. Бу йўналиш Қашқадарё ўрта ҳавзасида жойлашган марказлар, яъни Субаҳ-Ҳузар сўнгра Темир Дарвоза орқали Термизга олиб чиққан. Сўнгги йилларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар туфайли Ғузордарёнинг ўнг қирғоғида, яъни Қашқадарёга қуйилиш жойидан 7-8 км узоқликда савдо ва транзит йўлларидаги муҳим бўлган Ялпоқтепа ёдгорлиги ўрганилмоқда. Субаҳ рустоқи (ҳозирги Ғузор тумани) ушбу савдо-транзит йўлида муҳим бўгин бўлиб, мил. авв. I аср - милодий VIII асрларда Суғднинг ички савдо ва ташқи савдо-транзит алоқаларида катта ўрин тутган. Шунингдек, мазкур даврда Кешдан Ҳисор тоғлари (Тошқўрғон довори) орқали Тоҳаристонга олиб ўтувчи йўллардан фойдаланиш ҳам анча фаоллашади.

Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига Фарбий Суғд худуди орқали ўтган транзит йўллариининг ҳам ўрни муҳим саналади. Хусусан, V аср охири — VI аср биринчи ярмидан бошлаб Суғднинг ташқи савдо алоқаларида Самарқанд — Бухоро йўналиши ҳамда тармоқларининг аҳамияти оша бошлайди. Савдо-транзит йўлининг бу тармоғи Зарафшон дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб ўтган бўлиб, илк ислом даври ёзма манбаларида “Шоҳ-роҳ” (“Шоҳ йўли”) номи остида тилга олинади. Ўзининг афзалликлари туфайли бу йўналиш Амударёнинг ўрта оқимларидаги кечувлар орқали ўтадиган йўлга нисбатан савдо карвонлари учун анча қулай ва самарали бўлиб чиқди<sup>1</sup>.

Самарқанддан Бухоро йўналишидаги Рабинжон, Дабусия ва Кармина каби йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари орқали бу савдо-транзит йўли Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги Пойкенд шаҳристони ҳамда Амударё кечувидаги Фороб савдо пунктига етиб борган. Амударёнинг сўл қирғоғида жойлашган Омул (Чоржўй) Форобдан кейинги савдо маркази ҳисобланган. Фарбий Суғд Суғднинг нафақат фарбий ўлкалар, балки Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи орқали Шимолий Кавказ ва Қора денгиз

<sup>1</sup> Адылов Ш. Эфталиты и западный Согд // Археология, история и культура Средней Азии: Тез. докл. межд. конф. - Ташкент, 2002. - С. 21-23.

соҳиллари мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, VI асрнинг охирларидан эътиборан Суғд савдо аҳли Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Кат шаҳри орқали шимолий йўналишда ҳам фаол савдо-сотиқ олиб борганлар.

Шубҳасиз, Суғднинг ва минтақанинг савдо-иқтисодий алоқаларида Самарқанд шаҳри ҳамда Самарқанд Суғдининг савдо-транзит йўллари алоҳида аҳамиятга эгадир. Зотан, манбаларда Самарқанд йирик савдо маркази эканлиги, шу сабабдан бу ерга жуда кўплаб мамлакатлардан тижорат мақсадларида савдогарлар келиши таъкидлаб ўтилган<sup>1</sup>. Шунингдек, Самарқанд Суғдининг Зарафшон дарёси ўнг соҳилида жойлашган рустоқларидан ўтган савдо-транзит йўллари орқали Чоч, Фарғона, Шарқий Туркистон ўлкалари ва Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим маркази ҳам ҳисобланган. Жануби-шарқий йўналишда Самарқандни Зарафшоннинг юқори оқими бўйлаб Суғднинг йирик марказларидан бири - Панжикент билан боғлаган савдо-транзит йўли орқали Тоҳаристоннинг шимолий ҳудудлари билан савдо-сотиқ алоқалари амалга оширилган.

Шимолий йўналишда воҳанинг қадимий мудофаа иншооти Кампирдевол тизимига кирувчи Катвондиза<sup>2</sup> савдо маркази Сирдарё ўрта ва қуйи этаклари билан савдо жараёнларида муҳим ўрин тутган. Шарқий йўналишдаги йирик савдо марказлари Баркат, Хушсуфағн, Бурнашад орқали савдо-транзит йўллари Уструшонага, Сирдарё бўйидаги Хўжандга ҳамда Фарғона водийсига, шунингдек, Чоч ўлкасига олиб чиққан. Ушбу савдо-транзит йўллари Суғднинг мазкур даврдаги фаол савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишда ҳамда минтақа ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига муҳим аҳамият касб этган.

Бизнингча, Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари борасидаги муҳим манбалардан яна бири — савдо элчиликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Хусусан, Турк ҳоқонлиги

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание свед... Ч. II. - С. 251.

<sup>2</sup> Ахунбабаев Х.Г. Рустаки и селения Самарканд на пути в Шаш и Фергану // Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари: Илмий-амалий анжуман мат. - Самарқанд, 1994. - Б. 16-19.

ҳомийлигида Суғднинг Эрон ва Византия каби мамлакатларга юборилган элчиликлари тўғрисидаги маълумотлар савдо-иқтисодий алоқаларни таҳлил этишда муҳим манба саналади. Турк ҳоқонлигининг айнан савдо-сотиқ борасида Сосонийлар империяси билан ўзаро зид манфаатлари туфайли суғдийлар ҳоқонлик ҳомийлигида Шимолий йўналишда Кавказ ҳамда Қора денгизбўйи ўлкалари билан олиб борилган савдо-иқтисодий алоқаларда ҳам фаол иштирок этадилар. Жумладан, ябғу хоқон Истами рухсати билан савдо алоқаларини ривожлантириш юзасидан суғдий Маниах бошчилигида 567 йилда Сосоний шоҳ Хусрав I Ануширвон ҳузурига йирик савдо элчилик миссияси юборилади<sup>1</sup>. Ипак савдоси борасидаги Эрон манфаатлари туфайли бу ва кейинги элчилик миссиялари муваффақиятсизликка учрагач<sup>2</sup>, ябғу хоқон Истами Византия империяси билан дипломатик ва савдо алоқаларини кучайтириш мақсадида 568 йилда айнан Маниах бошчилигида Шимолий Кавказ орқали Константинополга ўз элчилигини жўнатади. Бунга жавобан, Византия империясининг бир неча элчилик миссиялари ябғу хоқон Истами ҳузурига жўнатилгани манбаларда ўз аксини топган<sup>3</sup>. Юқорида айнан шу элчилик миссиялари юрган йўллар негизда Шимолий тармоқ савдо йўли ривожланганлиги хусусида тўхталиб ўтдик.

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари хусусидаги муҳим маълумотларни Хитой йилномаларида ҳам учратамиз. Йилномалардаги маълумотларни таҳлил этиш асосида милудий V асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Хитой ва ғарбий ўлкалар ўртасидаги алоқалар узоқ давр давом этган узилишлардан сўнг (бу жараён Хитойнинг сиёсий тарқоқликка юз тутиши ва кўп жиҳатдан кўчманчи туркий қабилаларнинг фаол ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ эди) тиклана бошлаганини таъкидлаш лозим. Манбаларга эътибор берсак, фақатгина 435-440 йиллар оралиғида ғарбий ҳудудда жойлашган тўққиз ўлкадан Хитой саройига элчиликлар юборилган<sup>4</sup>лигини

<sup>1</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... - Б. 52.

<sup>2</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... - Б. 53-55.

<sup>3</sup> Византийские историки / Перевод с греческого С.Дестуниса. Примечание Г.Дестуниса. - СПб., 1980. - С. 49.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений... Ч. II. - С. 249.

кузатиш мумкин. Хитой ҳукуматининг бу алоқаларни ривожлантириш ва албатта, ғарбий ўлкаларда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида амалга оширган тадбирлари Хитой билан ғарбий ўлкаларда жойлашган мулклар ўртасидаги (савдо-иқтисодий) алоқалар ривожига замин яратди. Бу жараён натижаси ўлароқ, Хитой кейинги бир аср мобайнида Ўрта Осиё, жумладан, Суғд билан ҳам мустақкам алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлди.

Йилномаларда VI асрнинг бошларидан бошқа мулклар қатори Суғддан ҳам империя саройига мунтазам равишда маҳаллий ҳунармандчилик ашёларини совға сифатида келтириб турган элчиликлар ҳақида баён этилади. Сўнги йилларда Хитой манбалари ҳамда Хитой ҳудудидан топилган Суғд маданиятига оид ҳунармандчилик буюмлари устида олиб борилган таҳлилларга кўра, айнан тижорат мақсадида суғдийлар қадимги даврларданоқ Хитойнинг марказий ҳудудларига қадар кириб борганлар, улар нафақат Хитой маҳсулотларининг Ғарбий ҳудудларга чиқарилишида, балки Ғарбий ўлкаларда (шу жумладан, Суғдда) тайёрланган нафис ҳунармандчилик ашёларининг Хитой бозорларида сотилишида ҳам катта ўрин тутганлар<sup>1</sup>.

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари борасида шу нарса эътиборга лойиқки, манбаларда Суғддаги мулкларнинг савдо алоқалари алоҳида тарзда келтирилади. Фикримизча, бу ҳолат аввало, туркий сулолалар, умуман, кўчманчи давлатлардаги бошқарув жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, Суғднинг турли ҳудудларида ўз улус (улуш)ларига эга бўлган шаҳзодалар<sup>2</sup>нинг имкон қадар бошқа мамлакатлар билан мустақил алоқалар олиб боришга бўлган жиддий интилишлари билан ҳам изоҳланади. Бунга мисол тариқасида VII асрнинг ўрталарида Кеш ҳокими Шишпир<sup>3</sup> ёки 627 йилда Суғд ва Уструшона мулкларидан бирлашган йирик савдо карвонларининг Тан империясига юборилишини келтириш мумкин. Шу билан бирга Хитой дипломатиясининг кўчманчи давлатларни ўзига

<sup>1</sup> Хўжаев А Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... - Б. 212-220

<sup>2</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... - Б. 64-68.

<sup>3</sup> Сағдуллаев А., Эшов Б. Южный Согд в системе торговых путей / Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари: Илмий-амалий анжуман мат. - Самарқанд, 1994. - Б. 61-63.

бўйсундириш борасидаги ютуқлари ҳам<sup>1</sup> кўчманчи давлатлар ва уларга қарам бўлган ҳудудларда ўзаро сиёсий тарқоқликни вужудга келтирган асосий омиллардан бири эди. Шу сабабли ҳам ташқи савдо-иқтисодий алоқаларда Суғднинг таркибий ҳудудлари Кеш, Бухоро, Самарқанд, Маймуғ хитой манбаларида алоҳида ҳудуд номлари — “Шы”, “Ань”, “Кан (Кянг)”, “Ми” сифатида аталган, шу юрт савдогарлари исми олдига эса қайси ҳудуддан эканлигини англатувчи жой номлари қўшиб айтилган (масалан, Канг Можя, Канг Данун ва ҳ.к.)<sup>2</sup>, суғдий ёзувларда эса (Шатиал ва Чилос ёдгорликлари) савдогарларнинг қардан эканлиги аниқ битилган.

Бундай ҳолат, фикримизча, илк ўрта асрлар Ўрта Осиё жамиятида ҳукмрон сулола вакилларининг асосий таянчи сифатида маҳаллий деҳқонлар мавқеининг юқорилиги ҳамда уларнинг жамият юқори табақаси вакиллари сифатида нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётда, балки савдо-иқтисодий алоқаларда ҳам етакчи ўрин эгаллаганлигидан далолат беради. Хусусан, Самарқанд Суғдида йирик маъмурий лавозимни эгаллаган Деваштич бир вақтнинг ўзида йирик мол-мулк эгаси сифатида ушбу ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш устахоналарини ижарага берганлиги тўғрисидаги маълумотлар<sup>3</sup> ҳам бундан далолат беради. Шу маънода, йирик деҳқонлар қўлида ишлаган ёки улар билан ҳамкорлик қилган савдогарлар Суғднинг, қолаверса, бутун Марказий Осиёнинг савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин эгаллаганлар.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиб ўтиш мумкинки, туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари ривожига замин яратди. Турк ҳоқонлиги ва Суғд савдо аҳлининг муштарак манфаатлари эса Суғдда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг тараққий этишига ҳамда халқаро савдо-сотиқ жараёнларида юқори мавқе эгаллаган суғдий тужжорларнинг илк ўрта асрлар даврида бу борада катта ютуқларга эришишига олиб келди. Суғд савдогарлари фаол савдо-иқтисодий алоқалар олиб бориш билан бир қаторда мазкур давр маданий ютуқларининг кенг ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгалладилар.

<sup>1</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... - Б. 114-125.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... - Б. 216-217

<sup>3</sup> Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар... - Б. 17-19.

## ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

**Қадимги даврлардаги ҳарбий санъат.** Қуролли кучлар ва ҳарбий ҳаракатлар фаолиятини белгилаб берувчи ҳарбий санъат тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Дастлабки қурол-яроғлар ва қуролланган гуруҳларнинг пайдо бўлиши, кейинроқ эса, сиёсий мақсадларни кўзлаб ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши бу жараёнга асос бўлган эди. Ҳарбий санъат моддий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра доимий ўзгариб турган.

Мил. авв. XII-VII минг йилликларда, яъни мезолит даврида Ўрта Осиё қадимги халқлари хўжалигида катта ўзгаришлар бўлиб ўтади. Хусусан, бу даврга келиб музлик жанубдан шимолга силжийди ва иқлим барқарорлашади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўзгаради. Мезолит даврининг энг катта ютуғи ва кашфиётларидан бири бу — **камон ва ўқнинг** пайдо бўлиши эди. Камон ва ўқ — инсоният кашф этган энг дастлабки мураккаб мослама бўлиб, у инсониятнинг узоқ давом этган меҳнат тажрибаси ва ақл-заковатининг натижаси бўлди. Шунингдек, ўқ-ёйнинг кашф этилиши мезолит даври ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзига хос инқилоби эди. Ундан ташқари, ҳарбий санъат ва қуролланишнинг ҳақиқий тарихи ҳам айнан камалак ва ўқ пайдо бўлган даврдан бошланади.

Тадқиқотлар натижаларига қараганда, аввал отиладиган (улоқтириладиган) қуроллар асосан, овчилик мақсадларида пайдо бўлади. Улар маълум маънода жисмоний куч талаб этган. Чунки ёғоч дасталарга бириктирилган ўткир учлар асосан тош ва кам ҳолларда суяқдан ишланган. Ўрта тош асридаги янги шароитда эса минг йиллар давомида шаклланиб келган овчилик маданияти ўзгаради. Овчилик объекти ҳам шунга мос ҳолда ўзгариши туфайли янги қуролга эҳтиёж сезила бошлайди. Мезолит даврида кичик ҳайвонларнинг тарқалиши овчилик усулларининг ўзгаришига олиб келади. Ўқ-ёйнинг кашф этилиши дастлабки даврларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини тақозо этиб қуйидаги хусусиятлар билан боғлиқ эди:

1. **Физик қонуният** — ўқнинг тезлиги — кинетик куч (энергия)ни идрок этиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш узоқ

йиллик малака ва кўникма тақозоси эканлиги ва инсоният ўз тарихида биринчи марта кинетик энергиядан махсус асбоб ёрдамида фойдаланиши.

2. **Ақлнинг ривожланиши** (ҳайвонларни орқасидан қувиб чуқурга ёки дарага, горга ҳайдаш эмас, балки уларни ўқ-ёй ёрдамида қўлга киритиш) ва фаолиятнинг онглилиги.

Мезолит давридаги ушбу кашфиёт хўжалик тараққиётига, иқтисодий ҳаётга жиддий ўзгартиришлар киритиб, қадимги қабилалар турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборганлиги шубҳасиздир. Неолит даврига келиб, яъни мил. авв. VI-IV минг йилликларда тош қурооллар (ўқ учлари, болталар, пичоқлар, ўроқлар) янада такомиллашади. Аммо ҳарбий санъат ва қуроолланишдаги туб ўзгаришлар металлнинг кашф этилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, тахминан мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида инсоният тарихидаги дастлабки металл-мис кашф этилади. Дастлабки металлчилик даврида мис жуда қимматли хом ашё бўлган ва соф мис (руда) фақат айрим жойлардагина учраган. Ўша давр Ўрта Осиё деҳқончилик қабилаларининг узоқ ҳудудларга тарқалиши янги ерларни ўзлаштирилишидан ташқари қазилма бойликлар, металл рудаси конларини қидириш билан боғлиқ бўлган эди. Мис анчагина енгил ва юмшоқ металл бўлиб, соф ҳолда ундан оғир қурооллар яшашнинг иложи бўлмаган. Мисдан асосан тақинчоқлар ва айрим ҳолларда ўқ учлари, пичоқлар ясалган бўлиб, бундай қурооллар Жанубий Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидан топиб ўрганилган.

Мил. авв. III минг йилликка келиб Ўрта Осиёнинг қадимги қабилалари мис ва қалайни аралашмасидан бронзани ҳосил қиладиларки, айнан ўша даврдан бошлаб ҳақиқий металл даври бошланади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида мил. авв. III-II минг йилликнинг бошларида қулдорлик жамияти кенг раванқ топади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча ривожланган ва жанубий ҳудудларда Қадимги Шарқ маданиятларига мансуб маданий хўжалик турлари тарқалган. Ўрта Осиёда



бронза даври мил. авв. III минг йилликдан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозимки, бронза даврига келиб Ўрта Осиёда меҳнатнинг биринчи йирик тақсимооти рўй бериб, чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқади. Ўтроқ деҳқончилик аҳолиси билан кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги муносабатлар кучая бошлаб, улар айрим ҳолларда ҳарбий тўқнашувлар билан якунланади.

Мил. авв. II минг йилликка келиб Ўрта Осиёнинг жанубидаги Мурғоб дарёси ҳавзаси ҳамда Амударёнинг ўрта оқими ҳудудларида юқори даражада ривожланган ўтроқ деҳқончилик маданиятлари шаклланади. Кейинчалик қадимги Бақтрия ва Марғиёна таркибига кирган бу ҳудудлардан ҳозирги кунга қадар 200 дан зиёд бронза даври ёдгорликлари топиб ўрганилган. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилганлари Гонур, Дашли, Келлели, Сополлитепа, Жарқўтон, Тўғолоқ кабилардир. Кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия ва Марғиёна ушбу давр манзилгоҳларини иккита асосий гуруҳга: истехкомли манзилгоҳлар ва истехкомсиз манзилгоҳлар гуруҳларига ажратадилар.

Ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг асоси ҳисобланган ва ҳимоя иншоотлари билан ўралиб, мустаҳкамланган қалъаларнинг пайдо бўлиши ҳарбий хавф-хатар туғилган пайтда бошпана вазифасини бажариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, қалъалар қадимги ўтроқ деҳқончилик жамиятида чуқурлашиб бораётган ижтимоий табақалашув жараёнларини ўзида акс эттирган.

Тарихнинг барча давларида Ўрта Осиёнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ёнма-ён яшаб келган. Кўчманчи аҳоли ўтроқ зироаткор аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, шаҳарлар ва қишлоқларда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж сезган бўлса, ўтроқ аҳолида чорвадорларнинг гўшт-сут маҳсулотлари, тери маҳсулотлари, туя ва отларга талаб катта бўлган. Шунга қарамаздан, кўчманчи-чорвадор аҳоли зироаткор аҳолига нисбатан серҳаракат бўлиб, яхши от ва қурол-яроғларга эга бўлган ҳолда деҳқончилик воҳаларига тез-тез ҳужумлар уюштириб турганлар. Аммо қадимги Ўрта Осиё тарихи ва

маданияти чорвадор ва ўтроқ аҳоли ўзаро муносабатларисиз ривожланиши мумкин эмас эдики, жуда кўплаб моддий маданият буюмлари ушбу муносабатлар қадимги даврлардан бошлаб жадал ривожланганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, ҳарбий санъатнинг қадимги даврларда тараққий этишида ҳимоя иншоотлари: хандақлар, деворлар, қалъалар, истеҳкомлар қуриш муҳим аҳамиятга эга эди. Ўзига хос марказлар вазифасини бажарувчи қадимги шаҳарларнинг марказлашув пункти сифатидаги роли, аввало, зич қурилган иморатлар ва ривожланган меъморчилик билан изоҳланувчи шаклий хусусиятларда ўз аксини топади. Қалъалар ва мустаҳкамланган истеҳкомларнинг шаклий хусусиятлардан бири сифатида ривожланиши турли жамият ва турли шароитлар учун турлича бўлган ижтимоий жараёндаги ҳарбий вазифалар билан узвий боғлиқдир. Бу ҳолат ҳимоя иншоотларининг мавжудлиги ва хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

Ўрта Осиёнинг жанубидаги шаҳар маданияти, мудофаа иншоотлари масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган В.М. Массон, урбанистик жараёнда маҳобатли турар-жойлар, ижтимоий-диний хусусиятли меъморчиликка эга бўлган Жанубий Туркменистондаги Олтиндепани аниқлаган. Олимнинг фикрича, фақат Марғиёна ва Бақтрия учун хос бўлган, бурчакларида миноралари ва режавий тузилиши тўрт-бурчак бўлган қалъалар Ҳиндистондаги Хараппа цивилизацияси таъсирида пайдо бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Олтиндепанинг баланд тепалик устида жойлашганлиги кўҳна шаҳарнинг ҳимояси учун қулай шарт-шароит яратган. Ундан ташқари тепаликнинг тик ён бағирлари хом гиштдан ўзига хос қоплама билан қопланган. Қияликка борадиган нишаблик эса девор билан тўсилган. Деворларнинг тузилиши ва қалинлиги қурилиш хусусияти ва шароитга қараб белгиланган. Кўҳна шаҳарга кириш жойида девор максимал қалинликда, бошқа жойларда айланма девор 1-2 метр сақланиб қолган. Айрим жойларда квадрат режали миноралар ҳам бор.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмига келиб Марғиёна (Овчин, Тохирбой 3), Шимолий (Сополли, Молали) ва Жанубий (Давлатобод ёдгорликлари гуруҳи,

Оқча) Бақтрияга қадимги Шарқ типигаги ривожланган шаҳар маданияти кириб келиши кузатилади. Бу ҳудудларда ёйилган минорали тўртбурчак қалъалар кўринишидаги қатъий режавий истеҳком қонуниятларига асосланиб қад кўтарган кичик масканлар, аввало, тузилиши ва ўлчовлари ҳамда ушбу маданият кириб келиши билан боғлиқ бўлган ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб бунёд этилган.

Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларини кузатадиган бўлсак, Фарғонанинг қадимги давр барча мудофаа иншоотлари гувала, хом гишт ва паҳсадан қад кўтарган. Ҳимоя иншоотлари тарихий топографиясини тадқиқ этиш шуни кўрсатади-ки, улар пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий мезони ўтроқ деҳқончилик аҳолиси қишлоқларининг узоқ вақт мавжуд бўлиши ва уларнинг кўчманчи қабилалар билан кўшничилиги эди. Бу кўшничилик ҳар доим ҳам тинч-тотувликка асосланмаган бўлиб, айрим ҳолларда ҳарбий тўқнашувлар билан тугар эди.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми шаҳарлари учун минтақавий фарқланиш (турли хиллик) хосдир. Жанубда Амударёнинг чап соҳил воҳаларида режавий тузилиши айлана бўлган шаҳар ва қалъалар (Бақтро, Олтиндилёр, Емиштепа, Улкантепа) устунлик қилиб, уларнинг кўпчилигини марказида кўрғонлар ёки баланд пойдеворда қад кўтарган маҳобатли иншоотлари бор. Амударёнинг ўнг қирғоқ ҳудудлари ва Сирдарё ҳавзаси воҳаларида шаҳарлар тўғри бурчакли режа асосида қурилиб, улардаги сарой ва бошқа жамоат иншоотлари (Еркўрғон, Эйлатон, Марҳамат, Қалъалиқир, Кўҳнақалъа) баланд пойдеворли кўрғон шаклида бунёд этилмаган. Айрим шаҳарларда географик шароитга қараб ҳимоя деворлари бунёд этишда (Афросиёб, Кўзалиқир, Ойхоним) табиий тепаликлардан фойдаланилган.

Айрим тадқиқотчилар (Г.А. Пугаченкова) Ўзбекистоннинг жанубида, яъни Шимолий Бақтриядаги ҳимоя иншоотлари ривожланишининг куйидаги босқичларини белгилайдилар:

1. Мил. авв. II-I минг йилликлар — бронза даври ҳимоя иншоотлари.

2. Мил. авв. VII-IV асрлар — қадимги Бақтрия даври ҳимоя иншоотлари.

3. Мил. авв. III-II асрлар — грек-бақтрия даври ҳимоя иншоотлари.

4. Мил. авв. I-милодий IV аср — кушон даври ҳимоя иншоотлари.

Биринчи босқич шаҳарларнинг ҳимоя иншоотлари мукаммаллашуви билан изоҳланади. Бронза даври учун мустаҳкам пойдевор, ўрама девор ва коридорлар ҳамда ўқ отувчи шинаклар бўлган мураккаб ва ривожланган ҳимоя тартиби хос эди. Кўҳна шаҳарлар дарвозалари мустаҳкам ҳимояланган бўлиб, алдамчи-тузоқ дарвозалар ҳам бор эди.

Иккинчи босқичга келиб Қизилтепа, Ҳайитобод каби кўҳна шаҳарларнинг ҳамда Талашкан I, Бандихон каби қалъаларнинг мудофаа иншоотлари ривожланади ва янада такомиллашади. Кўҳна шаҳарлар мудофаасида иншоотни ўраб турган деворлар мукаммаллашиб, ички тузилишга эга бўлган ярим айлана шаклдаги миноралар пайдо бўлади. Учинчи ва тўртинчи бошқичларда деворлар, миноралар ва ўқ отиш шинакларидан ташқари девор олди хандақлари ҳам аниқланган. Дарвозалар ишончли ҳимояланган ва лабиринт кўринишида қурилган.

Грек- Бақтрия, кейинчалик Кушон даврларида ҳимоя деворлари қуриш ишига маълум ўзгартиришлар киритилади. Эндиликда ҳимоя деворлари анча қалин бўлиб, уни чуқур хандақ ўраб турган. Деворларнинг бурчак қисми ёки бутун девор бўйлаб миноралар билан мустаҳкамланган. Деворларда ҳамда минораларда бир ёки икки қатор ўқ-ёй отиш учун шинаклар қилинган. Миноралар турли шаклда: доира, тўғрибурчак, ярим айланасимон шаклларда қурилган. Қалъа деворларидаги энг ҳимоясиз жой дарвоза бўлган. Шунинг учун ҳам кириш жойлари мураккаб дарвозаолди тартиби билан мустаҳкамланган. Бу ҳолат айниқса, Хоразмда кенг тарқалган.

Ёзма ва археологик манбалар маълумотларига кўра, мил. авв. VII-VI асрларда Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Тажан ва Мурғоб дарёси ҳавзаларида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида бақтрийлар, суғдийлар, хоразмийлар, парфиёнлар, марфиёнлар яшаб, ўтроқ турмуш тарзи кечирганлар. Ўрта Осиёнинг тоғ олди ва дашт ҳудудларида эса саклар, массагетлар, даҳлар кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Тарихнинг отаси Геродот ўзининг машхур “Тарих” асарида ўнг қирғоқ Амударёда яшовчи массагет қабилаларини таърифлар экан, уларнинг кўп сонли ва жанговар эканлиги, отлик ва пиёда жанглarda моҳир бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Тарихнинг отаси, шунингдек, сак суворийларининг энг яхши жангчилар эканлигини таъкидлайди.

Мил. авв. VI асрга келиб Ўрта Осиёда қуролсозлик ишлари ўзининг юқори даражасига кўтарилган эди. Бу даврда жангчилар хужум қуролларига эга бўлиб, улар дасталари қимматбаҳо безатилган темир (айрим ҳолларда бронза) ханжар ва қиличлар билан қуролланганлар. Ўрта Осиёлик жангчилар кўл жангида **акинак** номи билан машхур бўлган калта ханжарлардан фойдаланганлар. Узун қиличлар 1,2 м.гача бўлган. Кўпинча жанглр пайтида **сагарис** деб номланган болтачалар ишлатилган.

Маҳаллий қабилалар, умуман, Ўрта Осиё қадимги ҳарбий санъатида ўзини саросимага тушгандай кўрсатиб қочишга тушиш, орқадан қувган ёвни алдаб тоғлар орасига ёки саҳроларга олиб чиқиш ва у ерда пистирмада турган кўшин ёрдамида қириб ташлаш усули кенг тарқалган эди. Бу усул маҳаллий халқ ҳарбий санъатида узоқ вақт сақланиб турган. Кейинчалик Македониялик Александр кўшинлари билан жанглр давомида Спитамен ҳам бу усуллардан бир неча марта фойдаланган. Ўзига хос жанг қилиш анъаналарига эга бўлган Ўрта Осиё халқлари ўз ҳарбий санъатининг кўп томонлари билан рақибларидан устун турар эдилар. Таъкидлаш жоизки, ҳар сафар янги ҳокимларнинг бу ерга ўз ҳукмронликларини ўрнатиши фақат қаршиликка ягона раҳбар бўлмаганлиги, сиёсий тарқоқлик ва бирикмаганлиги сабабли бўлган. Ўрта Осиёликларнинг ҳарбий қобилиятларига Аҳамонийлар ҳам македонияликлар ҳам, араблар ҳам тан беришган. Уларнинг баъзилари Ўрта Осиёлик аскарларни ўз кўшинлари сафига киритса, баъзилари маҳаллий халқ қуроллари турларини ўз кўшинида жорий қилган, айримлари эса уларнинг ҳарбий санъатини шеърларга солиб, кўшиқлар битган.

Шунинг учун ҳам саклар, энг чиниққан ва сайланма форс қисмлари билан биргаликда Марафон жангги пайтида Аҳамонийлар кўшинининг энг муҳим қисми бўлган марказни ташкил қилган. Платеядаги жанг натижаларига тўхталар экан

Геродот, айниқса, сак отлиқларининг мардлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтади. Гавгамела ёнидаги жангда ҳам сак ва бақтриялик отлиқлар Аҳамонийлар кўшини таркибида иштирок этишган. Жангнинг бошланғич вазиятида сак ва бақтриялик отлиқлар Александр кўшинининг илғор қисмига шу даражада шиддатли ҳужум қилишганки, олдин чекина бошлаган бу илғор қисм сал ўтмай қочишга тушган. Фақатгина грек-македон армиясининг бошқа отлиқ қисмларининг ёрдамигина сак-бақтрия отлиқларини чекинтиришга эришган. Жангнинг иккинчи босқичи Ўрта Осиёлик отлиқлардан иборат иккинчи қисмнинг ҳаракатга келтирилиши билан бошланди. Шиддатли “отлиқлар жанги” бошланиб кетди. Бу жанг натижасида грек-македон кўшинлари жуда катта талофот кўрдилар, сакларни эса бундай талофотдан аскарлар ва отларнинг махсус ҳимоя воситаси билан ҳимояланганлиги қутқариб қолди. Бу сафар ҳам фақат ёрдамчи кучлар Александр кўшинларининг муваффақиятга эришишига ёрдам берган.

Ўрта Осиё халқларининг грек-македон босқинчиларига қарши олиб борган кураши, хусусан, баъзи жанглар тафсилоти сақланиб қолган. Масалан, Арриан асарларида шундай жанглардан бири тўғрисида маълумот бор. Танаис (Сирдарё) ортида бўлган жанглардан бирида, деб хабар беради Арриан, грек-македонларнинг кучи дастлаб сакларникидан устун эмас эди. Саклар уларни ўраб олиб, ё ҳужумга ўтишар, ё орқага қайтишарди. Аммо грек-македон кўшинларининг асосий кучлари ҳамда кўшимча отлиқ қисмлар жангга кириши билан саклар учун “бундай атрофида айланишлар” мумкин бўлмай қолди ва улар чекина бошлашди. Шу муаллифнинг асаридаги иккинчи маълумотда яна шу нарса маълум бўладики, Фарнух бошчилигидаги грек-македон кўшинлари ва Спитамен бошчилигидаги сак ва Суғдийлардан иборат кўшин ўртасидаги жанг вақтида Спитамен кўшини яна шу усулдан фойдаланади ҳамда грек-македон кўшинини тўла мағлубият этишга муваффақ бўлади.

Квинт Курций Руф ҳикояларида маҳаллий ҳимоя усулларини кўришимиз мумкин. Масалан, Александр кўшинлари “Сисимитр чўққисини” қамал қилган пайтда бақтрияликлар қалъаларга элтадиган тоғ йўллари тўсишган

ва бунда мудофаа иншоотларидан фойдаланишган. Жанг усулларидан яна бири отлиқларнинг бир неча гуруҳларга бўлиб, ёвга қарши тўлқин шаклида бирин-кетин ҳужум қилиш эди. Бундан ташқари, душман устига қуюндай бостириб бориш усули ҳам кенг қўлланилар эди. Кўчманчи халқларга, умуман скиф дунёсига хос бўлган жанг усулларидан бирини греклар “душман билан орқага қочиб жанг қилиш” усули деб таъриф беришган. Атоқли олим В.Д.Блавацкий бу усулни шундай изоҳлайди: “Греклар тасаввурича скиф отлиқлари жанг вақтида чекиниш усулидан жуда кўп фойдаланишган ва бу нарса уларда тўла шакланган усуллардан ҳисобланган. Бундай скиф отлиқ камончилари ёв устига қуюндай бостириб борар ва отдан туриб ёвни ўқ ёмғирига кўмиб ташлар эди. Агарда бир ҳужумдаёқ мақсадга эришилмаса, қуюн орқага қайтарди ҳамда бошқатдан янгидан ҳужумга ўтар эди”.

Ўрта Осиё қадимги халқлари қуролли кучларни алоҳида қўшин турларига бўлишни ҳам билишган, яъни пиёда аскарлар қуролланиш турига қараб ажратилган, отлиқлар эса оғир ва енгил суворийга бўлинган. Отлиқ аскарларнинг шундай бир ўзига хос тури бўлганки, бунда бир отга иккита аскар ўтириб олган. Жанг вақтида аскарлардан бири ерга тушган ва жангга кирган. Ҳарбий аравалардан кенг фойдаланилган.

Ўрта Осиёликлар отлари тўғрисида бошқа халқлар орасида афсоналар юрган. Масалан, хитойликлар Фарғона отларини деярли илоҳийлаштириш даражасига бориб етишган. Отларни жанглар вақтида душман ўқидан тўсиш мақсадида уларга махсус ҳимоя совутлари кийдирилган. Отлар учун махсус совутлар ишланганлиги тўғрисидаги дунёда биринчи маълумот Ўрта Осиёга бағишланган антик манбаларда учрайди. Бундай совут билан ҳимояланган отлардан фойдаланиш жуда узоқ вақт сақланиб қолди. Манбаларда грек-македон қўшинларига қарши урушларда шундай ҳимояланган отлардан фойдаланилганини кўришимиз мумкин.

Қуролланиш тарихида **совут ва дубулганинг** жуда кўплаб турлари маълум. Уларнинг асосий қисми дастлаб Шарқда ҳамда Евроосиё чўлларида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа жойларга тарқалган. Дастлабки даврларда Ўрта Осиё халқлари орасида балиқ тангачалари шаклидаги темир парчалардан ишланган

совут кенг тарқалган. Кейинчалик у грек-македонлар, кушонлар таъсирида ўзгариб, такомиллашиб борган. Нисбатан кейинги, айниқса, кушон даври совутлари тўғрисидаги маълумотлар анча тўлиқ. Энг аввало булар Холчаёндаги тасвирлар, кушон тангаларидаги ифодалар, шунингдек, қўшни ўлкалардаги топилмалар, Қандаҳор маданиятига оид ёдгорликлардир. Айтиб ўтиш керакки бир вақтнинг ўзида бир неча хил совут кенг тарқалган. Биз қуйида улардан баъзиларига изоҳ бериб ўтамиз.

1. Узун энгли зирҳланган совут. Елкаси баланд ва тик бўлиб, у зирҳланган. Оёқни бутун бўйича ёпувчи қисмига ҳам эга. Ёқа юқорига қараб бироз кенгайган, орқа томони олдига нисбатан бироз баландроқ. Ёқа диаметри жуда катта бўлиб, елка энидан сал кичикроқ. Бундай кенг ёқа унинг ичидаги бош ҳаракатини эркин бўлишига имкон беради. Қўл ҳимояси ўзига хос равишда тузилган, яъни уни бир-бирига кийдирилган халқалар ташкил этган. Оёқ ҳимояси учун тери ва темир тангалардан фойдаланилган.

2. Узун совут. Унинг юқори ва қуйи қисмлари бир-биридан фарқ қилади. Юқори қисми майда тангачалар билан, қуйи қисми йирик тангачалар билан ҳимояланган. Шунингдек, унинг биринчи совутдан фарқи, тик ёқанинг йўқлигидир. Оёқ ҳимояси ҳам ўзгача. Бу ерда тангачалар эмас, юмшоқ материалга тикилган ярим халқасимон металлдан фойдаланилган.

3. Совутларнинг бу тури узун кафтан шаклида бўлиб, унда ҳам тик ёқани кўрмаймиз. Арриан маълумотларига қараганда, Македониялик Александр қўшинлари дастлаб сақлар билан бўлган жангда биринчи марта Ўрта Осиёда темир совутларга дуч келишган. Ксенофонт эса ҳатто ўзини “Отлиқлар тўғрисида” асарида Ўрта Осиёлик отлиқ аскарлар совутини эллин қўшинига тадбиқ қилиш кераклигини маслаҳат қилган. Бу вақтда Александр қўшинларида тангасимон ҳамда тўрсимон безатилган совутлар кенг тарқалган эди.

Совутдан ташқари тананинг энг ҳимоясиз қисмларини мудофаа қилиш учун махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланилган. Бундай ўзига хос ҳимоя воситаси сифатида мисол қилиб зирҳланган ёпинғични кўрсатиш мумкин. У барглари тўрт томонга қараб очилган гулга ўхшайди. Ўртасида



эса бошга кийиш учун очиқ жой қолдирилган. Тўртта учбурчаксимон қирраси аскарнинг кўксини, елкаларини, орқа томонини тўсиб турган. Бу восита жуда кенг тарқалганлиги ҳақида батафсил далиллар йўқ. Фақат айтиб ўтиш керакки, бу унсур кейинчалик ўзининг жанговар хусусиятларини йўқотиб, Ўрта Осиёликларнинг баъзи кийим турларида нақш сифатида ишлатилган. Шундай ҳимоя воситаларидан яна бири иккита металл дискдан иборат бўлиб, биттаси аскарнинг кўксини, иккинчиси қорнини ҳимоялаган. Улар бир-бирига тери иплар билан боғланган. Бу элемент кейинчалик сосонийларда ҳамда Европа халқларида кенг тарқалган. Яна бир ҳимоя воситаси совут этаклар бўлиб, улар ҳам ўзининг турли шакллари билан машҳур бўлган.

Ҳимоя кийимининг иккинчи бир муҳим қисми — **дубулғадир**. Турли археологик манбалар шунини тасдиқлайдики, мил. авв. IV-III асрларда Егитисув ва Жўнғориядан то Хитойгача бўлган ерларда “кубан” типигаги дубулға кенг тарқалган. Бу дубулға мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига келиб Скифия ва Эрондан то жануби-ғарбий Манчжуриягача бўлган ерларда кенг тарқалади. Демак, ундан сак ва юечжи қабилалари ҳам фойдаланган бўлиши керак.

Дубулғаларнинг кейинги тури бурчаксимон шаклга эга бўлган. Бу хилдаги дубулғалар мил. авв. II-I асрларда кенг тарқалади. Уларнинг илк турлари йиғма тузилишга эга бўлган, яъни уларга металл чизиқлар асос қилиб олиниб бу чизиқларга металл ёки тери қийқимлари мустаҳкамланган. Очиқ жойлари металл ва тери билан ёпилган бу дубулғалар ўзига хос шаклга эга бўлган.

Дубулғанинг учинчи бир шакли ҳам мавжуд бўлганки, у кушон шоҳлари учун ҳам тож, ҳам дубулға вазифасини ўтаган. Қадимий ифодаларда бу хил дубулғалар, айниқса, чиройли ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Дубулғаларнинг кўплаб бошқа турлари ҳам мавжуд.

Энг қадимги **қалқон** турлари фақат қадимий расмларда ўз ифодасини топган ва ҳозирча бирор жойдан топилгани маълум эмас. Баъзи қалқон турларига тўхталамиз:

1. Айлана шаклидаги бу қалқон турли хил материаллардан ишланган. Унча катта бўлмай, елкадан белгача бўлган

қисмини ҳимоялайди. Олд томони сал туртиб чиққан бўлади. Бундай қалқонлар юпқа ёғочдан ишланиб, устидан ё тери тортилган ёки металл қопланган.

2. Бу иккинчи тур қалқонлар айланасимон шаклга эга бўлиб, “келтъ қалқони” ёки “клипус” номи билан машхур ва олдингисига нисбатан анча катта ҳажмга эга. Бу қалқоннинг асосини узун ва калта ёғоч таёқчалар ташкил этган. Узун таёқчалар бўйига, калта таёқчалар энига қўйилиб бир-бирига бирлаштирилган. Устидан тери ёки металл тортилган.

3. Бу турдаги қалқонлар юқоридагиларидан умуман ажралиб туради. Бу хил қалқонлар унча катта бўлмасдан, қуйи қисми тўғри бурчак, юқори қисми учбурчак ёки айланасимон шаклга эга. Дастлаб Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган бу қалқон тури кейинчалик Ҳиндистонда кенг тарқалган.

Умуман ҳимоя воситалари тўғрисида гапирар эканмиз, уларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Биз бу ерда улардан айрим нухаларинигина кўриб чиқа олдик холос. Дастлабки ҳимоя воситалари Ўрта Осиё учун мил. авв. VIII-VII асрларга оид бўлиб, улар вақт ўтиши билан ривожланиб ва такомиллашиб борган. Эллинистик унсурлар таъсирида такомиллашган ҳимоя воситалари кейинчалик юечжи қабилалари ҳимоя қуроллари билан таъсирга киришуви яна юксалиш учун асос бўлди. Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган янги ҳимоя қуроллари кейинчалик бутун Кушон империяси бўйлаб тарқалади. Ўрта Осиёда шаклланган ҳимоя воситаларининг кўпчилигидан Рим, Парфия, Европа халқлари ва греклар ўз қўшинларини ҳимоялашда ишлатишган.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ёвга қарши урушларда турли хил қуроллардан фойдаланганлар. Энг қадимги даврлардан бошлаб кенг тарқалган қурол тури — камон эди. Қадимги қабилалар ишлатган камон ва ўқ-ёйлар ўша даврдаги бутун Евроосиё даштлари кўчманчи қабилалари, айниқса, скиф камонларига жуда ўхшаш бўлган. Бу мураккаб тузилишли камон бир неча алоҳида қисмларнинг бир-бирига уланишидан ташкил топган. Камон ёғоч, қамиш, пўстлоқ, шох, суяк каби ашёлардан ишланган. Унинг дастлабки ишлов берилган қисмлари уч кунгача сувда сақланиб, кейин секин ёнаётган

оловда қуритилган. Қуритилган қисмлар бир-бирига уланиб, махсус қолипга солинган ҳамда қуруқ жойда бир йилгача сақланган. Тери билан ўралиб, махсус лак билан бўялган бу камон бир йил қуруқ жойда сақлангандан кейин ишлатилишга яроқли бўлган. Дастлаб Ўрта Осиёда шаклланган бу камон тури, Аҳамонийлар қўшинида асосий қурол тури ҳисобланган.

Бу хилдаги мураккаб тузилишли камон тараққиётини ўрганган тадқиқотчи А.Ф.Броун бу камоннинг Эрон ва бошқа бир қанча жойларга Ўрта Осиёдан кириб борганини исботлаб берди. Унинг фикрича, Аҳамонийлар даврида ва ундан олдинроқ Ўрта Осиё ҳудудида ҳажман кичик, мураккаб тузилишли камонлар билан бир қаторда содда тузилишга эга бўлган катта камонлар ҳам кенг тарқалган. Ўрта Осиёликлар, айниқса, саклар камондан отишга жуда уста бўлишган. Геродот бақтрияликлар, парфияликлар, хоразмийлар, Суғдийлар камонлари бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги тўғрисида маълумот келтиради. Ўқ-ёйларнинг ҳам бир неча турлари бўлган. Уларни тайёрлаш ҳам камон тайёрлаш каби жуда катта моҳирликни талаб қилган. Чунки ёйнинг темир учи меъеридан сал оғир ёки сал енгил бўлса, бу нарса унинг учиш масофасига таъсир қилган. Камон ва ўқ-ёй узоқ масофадан туриб жанг қилишда қанчалик муҳим восита бўлса, яқин масофадан жангга киришиш учун **найза** шунчалик катта аҳамиятга эга бўлган.

Узун ва қисқа найзалар кенг тарқалган Ўрта Осиё халқлари: бақтрияликлар, парфияликлар, хоразмийлар, Суғдийлар, гирканияликлар учун айниқса, “қисқа найзалар” жуда хос бўлган. Арриан, бу халқлар грек-македон қўшинларининг узун найзаларига қарши ўз найзалари билан ташланишарди, деб ёзганда шу хилдаги найзаларни назарда тутган бўлса керак.

Ўрта Осиёда мазор-қўрғонларни тадқиқ этиш вақтида қадимги кўчманчи қабилаларга тааллуқли **қилич ва ханжарлар** кўплаб топилган. Ханжарлар Ўрта Осиёда жуда қадимдан ишлатилиб, уларнинг дастлабки турлари бронзадан ишланган. Ханжарнинг анча узун шакли мавжуд бўлиб, у ханжар билан қилич орасидаги оралиқ шаклда бўлган. Илмий адабиётларда бу формани “**акинак**” деб номлаш қабул қилинган. Бу хилдаги ханжарлардан бири Тошкент вилояти ҳудудидан топилиб, мил. авв. II-I минг йилликлар билан саналанган. Давр ўтиши билан

бронзадан ишланган ханжарлар темирдан ишлана боради ва шаклан такомиллашади. Дастлаб темир-бронза ханжар пайдо бўлади. Уларни кесувчи қисми темирдан, тутқичи эса бронзадан ишланган. Темир қиличлар эволюциясини кузатиш бу турдаги қуролнинг дастлаб қисқа, тешувчи қиличдан вақт ўтиши билан узун ва чопқир қиличга айланиб борганлигини кўрсатади. Бу нарсани тадқиқотчилар маҳаллий халқлар жанг усулидаги ўзгаришлар билан изоҳлашади.

Суғд ҳудудидаги қўрғонлардан қинининг устки қисми ярим айлана (ёки ўрок), ҳимоялагичи тўғри шаклда ва қисқа бўлган ҳамда қинининг устки қисми доира парча шаклдаги, ҳимоялагичи тўғри шаклда ва қисқа бўлган темир ханжарлар топилгани маълум. Уларнинг узунлиги 60 см.ни ташкил қилган. Милодимиз чегарасида ва милонинг дастлабки асрларида қилич ва ханжарлар шаклида баъзи ўзгаришлар юз беради. Энди улар қинининг устки қисми ва ҳимоялагичи металлдан эмас, ёғочдан ишлана бошланади. Агар олдинги қиличларнинг дастаси кичик, фақат бир қўл билан ушлашга мослашган бўлса, эндиликда қиличларнинг дастаси анча узун ва икки қўл билан бемалол ушлаш имконини туғдирган. Бундай қиличларнинг узунлиги 105 см.гача етган. Ханжар ва акинаклар тузилиши бир-биридан унча фарқ қилмасдан, фақат бўйи билан фарқланган. Милонинг бошларида икки томони ҳам ўткир қиличлар ўрнига фақат бир томони ўткир қиличлар тарқала бошлаган. Камон, ўқ-ёй, найза, қилич, ханжарлардан ташқари **гурзи**, **тошотар** ва бир қанча бошқа қурол турлари ҳам бўлган.

Маълумки, милонинг I асри бошларига келиб Амударёнинг ўрта оқимида Кушон давлати ташкил топади. Бу давлатнинг таянчини кўп сонли ва яхши қуролланган кўшин ташкил этар эди. Тадқиқотчиларнинг тахминларича, Кушон подшоларининг кўшинлари сони 150-200 мингтагача етган. Мисол учун, Шарқий Туркистонда Хитой кўшинларига қарши Кушон давлатининг 70 минг аскарлари жанг қилган. Кўшин отлик суворийлар ва пиёда аскарлардан иборат бўлган.

Кушон кўшинлари маҳаллий қуролсоз усталарнинг маҳсулотларидан фойдаланганлар. Бу даврга келиб узоққа отувчи қурол-камон анчагина мукаммаллашади. Бу даврда беш қисмли шаклдан иборат мураккаб тузилишли камонлар кенг тарқалади.

Ватани Ўрта Осиё бўлган бу қурол тури кейинроқ Сосонийлар Эронига, Ҳиндистон ва Хитойга тарқалади. Камон ўқлари ёғочдан ёки қамишдан ишланиб ўқ учлари бир неча хил кўринишли бўлиб, темирдан тайёрланган. Шунингдек, Кушон кўшинлари ханжарлар ва қиличлар билан қуролланганлар.

**Ўрта асрлар даври ҳарбий санъати.** Милодий V асрга келиб Ўрта Осиёда Эфталитлар давлати пайдо бўлади. Эфталитлар кўшинлари катта кучга эга эдилар. Кўшинлар гурзи ва камон билан қуролланган бўлиб, ўткир қилич асосий қурол ҳисобланган. Жанг пайтида отлик суворийлар ҳал қилувчи рол ўйнаган. Эфталитлар жамиятида ҳарбий-қабилла демократияси анъаналари сақланиб қолган эди. Жанг пайтида ҳукмдор тарафдорлари уни ўраб турганлар. Агар жангда ҳукмдор ҳалок бўлса, уни ўраб турган барча тарафдорлари ҳам ўлиши лозим бўлган.

Эфталит кўшинлари Сосонийлар Эронининг Шарққа юришларини тўхтатиб қўйишга муваффақ бўлдилар. 553-554 йилларда улар Эрон шоҳи Ездигард II кўшинларини тормор этдилар. 557 йилда эфталитлар подшоси Вахшунвор Чағониён, Тохаристон ва Бадахшон вилоятларини босиб олди.

VI асрнинг ўрталарига келиб ғарбда Днепргача, шарқда Амургача, шимолда Енисейдан Тибет тоғларигача бўлган улкан ҳудудлардаги халқларни бирлаштирган йирик давлат — Турк хоқонлиги ташкил топади. Давлатда кучли ва енгилмас кўшинлар мавжуд эди. Турклар кўшинларида қаттиқ интизом ўрнатилган бўлиб, бошлиқлар буйруқлари фақат бажарилган. Кўшинлар ўн, юз, минг ва ўн минглик қисмларга бўлиниб, ўн минглик кўшин “**туман**” деб аталган ва ўз байроғига эга бўлган.

Турк кўшинларининг асосий қисмини моҳир отлик суворийлар ташкил этсада, унинг таркибида пиёда қисмлар ҳам бўлган. Туркларнинг керакли нарсалар билан таъминланиши ва қуролланиши ўзига хос эди. Отлар икки томонидан аслаҳалар билан боши эса бронза парчалари билан ҳимояланган. Суворий эса пластик аслаҳалар ва совут кийган бўлиб, унда қалқон, юпқа ва узун найза, жанговар болта, қилич ҳамда камон бўлган.

Туркларнинг кўшинлари асосан ҳужумкорлик ҳаракати руҳида бўлган. Кўшин доимо тўсатдан ҳужум қилишга тайёр

бўлиб, кўп ҳолларда тўсатдан ҳужум қилиш усули қўлланилган. Турклар қамал қуролларига эга бўлмасаларда, шаҳарларни ҳам эгаллаганлар. Улар дарёлардан кечиб ҳам, сузиб ҳам ўтаверганлар. Улар ухлаб ётган душманга ярим тунда ёки тонг отар пайтида тўсатдан ҳужумлар қилганлар. Хоқонлик кучли ва мунтазам қўшинларга эга бўлганлиги боис, VI-VII асрлардаги кичик мулклар — Суғд, Тохаристон, Бадахшон, Чаганиён, Фарғона, Чоч, Хоразм кабиларнинг кўпчилиги Фарбий Турк хоқонлигига қарам бўлган.

VIII асрнинг бошларидан бошлаб Ўрта Осиё халқлари Араб халифалиги зулми остига тушиб қолади. Араб қўшинларининг ҳарбий тартиби беш қисмдан: **хировул ёки илғор (авангард), марказ, ўнг қанот, чап қанот ва орқа қисмлардан** иборат бўлган. Ҳар иккала қанот қисмларини отлиқ аскарлар тўсиб турган. Араб қўшинларида одатда туя ва отлиқ суворийлар пиёда аскарлар сонига нисбатан бир неча марта кам бўлган. Тез ҳаракат қилиш араб қўшинларига хос хусусият эди. Урушлар даврида араблар тузоқ кўйиш, бостириб бориш ва тўсатдан ҳужум қилиш усулларини асосан тонготар пайтида қўллар эдилар.

VIII асрнинг ўрталарида Аббосийлар сулоласи ҳокимият тепасига келгач, араб қўшинлари тузилиши тугалланди, яъни арабларда доимий қўшинлар пайдо бўлди. Доимий қўшиннинг асосини халифа гвардияси ташкил этар эди. Араб гвардиясининг ҳар бир гуруҳи бир хил қуролга эга бўлиб, ўзига хос уст-бош кийишган. Араб қўшинларининг энг яхши ва асосий қисми енгил ва оғир суворийларга бўлинган отлиқ суворийлар эди. Оғир суворийлар узун найза, қилич, жанговар чўқмор, жанговар болта ва ҳимоя воситаларига эга эдилар. Енгил суворийлар эса камон ва ўқлари билан ва узун, ирғитиладиган найзалар билан қуролланганлар.

Шунингдек, араб қўшинларида оғир ва енгил пиёдалар қисмлари ҳам бўлган. Оғир пиёда қисмлари найза, қилич ва қалқонлар билан қуролланиб, саф тортган ҳолда жанг қилганлар. Арабларнинг қиличлари шунчалик ўткир эдики, улар ҳатто отларни ҳам нимталаб ташлар эди. Енгил пиёдалар қисми бўлган пиёда камончилар тарқоқ ҳолда ҳаракат қилганлар. Таъкидлаш лозимки, араблар византияликлар, форслар, хитойликлар ва Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъатининг кўпгина томонларини ўзлаштирганлар.

Маълумки, ривожланган ўрта асрлар даври мусулмон Шарқдаги йирик давлатлардан бири Хоразмшоҳлар давлати эди. Бу улкан давлат шимолдан Орол денгизи ва Қипчоқ даштлари, жанубда Ҳинд океани, шарқда Ҳиндистон, ғарбда Ироққача чўзилган эди. Маълумотларга кўра, Хоразмшоҳлар кўшинининг умумий сони 400 мингдан кўпроқ бўлган. Кўшин отлиқ ва пиёда қисмлардан иборат бўлиб, уруш шароитида халқ кўнгиллилари элон қилинган. Кўшиннинг катта қисмини суворий отлиқлар ташкил этган бўлиб, унинг таркибига оғир ва енгил қисмлар ва туяли суворийлар кирган. Хоразмшоҳларни “**хорас**” деб аталувчи махсус бўлинмалар кўриқлаган. Мисол учун, султон Муҳаммад Аловиддинни 10 минг тансоқчи кўриқлаган.

Хоразм кўшинлари қилич, қалқон ва камон билан куролланганлар. Қалбаларни қамал ва штурм қилиш пайтида тош отувчи мослама — **манжаниқ**, қамал мосламаси — **даббобат**, юривчи миноралар — **маторис**, девор бузувчи механизм — **жамалукот**, нарвонлар — **салалимлардан** фойдаланилган. Хоразмшоҳлар кўшинларининг ҳарбий тартиби жанг пайтида тўрт қисмдан иборат бўлган. Кўшиннинг олдига илғор қисмлар — **муқаддама** жойлашган. Иккинчи чизиқдан ўнг қанот — **маймана**, марказ — **қалб** ва чап қанот — **майсара** ўрин олган. Кўшиннинг орқасини орқа қисм — **муаххара** кўриқлаган. Шунингдек, душманни ўраб олиш ва тор-мор этишни тугаллашга мўлжалланган, заҳирадаги кўшин — **хафия** ҳам мавжуд бўлган.

XIV асрнинг 2-ярми — XV аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларида Соҳибқирон Амир Темурнинг сайъи ҳаракатлари натижасида марказлашган, кучли ва улкан давлат бунёд этилди. Ўз даврининг йирик давлат арбоби ва саркардаси бўлган Амир Темур ўз давлатининг ички ва ташқи сиёсатида ўзагини жасур ва жанговар барлос қабилалари ташкил этган кўшинга асосий эътибор қаратган эди.

Маълумки, Соҳибқирон мустақил ва марказлашган давлат барпо этиш мақсадида кўплаб ҳарбий юришлар олиб боради. Бу юришлар тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик” ва “етти йиллик” урушлар номи билан маълумдир. Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳарбий ислохотларга, аввало, кўшин

бошлиқларини танлаш ва уларни тайёрлаш, лашкарий қисмлар, қўшиннинг қулай стратегик жихатдан жойлашув тартиби, қўшиннинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати — ўша даврнинг йирик қўшинларига эга бўлган ҳукмдорлари — Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, Деҳли султони Маҳмудхон, Туркия султони Боязид Елдирилари йирик ва шафқатсиз жангларда тор-мор этганида намоён бўлган эди.

Амир Темур қўшини “айл” — ўнлик, “хушун” — юзлик, “ҳазора” — минглик ва “туман” — ўн минглик лашкарий тузилмалардан иборат бўлган. Бу тузилмаларни мос ҳолда айилбонши, хушунбонши, мирихазора ва туман оғаси кабилар бошқарганлар. Амир Темур қўшин бошлиқларини танлашда, аввало, уларнинг мардлиги, жасурлиги ва ҳарбий маҳоратига алоҳида эътибор қаратган. Қўшин бошлиқлари асосан барлос, арғин, жалоир, қипчоқ, орлаг каби қабилалардан тайинланган ва улар амир мартабасига эга бўлганлар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумот беришича, Амир Темур қўшинларининг ҳарбий юришлари даврида ҳар бир аскар ўзи билан бирга маълум муддатта етадиган озиқ-овқат, камон билан ўттизта ўқ, совут, найза, қилич ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта заҳира оти, ўрдагоҳда ҳар бир ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, игна, битгиз, арқон, ошланган тери бўлиши шарт эди. Шунингдек, ҳарбий юришлар пайтида ҳар бир вилоят олдиндан белгилаб қўйилган асосий қисм — “асл”, ҳамда заҳира қисм — “изофа” тўлаб бериши шарт бўлган. Жанг пайтларида тошотар қуроллар (сангандоз), девор бузувчи қуроллар (манжаник), ўқ отадиган қуроллар (раъдандоз) кабилардан фойдаланилган.

Амир Темур қўшинларининг тузилиши ўзига хос мураккаб тарзда шакллантирилган. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида, “манглай” — авангард қисмлар ҳаракатда бўлган бўлиб у, асосий кучлардан айрим ҳолларда бир неча туманлардан иборат бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида изофа қисмлари жойлашган. Жанг оқибагини ана шу изофа қисмлари ҳал қилган. Амир Темур қўшини асосий жанговар қисм —



**марказ** ҳамда ўнг қанот (**баронғор**) ва чап қанот (**жаванғор**)дан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида қўриқчи манглай-авангард, томонларида ҳам қўриқчи бўлинмалар — “**канбул**”лар бўлган. Шу тариқа, Амир Темур қўшини етти қисм — “**қўл**”лардан ташкил топган бўлиб, улардан учтаси — марказ, баранғор, жаванғорлар мустақил; тўрттаси — икки манглай ва икки канбуллар қўмондонга тобе қисмлар эди.

Амир Темур ўз замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини тузган эди. У қўшин бошлиқлари, навкарлар ва сарбозларни жуда қаттиқ ҳарбий интизом руҳида тарбиялади ва қўшинни турли-туман қурол-яроғлар ва ҳимоя воситалари билан қуроллантирди. Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва ҳарбий санъати ҳақида “Темур тузуклари”да батафсил маълумотлар берилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати қадимги даврлардан бошлаб ривожланиб келган. Барча ҳудудларда бўлгани каби Ўрта Осиё қадимги ва ўрта асрлар давлатларида ҳарбий соҳага, ҳарбий қўшинларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, давлат барқарорлиги учун ҳеч шубҳасиз ҳарбий қўшин ва ҳарбий санъатнинг ўрни бетақрордир.

Сўнггида шуни айтиб ўтиш лозимки, эл-юрт ҳимояси учун нафақат эр йигитлар, балки аёллар ҳамда болалар ҳам ҳаминша тайёр туришган. Антик манбаларда ёзилишича, “сак аёллари худди эркаклари каби камондан яхши отадилар, ўзини қочаётганга солиб, орқага қараб мерганларча отишга уста” бўлганлар. Антик географ ва тарихчиларнинг кўпчилиги жасур амазонкалар ватанини Ўрта Осиёда деб кўрсатишганлиги бежиз эмас. Болаларни ёшлигиданоқ ватан ҳимоячиси қилиб тарбиялашга катта эътибор беришган. Ҳаттоки уларнинг ўйинлари ҳам болаларда сезгирлик, тез илғаб олишга, жасурлик, эпчиллик хусусиятларини шакллантиришга қаратилган. Этнографик маълумотларга қараганда, ҳозирги болалар ўйинларининг баъзилари ўша қадим даврлардан етиб келган. Болаларда эпчиллик ҳамда мерганликни шакллантиришга қаратилган “**тўп қочар**” ўйини, кейинчалик от устида бемалол жанг қила олиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган “**одам устида кураш**” ўйини, қоронғида шарпа

ҳамда ўқ овозини тез илғаб олиш, умуман сезгирликни шакллантирувчи “оқ суяк” ўйинларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Биз бу лавҳада жуда қисқа равишда Ўрта Осиё халқлари қадимги ва ўрта асрлар даври ҳарбий санъати ва қуролланиши муаммоларига тўхталиб ўтдик. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, ёзма манбалардан ҳамда археологик қазилмалардан топилаётган янги ва янги далиллар Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос ҳарбий санъатга эга бўлганлигидан, бу ўлка халқлари ҳарбий кучлари ўз даврида дунёдаги энг кучли қўшинлар қаторига кирганлигидан далолат беради. Интизомли ҳарбий кучлар ва жанговар қўшинлар эса давлат мустақиллиги ва мустақамлигини сақловчи асосий омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

### **Лавҳа бўйича фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. — Тошкент: Ёзувчи, 1996.
3. Зияев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2001.
4. История войн. Научно-популярное издание. Пер. с англ. А.Гелагаева, А.Мырянка. — М.: Астроль АСТ, 2003.
5. История древнего Востока. Под ред В.И.Кузищина. — М.: Высшая школа, 1988.
6. Геродот. История в девяти книгах. Пер. и прим. Г.А.Стратановского. — Л.: Наука, 1972.
7. Разин Е.А. История военного искусства. — М.: Военное издательство, 1955.
8. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. — Ташкент, 2002.
9. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
10. Федоров В. Эволюция стрелкового оружия. Часть 1. — М.: Восточный горизонт, 2003.
11. Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников

Южной Сибири и Центральной Азии. — Новосибирск: Наука, 1986.

12. Турабеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII-IV вв. до н.э. — VII в. н.э.). — Нукус, 1990.

13. Дандемаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. — М.: Наука, 1985.

14. Массон В.М. Первые цивилизации. — Л.: Наука, 1989.

15. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры центральной Азии. — Ташкент: Б.И., 2005.

16. Ширинов Т.Ш. Орудия производства и оружие эпохи бронза Среднеазиатского Междуречья. — Ташкент: Фан, 1986.

17. Литвинский Б.А. Кушанский город в Средней Азии и Индии. // СА. 1979, №3.

18. Пугаченкова Г.А. К истории античной строительной техники Бактрии-Тохаристана. // СА. 1963, №4.

19. Шишкина Г.В. Древнейшая оборонительная стена Самарканда // ОНУ. 1970, №9.

20. Сулейманов Р.Х., Турабеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана // ИМКУ. 1988, №14.

## МУНДАРИЖА

Кириш (А.С.Сагдуллаев).....	3
Бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари (А.С.Сагдуллаев).....	7
Давлатчилик тушунчаси ва Қадимги Шарқдаги илк давлатлар (Б.Ж.Эшов).....	12
Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари (Б.Ж.Эшов).....	26
Особенности развития государственности в Средней Азии (до середины XIX в.) (А.С.Сагдуллаев).....	41
Этнокультурные процессы в Средней Азии в древности (А.С.Сагдуллаев).....	60
О некоторых вопросах истории ранних городов и государств долины Ферганы (А.С.Сагдуллаев, И.Йўлдошев).....	68
Қадимги Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг айрим масалалари (Б.Ж.Эшов).....	75
Развитие культурных связей в Средней Азии в древности и средневековье (Д.Маҳкамова).....	87
Культурный прогресс на примере международных связей (Д.Маҳкамова).....	117
Қадимги ва ўрта асрлар йўлларининг давлатчилик ва шаҳарлар ривожига аҳамияти (Б.Ж.Эшов).....	132
Антик давр Шарқий Қашқадарёдаги тарихий-маданий жараёнларнинг айрим жиҳатлари (Б.Ж.Эшов).....	157
Илк ўрта асрлар Суғда урбанизация жараёнлари тарихига доир (А.Р.Абдуқаюмов).....	168
Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар даври ҳарбий санъати (Б.Ж.Эшов).....	205

63.5(5Ў)

Қ14

Қадимги Давлатчилик ва урбанизация тарихий лавҳалар:  
мақолалар тўплами / масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов -  
MUMTOZ SO'Z, 2011. - 228 б.

ББК 63.5(5Ў)

УДК: 94(575)

## МУНДАРИЖА

Кириш (А.С.Сагдуллаев).....	3
Бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари (А.С.Сагдуллаев).....	7
Давлатчилик тушунчаси ва Қадимги Шарқдаги илк давлатлар (Б.Ж.Эшов).....	12
Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари (Б.Ж.Эшов).....	26
Особенности развития государственности в Средней Азии (до середины XIX в.) (А.С.Сагдуллаев).....	41
Этнокультурные процессы в Средней Азии в древности (А.С.Сагдуллаев).....	60
О некоторых вопросах истории ранних городов и государств долины Ферганы (А.С.Сагдуллаев, И.Йўлдошев).....	68
Қадимги Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг айрим масалалари (Б.Ж.Эшов).....	75
Развитие культурных связей в Средней Азии в древности и средневековье (Д.Маҳкамова).....	87
Культурный прогресс на примере международных связей (Д.Маҳкамова).....	117
Қадимги ва ўрта асрлар йўлларининг давлатчилик ва шаҳарлар ривождаги аҳамияти (Б.Ж.Эшов).....	132
Антик давр Шарқий Қашқадарёдаги тарихий-маданий жараёнларнинг айрим жиҳатлари (Б.Ж.Эшов).....	157
Илк ўрта асрлар Суғдада урбанизация жараёнлари тарихига доир (А.Р.Абдуқаюмов).....	168
Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар даври ҳарбий санъати (Б.Ж.Эшов).....	205

11-кўраш

Муҳаррир: М. Сулаймонов  
Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи муносабатлар вазирлиги

**63.5(5Ў)  
Қ14**

**Қадимги Давлатчилик ва урбанизация тарихий лавҳалар:  
мақолалар тўплами / масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов -  
MUMTOZ SO'Z, 2011. - 228 б.**

ББК 63.5(5Ў)  
УДК: 94(575)

Ташқи муносабатлар вазирлиги  
Ташқи муносабатлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи муносабатлар вазирлиги  
Ташқи муносабатлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи муносабатлар вазирлиги

*Илмий-услубий нашр*

*Муҳаррир: М.Маҳмудов  
Мусаҳҳиҳа: К.Болтабоева  
Техник муҳаррир: Б.Болтабоев*

**«MUMTOZ SO‘Z»**

**масъулияти чекланган жамияти нашриёти**

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008.

Нашриёт рақами 398. Теришга берилди: 10.12.2010.

Босишга рухсат этилди 23.12.2010.

Қоғоз бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. TimesUZ гарнитураси.

Ҳисоб-нашриёт тобоғи 15,0.

Шартли босма тобоғи 14,25. Адади 200.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел: 241-60-33

**«MUMTOZ SO‘Z»**

масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 38/10.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

Тел: 241-81-20

**«MUMTOZ SO‘Z» нашриёти**  
*электрон манзили: [mumtoz\\_soz@mail.ru](mailto:mumtoz_soz@mail.ru)*





ISBN 978-9943-398-08-5



9 789943 398085